Педагогикалық бирге ислесиўдиң мақсетиниң әмелге асырылыўы илимий билимлерге таянған ҳалда оқыўшылар менен бирге ислесиўдиң түрлери ҳәм методларынан пайдаланып, педагог теориялық тәжирийбелерди бирлестириўи арқалы көзде тутылған нәтийжеге ериседи. Оқытыўшы ҳәм тренерлердиң педагогикалық ҳәрекетлери билиў машқаласының формасы тийкарында әмелге асырылады. Педагогикалық машқаланың өзине тән айырмашылығы олардың әмелий шешими ҳеш қашан үстиртин болмайды. Педагогикалық машқаланың шешими ушын усылларды сайлай отырып оқытыўшы ҳәм тренерлер ҳәр бир оқыўшының индивидуаллығы ҳәм қызығыўшылықларына бағдарланыўы, инсаныйлық қарым-қатнас өзгешеликлерин есапқа алып, педагогикалық тәсир етиўдиң қолайлы усылларынан пайдаланса мақсетке муўапық болады. Педагогикалық тәсир етиўдиң усылларынан, тәжирийбелеринен пайдаланыў көп жағдайларда педагогтың жеке уқыплылығына да байланыслы.

Психикалық процеслер (дыққат, сезиў, қабыл етиў, есте сақлаў, ойлаў ҳәм т.б.) жумыс барысында профессионал қатнасты талап етеди. Педагогикалық хызмет нәтийжеси есапланған спорт шынығыўлары комплекси (теориялық ҳәм әмелий шынығыўлар) ҳәм жумыстың психологиялық өними (жеке тәжирийбе, психологиялық жаңаланыў, уқыплылықлардың раўажланыўы ҳәм т.б.) жумыстың функционал жемиси есапланады. Бул педагогикалық хызметтеги баслы нәтийже болып, ол инсанның педагогикалық кәсибиниң раўажланыўын тәмийинлейди. Педагогикалық хызметтиң табыслы болыўы ушын билим, көнликпе, тәжирийбе арқалы әмелге асатуғын педагогикалық қәбилетлилик талап етиледи. Оқытыўшы ҳәм тренерлердиң педагогикалық хызметинде төмендегише педагогикалық қәбилетлиликти қураўшы тийкарғы компонентлер айрықша орын ийелейди.

Сонлықтан, бул тараўда хызмет етип атырған ҳәр бир хызметкерден қайсы искерлик түри менен шуғылланыўыннан қарамастан жоқары педагогикалық шеберликти, оқыў-тәрбия жумысларын ҳәр тәреплеме дурыс шөлкемлестириўди, дене тәрбиясы ҳәм спорт билимлендириўин раўажландырыўға белсене қатнасыўды, тараў бойынша жаслардың билим ҳәм көнликпелерин раўажландырыўға айрықша итибар қаратыўды талап етеди.

Әдебиятлар:

1.Абдуллаева Ш. Умумий ўрта таълим мактабларида педагогик диагностика. – Т.: Фан, 2005. - 256 б.

2.Азизхўжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: ТДПУ, 2000. – 52 б.

3.Климов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.

4.Саидаҳмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т.: ЎзМУОПИ, 2000. – 68 б.

5. Ямалетдинова Г.А.. Педагогика физической культуры и спорта. – Екатеринбург. Издательство Уральского университета, 2014 – 247 с.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ТАБИАТГА ОИД ТАСАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ёзиева Умида Лутфуллаевна
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Қарши давлат университети
Бошланғич таълим кафедраси доценти

Мамлакатимиз таълим амалиётида бошланғич синф табиатшунослик дарсларининг мазмунини жонсиз табиат жисмлари ва ҳодисалари, ўсимлик ва ҳайвонлар, одам танасининг тузилиши ва саломатликни муҳофаза қилиш, йил фаслларида қишлоқ хўжалик меҳнати тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалар, оддий географик тасаввур ҳамда тушунчалар ташкил этади. Шу жиҳатдан олганда бошланғич синф ўқувчиларида табиатшунослик мазмуни ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар умумий ўрта таълим сифатини ошириш, ёш авлод тафаккурини шакллантириш, жамият ривожига мос билим, кўникма ва малакалар соҳиби бўлиш ва шу асосида юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган баркамол шахсни вояга етказишга барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, “...болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик, жисмоний ва руҳий ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш,” [1] умумий ўрта таълим сифатини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда бошланғич таълимнинг Табиатшунослик дарсларини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш долзарб масаладир. Айнан ахборот технологиялари таълимнинг универсал воситаси ҳисобланиб, ўқувчиларда табиатга оид тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш табиатшунослик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш имконини бериб қолмай, балки уларнинг шахсий хусусиятларини ҳам ривожлантиради, билишга бўлган қизиқишларини оширади.

Педагогик ва психологик тадқиқотларда, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларнинг тасаввур ва тушунчаларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Ўқувчининг хотирасида у ёки бу ҳодиса, жараённинг образли ифодаланиши ўқув материалини бойитиб, унинг илмий жиҳатдан ўзлаштирилишига ҳам ёрдам беради. Замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнига жорий этилишидан асосий мақсад - айнан замонавий ахборот муҳити учун характерли бўлган ўқув фаолиятларида янги турларнинг пайдо бўлишидир. Маълумки, бошланғич таълим - таълим тизимининг пойдевори ҳисобланиб, келажакда ўқувчиларни ўқитиш сифати унга боғлиқ бўлади, бу эса бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига катта масъулият юклайди. Узоқ вақт давомида таълим тизимида бошланғич таълим кўникмаларни ривожлантириш жараёни бўлиб келди, яъни ўқувчи кейинги таълим олиш учун ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш каби асосий кўникмаларни ўзлаштириши керак бўлган таълим босқичи сифатида қаралди. Бугунги кунда бошланғич таълим босқичида фаолликни, мустақилликни ривожлантириш, идрок этиш фаоллигини сақлаб қолиш ва бола таълим дунёсига шахдам кириб бориши учун шароитлар яратиш, унинг саломатлигини ва эмоционал хусусиятларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг айнан мана шу сифатлари таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан ривожланаётганлиги айни ҳақиқатдир. Ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларга ахборот манбаларидан фойдаланиш имконини бериб қолмасдан, балки мустақил ишлаш, ижодкорлик, малака ва кўникмаларни эгаллаш учун янги имкониятлар беради. Ҳар бир ўқувчида шахсий ўқув йўналишини ривожлантиришни таъминлайди. Бошланғич таълим жараёнида ҳам тайёр мультимедиали маҳсулотлар ва компьютер таълими дастурларидан, ўқув ва синфдан ташқари ишларда Интернет тармоғи воситаларидан фойдаланиш ижобий самара беради. Яъни, табиатшунослик дарсларида турли хилдаги амалий топшириқларни бажарадилар. Бунда турли кўргазмали-машқ, назорат-машқлари ва тест синовлари модуллари киритилган турли компьютер дастурларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда ўрганиладиган табиат ҳодисалари билан боғлиқ кўплаб мавзулар бўйича турли материаллар берилган. Турли мураккаблик даражасидаги турли хилдаги топшириқлар ҳар бир ўқувчининг идрок этиш, тасаввур қилиш, тушуниш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳам ёрдам беради. Бошланғич таълим жараёнида ҳам замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ўқувчиларни қизиқарли табиат оламига олиб киради, таълим беришда ўқитувчининг имкониятларини кенгайтиради. Бу жараённи ташкил этиш замонавий бошланғич таълим ўқитувчисининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шундай экан таълим тизимидаги ислоҳатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига замонавий ахборот-технологиялар ва инновацияларни тадбиқ этишдаги фан-техника ютуқларига таянган ҳолда бошланғич синф ўқитувчилари учун қуйидаги **тавсияла**рни берамиз:

1. Табиатшунослик дастури биологик, географик табиатда бўладиган физикавий-кимёвий жараёнлар тўғрисида тасаввур ва тушунчалар шакллантиришни назарда тутади. Яъни ҳар бир табиатшунослик дарсида энг муҳим махсус тушунчаларни ажратиш, табиатшунослик тушунчаларини изчиллик билан кенгайтириб бориш, илмий дунёқарашни шакллантиришда мавжуд замонавий ахборот технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

2. Ўқитувчиларни ўз-ўзини ривожлантириши, мақсадга эришишнинг турли усул ва инновацияларини билиши, турли вазиятларда мустақил ностандарт қарорлар қабул қила олиши, ташаббускор бўлиши лозим.

3. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўллаш маълум даражада самарадорликка эришишни кўзлайди. Табиатшунослик ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчилар замонавий технологияларини танлаш ва қўллашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масаланинг йўллари ва усулларини тўғри танлаши лозим.

Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони

ҚОРАҚАЛПОҚ БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Моянов Ықласбай Жиенбаевичп
п.б.ф.д (PhD)Нукус ДПИ

Таълим ўзини маданиятлар дунёсида тасаввур этиш орқали инсонда олам манзарасини яратиш, инсоннинг табиат, бошқа одамларга, жамият, ўз-ўзига бўлган

муносабатлар тизимини шакллантириш сифатида қаралади. Инсон ўзининг онги, иродаси, ҳис-туйғуси, билиш имкониятлари орқали маданий қадриятларни ўзлаштиради, бунинг натижасида индивидуал ижодийлик шаклланади. Бундай индивидуалликнинг намоён бўлишининг ўзиёқ нафақат маданиятнинг меросийлигини, истеъмол қилинишини, балки ривожланишини ҳам англатади.

Бундай тушуниш педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган таълим асосини ташкил этувчи жамиятдаги янги қадриятлар – шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириши, ўзига-ўзи таълим бериши ва ўзини-ўзи лойиҳалашнинг намоён бўлишини акс эттирувчи маънавий маданият билан уйғунлик тамойилининг шаклланишига олиб келди.

Маънавий маданиятининг шаклланиш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу маънода, Қорақалпоқ бахшичилик санъати воситасида талабаларда маънавий-ахлоқий билимлар, маънавий-ахлоқий сифатлар, маънавий фаолият, маънавий ва маданий қадриятлар тизими яъни илмий-техникавий ва интеллектуал, таълим-тарбия, миллий мерос, тарихий ёдгорликлар, миллий ва диний қадриятлар нафақат халқимизнинг тарихий-маънавий мероси балки, баркамол шахсни тарбиялаш ва шаклантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Ҳар қайси халқнинг азалий тарихи ва маданияти энг аввало унинг оғзаки ижоди – фольклор санъатида, достон ва эпосларида мужассам топган бўлиб, улар миллатнинг ўзлигини англаш, унинг ўзига хос миллий қадриятлари ва анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда бебаҳо манба ҳисобланади. [1]

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, эпос ижрочилари одатда «бахши» ёки «шоир» деб номланган. Шу жумладан Хоразмда асосан, «бахши» атамаси кенг қўлланилади. Демакки, қозоқ тилидаги «бақси», қирғизча «бақши» шаман, табиб маъносида, туркман тилидаги «бақши» қўшиқчи, мусиқачи деган маъноларни англатади [2, б.85]. Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланишида қадриятлар типологиясидан фойдаланиш талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади. Қадриятлар яхлит миллий тарихий тажриба, ишлаб чиқаришдаги ўзига хосликлар, миллий маданият, географик шарт-шароитлар, халқаро вазият асосида юзага келувчи миллий характер хусусиятлари; анъаналар, урф-одатлар, халқ огзаки ижоди, халқ амалий санъати намуналари, обидалар, ёдгорликлар; таълимий анъаналар (таълим мазмуни, шакл, метод ва воситалари); оилавий анъаналар ва муносабатлардаги ўзига хосликлар; халқ ҳунармандчилиги; миллий бадиий тасвирий санъат, мусиқа, театр, киноматография, поэтик ижод;
диний қараш ва эътиқоддаги ўзига хослик каби ранг-барангликкa эга.

Қадриятлар типологиясида қорақалпоқ халқ шоир ва бахшилари томонидан яратилган халқ куйлари ва қўшиқлари муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш жоиз. Масалан: Кунхўжа унинг «Кунхўжа», «Ел менен» Ажиниёз шоир унинг «Боз атаў» куйи, Жанабай Қаратай ўғли унинг «Ақсунгул», «Айхан қиз» қўшиқлари, шунингдек Ахимбет бахши ва унинг шогирдлари тарафидан яратилган халқ куйлари «Қизлар уйге кир», «Бейиш», «Илғал», «Яғли баҳар», «Алақайис», «Аруўхан», «Жети асирим», «Қошим палўан», «Жаман шиғанақ», «Нар ийдирген», «Санали келди», «Илме Султан», «Кўр қиз», «Салтиқ», «Дем бермес», «Лай-лай», «Суў серпер», «Ғуббатдийин», «Адиңнан», «Қара жорға», «Хожа бала», «Бес перде», «Мухаллес», «Тарлан», «Муўса сен яри», «Муўса намаси» «Не пайда», «Жеке басли», «Сен яр қал енди», «Жаман шиғанақ», «Яша пари», «Демир донлы», «Ғулпақ»

қўшиқлари миллий санъатимиз орқали ёшлар дунёқарашини шакллантиришда муҳим тарбия манбаи саналади.

Бизнингча, Қорақалпоғистонда бахшичилик санъатининг ривожланиши ва талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда бахшилар томонидан яратилаётган куйнинг матни, мазмуни педагогик хусусиятларини ҳам назарда тутмоқ зарур. Жумладан; Суйеў бахши йўлига «Ола қайиш», «Ешбай», «Кўр қиз», «Азизим», «Гелалайлим», «Қошим полвон», «Хошаддес» куйларини, Муўса бахши йўлига «Муўса сен ёри», «Сен ёр қол энди», «Сен ёр гедали», «Адингнан», «Санали гелди», «Беглар», «Бормикан», «Мухаллес», «Якка бошли», «Ғубаддин» ва Г. Тилеумуратовдан ўрганган «Лай-лай», «Қизлар уйга кир» шунингдек, «Арухон», «Беш парда», «Не фойда», «Кенесли тон», «Нолиш», «Калта нолиш», «Хўжа боғмон», «Дағлари», «Саудигим», «Нойларман», «Ғулпақ», «Ёмон чиғанақ», «Илғол» ва бошқа элликдан ортиқ халқ куйлари инсон маънавий эҳтиёжларининг ифодаси эканлиги, иккинчидан, эстетик завқ ва ҳузур орқали инсон маънавий баркамоллигини таъминлашини таъкидлаш керак.

Қорақалпоқ бахшичилик санъати намуналарини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ижро этиш талабаларнинг нафақат репертуарини бойитади, балки уларнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабатини барқарорлаштиради, дунёқарашини кенгайтиради ва эстетик тарбиясининг такомиллашишига ёрдам беради. Шунингдек, «Устоз-шогирд» муносабатларини изчил давом эттиришга хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, миллий ижрочилик санъатида, шу жумладан бахшичиликда асрдан-асрга устоз билан шогирд ўртасидаги ўзаро муносабатнинг изчиллик, давомийлик кодекси шаклланган бўлиб, бу, ўз навбатида, бахшичилик соҳасида шогирд тайёрлашда, ижро маҳорати билан боғлиқ анъаналарнинг узвийлигида ўзига хос қонуният сифатида ўрнашиб улгурган ва ўзига хос бетакрор фалсафа яратган. Шунинг учун, илоҳий иқтидорга, чидам ва ўз устида тинимсиз ишлашга интилган ҳар бир бахши бунга илоҳий нарса сифатида бўйсунган. Бизнинг назаримизда, бу фалсафа шаклланиб, тараққий этиб, ўз мактабини ташкил этганлиги боис, миллий қадриятларга ҳурмат ҳозирги кунга қадар сайқалланиб, талабаларда маънавий-ахлоқий, эстетик фазилатларни тарбиялашда муҳим манба сифатида хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоқ бахшичилик санъати орқали талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга доир тажриба-синов жараёнида уларда янгидан-янги маънавий эҳтиёжлар пайдо бўлишини кузатдик. Бу эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қилиш эса талабада ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилиш, изланишни қарор топтиради. Бу ҳаракат боланинг талабалик даврида яққол кўзга ташланади. Психологик адабиётлар таҳлили ва кузатишларимиз асосида айтишимиз мумкинки, талабаларнинг иқтидори, қобилиятлари ва қизиқишларига боғлиқ ҳолда тарбиявий жараёндаги муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашувда – педагог ва талабалар ўртасидаги ҳурмат, талабаларнинг фикрини диққат билан тинглаш, уларга яхши ва эътиборли муносабатда бўлиши, ривожланаётган шахс ўзини ҳимояланган, керакли, аҳамиятли ҳис этиши; объектив ягона мақсаддаги ўқитувчи ва талабаларнинг ҳар томонлама ўзаро таъсири учун психологик қулайликлар яратилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3990-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халкаро бахшичилик санъат фестивали

очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи” Қорақалпоғистон тонги гаезтаси 2019 йил 11-апрель №15-16 (1336-1337).

2.Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана.-Сб. вопросы изучения эпоса Народов .-М., 1958.с-69.// Сабурова А.А Қарақалпақ тилиндеги музыка терминлери. Автореф.дисс.канд.филол.наук.-Нөкис, 2008. – 43 б.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ МУСИҚА РАҲБАРИНИНГ БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДАГИ КОМПЕТЕНТЛИГИ

Аҳмад Баҳриев

психол.ф.н., доцент. Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти,Тошкент шаҳри

Туб ислоҳотлар даврида мактабгача мусиқий таълимда кўпгина янгиликлар амалга оширилди. Ижтимоий талаб ва эҳтиёж мусиқа раҳбарини болалар билан ишлашнинг янги шаклларига мурожаат қилишга ҳамда мактаб мусиқа таълимига изчил тайёрлаб боришга ундамоқда. Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган йўриқномалар мактабгача таълимда мусиқа машғулотларини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёр ва қоидаларни белгилаб, мусиқа машғулотларининг мазмуни ҳамда ташкил этилиши бўйича янги вазифалар қўяётганлиги ҳақиқатдир. “Мактабгача таълим ташкилотида таълим жараёнини ташкил қилиш тамойилларидан бири - боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш”дир [Грошева: 5].

Албатта, мусиқа раҳбари мактабгача таълим ташкилотида барча бадиий-мусиқий ва эстетик тарбияни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш жараёнида асосий фигура сифатида намоён бўлганлиги боис, унинг шахсий ва касбий компетенциялари мусиқа машғулотлари ва уларни ташкил этиш жараёнида, айниқса, болаларни мактаб мусиқа машғулотларига тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим ташкилотлари мусиқа раҳбарлари мусиқий маданият, унинг мактабгача ёшдаги болаларда намоён этилиши хусусиятлари, болаларнинг мусиқий имкониятлари, мусиқий қобилиятларининг намоён этилиши хусусиятлари борасида зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши ижодкорлик сифатларини, интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мактаб “Мусиқа маданияти” фани доирасида ўзлаштириладиган билим, кўникма ва малакалар доирасида дастлабки тасаввурларни шакллантиришга пухта замин яратади.

Зеро, - “Мусиқа таълими ва тарбияси болаларнинг психик ривожланишига, кўриш, эшитиш идрокига, ҳаракат ва товуш фаоллигига, турли кечинмалар воситасида эмоционал соҳасига яхлит ижобий таъсир кўрсатади [Выродова: 3]. Бу эса, мактабгача ёшдаги болаларнинг мусиқий билим ҳамда тасаввурларни тизимли тарзда ўзлаштириб боришларида салмоқли мотивация бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача мусиқа таълими соҳасидаги касбий маҳоратни юксалтириш бугунги кунда устувор услубий ва дидактик вазифага айланди, унинг ечими эса такомиллаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини методик таъминлаш ва таълим сифатини баҳолаш тизимига эътиборни янада кучайтиришга бевосита таъсир қилади.

Мусиқа раҳбарининг маҳорати унинг касбий билим, кўникма ва шахсий фазилатлар асосида болалардаги мусиқий қобилиятларни ривожлантириш, ўз профессионал фаолиятини юқори сифат асосида бажаришга тайёрлигидир. Болаларда

мусиқий маданиятни шакллантиришда мусиқа раҳбарининг шахсий ва касбий компетенциялари асосан қуйидагиларда намоён этилади:

1) Услубий тайёргарлиги - мусиқа раҳбари мусиқий ўқув ишларини оқилона режалаштириши, эришилган натижаларни таҳлил қилиш асосида машғулотларни лойиҳалаштириш малакаларига эга бўлиши;

2) мусиқий билимлари – бу ўқитувчи-мусиқачининг кенг назарий билимларига ва ижрочилик малакаларига асосланиб, турли жанрлардаги мусиқага мурожаат этишни ўз ичига олади;

3) шахсий хислатлари - болаларни яхши кўриши, амалий-психологик ақл-фаросатлилик; меҳнатсеварлик; жамоат ишларида фаоллик; меҳрибонлик; камтарлик; одамийлик, дилкашлик; уддабуронлик, мустаҳкам характерга эга бўлиш; ўз билимини оширишга интилиш;

4) касбига хос билимлари – мусиқий таълим ва тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаларини теран тушуниши; ёш психологияси ва педагогик психология, этнопсихологияга доир билимларни, ҳозирги замон мактабгача таълимнинг методологик асосларини эгалланганлиги;

5) коммуникатив малакалари - болаларни ўзига жалб этишни билиши; болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни ташкил эта олиши;

6) гностик малакалари - болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини билиши; ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши; илғор тажрибаларни ўрганиб, ундан назарий ва амалий томондан тўғри хулоса чиқара олиши;

7) дидактик қобилиятлари - болаларга ижро репертуарини аниқ ва равшан тушунтириб, осон етказиб бериш, болаларда мусиқага қизиқиш уйғотиш, уларда мустақил бадиий фикрлашни уйғота олиш қобилиятлари;

8) перцептив қобилиятлари - тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиш, психологик кузатувчанлик, бола шахсининг психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини тушуна билиш қобилияти;

9) нутқ қобилияти — мусиқа раҳбарининг қўйилган мавзу материалини нутқ ёрдамида, шу билан бирга мимика ва пантомимика ёрдамида аниқ ва равшан ифодалаб бериш қобилияти кабилардир.

Мазкур касбий компетенциялар мусиқа раҳбарининг болалар билан мусиқа машғулотларини ташкил этиш самарадорлигида, болаларда мусиқий ҳиссиётлар ва қизиқишларни мунтазам шакллантириб боришда муҳим ўрин тутади.

Умуман, мусиқа раҳбарининг касбий компетентлиги яхлит ҳолда мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида мусиқадаги бадиий образларни идрок этиш, мақбул ва сифатли ижрога эришиш, пировард натижада мусиқий ҳиссиётлар, қобилиятларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади ҳамда болаларни мактаб мусиқа таълимига тайёрлашда самарали ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар

1. Грошева И.В., Евстафьева Л.Г. ва бошқалар. «Илк қадам» давлат мактабгача таълим ташкилотлари ўқув дастури. Т., 2018. – 63 б.

2. Выродова И.В. «Музыка!». Для чтения взрослыми детям. Дмитров: Издательский дом «Карапуз». 2004. – 20 с.

ГЕОГРАФИЯ САБАҚЛАРЫНДА ОҚЫЎШЫЛАРДЫҢ БИЛИМИН АНЫҚЛАЎДА ОҚЫЎ ТАПСЫРМАЛАРЫНЫҢ ӘҲМИЙЕТИ

Г.А.Ходжаева-
г.и.к. доцент

Қ МУ. «География ҳәм гидрометеорология» кафедрасы
Г.Ө.Жиемуратова
Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў Аймақлық орайы аға оқытыўшысы

Бүгинги күни мәмлекетимиз тез пәт пенен раўажланып баратырған дәўирде ертенги келешегимиз болған оқыўшылардың жаңа идеялары ҳәм дөретиўшилигин ҳәр тәреплеме қоллап қуўатлаў, олардың билим,көнликпе ҳәм уқыплылықларын қәлиплестириў үлкен әҳмийетке ийе.

Келешегимиз болған жас әўладларды физикалық ҳәм руўхый жақтан жетик инсан етип тәрбиялаў ҳаққында Президентимиз Ш.М.Мирзиёев «Тәлим ҳәм тәрбия, илим-пән, ден-саўлықты сақлаў, мәденият ҳәм көркем өнер, спортты раўажландырыў мәселелери, жасларымыздың терең билимге ийе болыўы, шет тиллерди ҳәм заманагөй информациялық-коммуникациялық технологияларды пухта ийелеўин тәмийнлеў барлық ўақытта баслы ўазыйпамыз болып қалады»-деп атап көрсеткен еди[1]

Улыўма орта билим бериў мектеплеринде оқыўшылардың билимин баҳалаўдағы мақсет стандарт бойынша ийелеўи лазым болған билим, көнликпе ҳәм уқыплылықларын өзлестириўин анықлайтуғын өлшем болып табылады. Солай екен оқыўшылардың билимин анықлап баҳалаўда да оқытыўшыдан үлкен жуўапкершиликти талап етеди. Оқыўшылардың билимин анықлап баҳалаў - дөретиўши ҳәм критикалық көз қараста пикирлеў көнликпелерин, ийелеген билимлерин турмыста қоллай алыў ушын ҳәр қыйлы тапсырмалар арқалы баҳа бериў ҳәм соңынан бул көнликпелердиң раўажланыўына түртки бериўге хызмет қылады.

Көпшилик оқытыўшылар оқыўшылар билимин тийкарынан сабақ басында – үйге тапсырманы беккемлеў пайытында анықлайды

Лекин баҳа алған оқыўшы және өзиниң нәўбети келгенше сабақта бийпәрўа ҳәм пассив болып, үй тапсырмаларын орынламай «итибарсыз» жүре бериўи мүмкин [О.Мўминов:99]. Ҳақыйқатында да биз оқыўшылардың билимин тек өтилген тема арқалы баҳаласақ олардың сабаққа болған қызығыўшылығын арттыра алмаймыз, керисинше бийпәрўа қылып ҳақыйқый билим жағдайын дурыс баҳаламаўға жол қоямыз.

Оқыўшылардың билими сабақ процессинде- өтилген теманы қай дәрежеде өзлестиргенлиги, таза теманы түсиндириў даўамында актив қатнасы, сабақта орынлаған әмелий ҳәм өз бетинше тапсырмалардың мазмунына қарай сабақ ақырында баҳаланғаны мақул. Солай екен оқыўшылардың билимин анықлаўда оқытыўшылардың алдына үлкен жуўапкершилик пенен қараўды талап етеди.

Бүгинги күни оқытыўшылар сабақты тек ғана билим берип қоймастан оларды өз бетинше излениўге бағдарлаў ушын шөлкемлестириў керек. Оқыўшыларда креатив пикирлеў, өз бетинше излениў көнликпелерин раўажландырыўымыз ушын ҳәр қыйлы оқыў тапсырмаларын таярлаў үлкен әҳмийетке ийе. Улыўма орта билим бериў мектеплеринде Материклер ҳәм океанлар тәбийий географиясын оқытыў даўамында оқыўшылардың билимлерин анықлаўда төмендегише оқыў тапсырмаларын таярлаўымыз мүмкин. Мысалы: «Қубла Америка халқы” темасында оқыўшылардың таза теманы қай дәрежеде ийлегенгенлигин анықлаў ушын төмендегише географиялық диктант таярлаўымыз мүмкин: Географиялық диктант:

(Ноқатлардың орнына тийисли сөзлерди қойың)

1) Материкке адамлар 20 мың жыл алдын .....келген. (Азиядан)

2) Қубла Америкада адамзаттың ..... ўәкиллери жасайды. (үш раса)

3) Европалылар менен индеецлердиң қосылыўын..... деп атайды. (метис лер)

4) Индеецлер менен негрлердиң қосылыўын ..... деп атайды. (самбо)

5) Халықтың көпшилиги ..... тилинде сөйлеседи. (испан)

6) Материкте Бразилялылар ..... тилинде сөйлеседи. (португал)

7) Европалылар менен негрлер аўладлары..... деп аталады. (мулатлар)

8) Индеецлер.....биринши болып еге баслаған.(жер ғозасы, картошка, жүўери)

9) Плантацияларда ислетиў ушын Африкадан.....алып келген. (негр қулларды)

10) Материк халқы .....орналасқан. (тегис емес)

Оқыўшылар берилген географиялық диктантты жеке яки жуплықта да орынлаўы мүмкин. Географиялық диктантты тийисли сөзлерди толтырыў даўамында сабақлық пенен өз бетинше ислесиў көнликпеси қәлиплеседи, оқытыўшы тәрепинен түсиндирилген теманы және бир мәртебе беккемлейди, изленип оқыўға, мағлыўматты дурыс табыўға ҳәрекет етеди.

“Арқа Американың географиялық орны, изертлениў тарийхы, геологиялық дүзилиси, пайдалы қазылмалары. Рельефи” темасы бойынша төмендегише оқыў тапсырмасын таярлаўымыз мүмкин. Мысалы:

Картадан ҳәм сабақлықтан пайдаланып берилген кестени толтырың:

	Материктиң тийкарғы өзгешелиги	
1	Материктиң ең шетки точкалары	
2	Ең үлкен атаўы	
3	Ең үлкен архипелагы	
4	Арқадан қублаға ҳәм батыстан шығысқа неше километрге созылған	
5	Ең суўлы сарқырама	
6	Ең бийик ҳәм ең пәс орынлары	

География сабақларында буннан басқада ҳәр қыйлы оқыў тапсырмаларын таярлаўымызға болады. Бул тапсырмаларды орынлаў арқалы оқыўшылар өтилген теманы өз бетинше беккемлеп барады, изленеди, карта ҳәм сабақлық пенен ислеседи.

Жуўмақластырып айтатуғын болсақ оқыўшылардың өз пикирлерин тийкарлап бере алыўы, географиялық ҳәдийселердиң себеплерин, ҳәдийселер ортасындағы өз-ара қарым-қатнасты түсиндирип бере алыўын соның менен бирге белгили бир орынларды ажыратып көрсете алыўын тәмийнлеў ушын оқыў тапсырмаларының орны айрықша екенлигин көриўимизге болады.

Пайдаланған әдебиятлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуварлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-Т. “Ўзбекистон”, 2017.

2. Мўминов О “Тәбийий география таълими методикаси” Т-1976

3.А.Соатов, А.Абдулқосимов, М.Миракмалов “География” 6-класс окыўшылары ушын сабақлық Т-2017

SHAXSNING QOBILIYAT VA IQTIDORINI RIVOJLANTIRISH HAQIDAGI SHARQ ALLOMALARININIG QARASHLARI

Seytmuratov Q.S.
p.f.n., dotsent NDPI

Barkamol inson g‘oyasi azal-azaldan xalqimizning ezgu orzusi, millat ma’naviyatining uzviy qismi bo‘lib qolgan. Barkamol inson g‘oyasi zardushtiylik davrining muqaddas kitobi «Avesto»da, Qur’oni Karim va hadislarda, Sharq mutafakkirlari asarlarida o‘zining teran ifodasini topgan.

Pedagogika tarixida al-Forobiyning fozil inson sifatlari, bilimlarni olish yo‘llari va metodlari haqidagi konsepsiyasi, al-Beruniyning kasbiy bilimlarni egallash metodlari haqidagi qarashlari, Ibn Sinoning aqliy, ma’naviy hamda jismoniy komillikka erishish haqidagi ta’limoti, al-Xorazmiyning ilmiy bilimlari, hayotiy muammolarni hal qilish yo‘llari to‘g‘risidagi asarlari o‘zining alohida o‘rniga ega.

Jumladan, al-Xorazmiy shaxs sifatlarini shakllantirish va shaxslararo munosabatlarni rivojlantirishda fanning yuksak o‘rnini qayd etadi. U shaxsni kuzatish, tajriba-sinovlar o‘tkazish, ko‘nikma va malakalarni tarkib toptirishga, aqliy sifatlarni rivojlantirishning boshqa vositalariga katta ahamiyat bergan. Bu to‘g‘ridagi fikrlarini u « Al jabr val muqobala», «Hisob al - Hind» va boshqa asarlarida bayon qilgan.

Abu Nasr Forobiyning ijodiy merosida u tomondan birinchi bo‘lib yaratilgan fanlar tasnifi alohida o‘ringa ega. O‘zining «Fozil odamlar shahri», «Baxtga erishish haqida» kabi asarlarida al-Forobiy barkamol shaxsni tarbiyalash mazmuni, maqsadi, vazifalari, yo‘llari hamda vositalari to‘g‘risida so‘z yuritadi. Al-Forobiy «o‘qitish» va «tarbiyalash» tuchunshalariga birinchi bo‘lib ta’rif bergan olim sanaladi. Aqliy tarbiya shaxsni har tomonlama kamol topishining asosini tashkil etadi. U mehnat unumdorligini oshiradi va mehnatga ijodiy munosabatni tarkib toptiradi.

Abu Ali ibn Sino «Xay ibn Yaqdan» asarida ilm-ma’rifatni o‘rnatishga kirishishi natijasida ko‘zi oshilgani, uning natijasida ilm ham o‘z jamolini namoyon qilganini hikoya qilar ekan, tafakkur zarur bo‘lgan va bilishi mumkin bo‘lgan narsalarni o‘qishga kirishganini, bu yo‘lda aqlni ishga solib olganligini qayd etadi. «Tib qonunlari» asarida Ibn Sino gigienik tarbiyaning inson xulqiga, uning jismoniy hamda ruhiy salomatligiga ta’sirini ilmiy-amaliy yo‘l bilan asoslab bergan.

Ibn Sinoning bilim orqali erishiladigan natijalari haqidagi ta’limoti o‘qish nazariyasida alohida o‘rin egallaydi. Inson aql yordamida narsalar va hodisalarni tahlil qiladi, umumlashtiradi hamda ularning eng yaxshilarini tanlaydi, deb uqtiradi. Shuningdek, aqlni ikki kategoriyaga ajratadi. Ularning biri - nazariy aql bo‘lib, borliqdagi umumiy narsalarninig mohiyatini idrok etishdir, ikkinchisi esa amaliy aql bo‘lib, buyumlarni tanlashda turtki sifatida ko‘rinadigan qobiliyatdir.

Yusuf Xos Hojib «Qutadg‘u bilig» asarida bilimni buyuk, o‘quvni ulug‘ deb ta’riflaydi, shunki zakovatli inson ulug‘ bo‘ladi deb ilmli kishilarni asl toifadagi kishilarga qo‘shadi, olim ezgu ishlarning barchasi ilm tufayli amalga oshirilishi mumkinligini aytadi. O‘sha davrlardayoq olim «bilim hatto osmon sari yo‘l oshur» deb bashorat qiladi. Hatto hukmdorlar ham, yurtni, davlatni aql, ilm, zakovat bilan idora etsa el-yurt farovon bo‘ladi, tinch hayot keshiradi. Dunyoda inson bilim va zakovat tufayli orzu tilaklariga, ulug‘likka erishish mumkinligini aytadi.

Olim bilimni ziyoga tengi yo‘q javohirga o‘xshatib, u insonni yuksaltiradi, jahonning sir-asrorlarini bilib olishga yordam beradi, deydi. Inson nimaga erishgan bo‘lsa, bilim tufayli erishganligini ta’kidlaydi. Ammo bu boylikni hesh kim o‘g‘rilay olmaydi, deb bilim va zakovatni muqaddas do‘st, mehribon qarindosh sifatida ta’riflaydi.

Kaykovusning «Qobusnoma», Ahmad Yugnakiyning «Hibat ul-xaqoyiq», Jomiyning «Bahoriston» kabi asarlarida barkamol shaxsni shakllantirshning mazmuni, metodlari hamda tarbiya vositalari to‘g‘risida mulohazalar bayon qilingan.

Buyuk allomalarimizdan Abu Rayxon Beruniy ham qobiliyatlar to‘g‘risida fikr yuritganlar. Beruniyning ta’kidlashisha, bolaning bilimi soddadan murakkabga qarab boradi. Bu ilk yoshlikdan boshlanadi. Bu mutafakkir noyob qobiliyatlarni miya asab tizimini xususiyatlari bilan belgilaydi. Ta’lim-tarbiya berishni e’tirof etgan Beruniy bolalikdan yarqirab turgan noyob qobiliyatlar yoshi o‘tishi bilan so‘nishi ham mumkinligini o‘z asarlarida yozib qoldirganlar.

O‘zbek xalqining ulug‘ farzandi, ma’rifatparvar Alisher Navoiy shaxs kishilar bilan munosabatda, ayniqsa, kishilarning bir-birlariga bo‘lgan ruhiy, ma’naviy ta’sirlari natijasida tarkib topadi deb hisoblaydi. U odamlar o‘rtasidagi munosabatlarni umuman bitta jamiyat bo‘lib yashash, bir fikrda bo‘lish, odamiylik ideallariga tayanish kabi ma’nolarda tuchunadi.

Navoiy o‘z davrida komil insonlarni «ahli ma’ni» deb bilgan. «Ahli ma’ni» bu fikrli odamlardir. Fikrlash - haqiqatni anglashdir. «Ahli ma’ni» deganda oqil va dono, kamtar va olijanob, qobiliyatli, haqiqatparvar va fidoiy kishilarni tuchunish kerak. Bunday fazilatlarga ega bo‘lgan kishilarning tafakkur qilishi keng bo‘ladi.

Alisher Navoiy «Kamol et kasbim» deya da’vat qilganlarida komillik uchun zarur juda ko‘p xususiyatlarni nazarda tutgan. Kishi o‘zini hirs-ta’ma, nafs, g‘aflat, nodonlik singari mayllardan poklamasa, u hesh payt komil bo‘la olmaydi. «Olam uyi»da yashash - uning fuqarosiga aylanishdir. Alisher Navoiy insonning jahon farzandi mavqeiga ko‘tarilishini xohlagan. Xuddi shu mavqeni esa kamolotning oliy sho‘qqisi deb bilgan.

XIX asrning ikkinchi yarmi XX asr boshlarida etishib chiqqan milliy pedagogikamiz darg‘alari, o‘zbek milliy ilm va ma’rifatining atoqli vakillari Mahmudxo‘ja Behbudiy, Abdurauf Fitrat, Abdulla Avloniylar ham shaxs tarbiyasi borasida o‘zlarining qimmatli merosini qoldirganlar.

Fitrat o‘z asarlarida ta’lim-tarbiya va uning maqsadlari, maktab-maorif ishlari, bilim berish usullari va vositalari haqida, ma’rifatli komil insonni tarbiyalash yo‘llari to‘g‘risida fikr bildiradi. U o‘zining “Rahbari najot” degan asarida bolalarni barkamol qilib tarbiyalashga faqat oilagina javobgar bo‘lmasdan butun qavm a’zolari javobgar ekanligini uqtiradi.

Abdulla Avloniy ham o‘zining «Turkiy guliston yohud axloq» asarida inson kamolotida tarbiyaning rolini alohida ta’kidlab, shunday degan edi: «Janoba haq» insonlarni asl xilqatda iste’dod va qobiliyatli, yaxshi ila yomonni, foyda ila zararni, oq ila qorani ayiradigan qilib yaratgan. Lekin, bu insondagi qobiliyatni kamolga etkazmoq tarbiya vositasida bo‘ladur.

Yuqorida bildirilgan mulohazalarni umumlashtirib, qayd etish mumkinki, Sharqda qadimgi davrlardan quyidagilar barkamol shaxs sifatlari bo‘lib hisoblangan: a) aqliy komillik, sog‘lom fikr, iqtidorlilik, intellekt; b) yuksak ma’naviy-axloqiy sifatlar; v) jismoniy komillik, tan va ruh sog‘ligi; g) estetik komillik. Bundan tashqari, barkamol shaxs mezonlarini, unga taalluqli ijobiy sifatlarni belgilashda Sharq mutafakkirlari insonni savobli, yaxshi amallar qilishga da’vat etuvchi, salbiy harakat va hayollardan saqlovchi omil sifatida komillikka intilishning mavjudligini yuqori baholaganlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abu Nasr al-Farobiy. Fozil odamlar shahri, T.,-1993.
2. A. Avloniy. Turkiy Guliston yoqud axloq, T., “Uqituvchi”-1972.
3. Yusuf Xos Xojib. Qutadg‘u bilig. T.,-1990.
4. Zunnunov va b. Pedagogika tarixi. T.,”Sharq”, 2000.

ТАЛАБАЛАРДА ВАТАН РАВНАҚИ ҒОЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Г.Матмуратова
НДПИ. «Бошланғич таълим педагогикаси ва психологияси» кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда Ватан тарихини ўрганиш, маънавий меросга садоқат муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки Ватан тарихини ўрганиш юрт тинчлиги учун жонини фидо қилган Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро каби шахсларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни, келажакка ишончни мустаҳкамлайди. Демак, Ватан тарихини ўрганиш – бу ўз халқининг тарихини яхши билиш ва ундан фахрланиш; буюк мутафаккирлар томонидан яратилган моддий ва маънавий меросни мустаҳкамлаш ва уни келгуси авлодларга етказиш; халқ педагогикасининг асосий йўналишлари бўлган миллий урф-одат, расм-русум ва удумларни маънавий қадрият асосида ҳар бир талаба шахсида шакллантириш; мустақиллик ва Ўзбекистон истиқлолининг барқарорлиги ҳамда буюклигини чин дилдан ҳис этиш, тенглар ичра тенг ва ҳеч кимдан кам эмаслигимиз моҳиятини англаб етиш; фуқаролик жамиятини барпо этишга кўмаклашишдир.

Туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили Аҳмад Яссавий ислом динининг йирик намояндаси сифатида “тупроқ”ни Аллоҳнинг мунаввар нури, сув – унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво - буюклиги, олов - унинг ғазаби тимсоли деб ҳисоблайди. Шу маънода тупроқ – Ватан, она-юрт. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуғ фарзандларини қучоғига босиб келаётган замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб, она-Ватан деймиз. Бу Ватан ўтмишда яшаган авлод-аждодларимизга оналик қилган. У биз учун ҳам, келажак авлодлар учун ҳам муқаддасдир. Аҳмад Яссавий:

Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,
Ҳақ васлиға етармен деб руҳим муштоқ!

- деб ўзининг Ватан дийдорига бўлган соғинчини изҳор этади [40, 38]. Дарҳақиқат, Ватан туйғусига эга бўлган инсон эл-юрт ҳурматига сазовордир. Бундай инсонни дунё танийди.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий асарларидаги халқпарварлик ғоялари ҳам ватанпарварлик билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Унинг фикрича, жамиятнинг аъзоси бўлган ҳар бир одам ўз халқига хизмат қилиши, ёрдам бериши, фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи лозим.

Наф етурмакка шиор айладинг,
Ўзунгга ул нафни ёр айладинг.
Нафинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу наф ўзингга кўпроқ дурур.

Алишер Навоий халққа иш билан ҳам, сўз билан ҳам, кўнгил билан ҳам фойда келтириш кераклигини айтади, халқ манфаатини ўйлайдиган, унинг бахт-саодати учун курашадиган кишиларни ҳақиқий одам деб билади:

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами [38, 104].

Алишер Навоийнинг инсонга муҳаббати ватанга муҳаббати билан боғланган. Навоий эл-юртнинг обод, фаровон, инсонларнинг дўст-ёр, аҳил яшашини истайди. Навоий кишиларни ватанни севишга даъват этади.

Қорақалпоқ мутафаккири Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ бутун ижоди давомида халқлар тинчлиги, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат ҳақидаги

ғояларни илгари суради. У инсоннинг шахсий бахтини халқ бахти билан боғлиқ деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳар бир инсон ҳақиқий бахтга эришиши учун ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан бирлаштириши, халқ бахти учун лозим бўлса, жонини ҳам аямаслиги керак. Шоир дейди:

Йигит бўлсанг арслон каби туғилгин,
Ҳамиша сен хизмат этгил халқ учун.
Йигит бўлсанг арслон каби туғилгин,
Ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун...
Йигит деган яхши билимдон бўлур,
Билим, ҳунар йигит учун шон бўлур.

Бердақнинг фикрича, инсон олий ахлоқий сифатларга, чунончи, беғаразлик, олижаноблик, виждонийлик, меҳнатсеварлик, мардлик каби фазилатларга эга бўлиши, халқни бутун қалби билан севиши, унинг фаровонлиги учун қайғуриши, халқ билан бирга бўлиши зарур. Бердақнинг уқтиришича, инсон ор-номусли, ақл-идрокли бўлиши, шундай хислатларни эгаллаш учун нодон, беномуслардан йироқ бўлмоғи, доно ва оқил кишилардан одоб ўрганмоғи лозим.

Бердақ жамиятда юз бераётган воқеаларни идрок этишда, аввало, халқнинг ҳаётий тажрибаси ва донишмандлигига суянади. Ҳукмдор, аввало, халқ манфаатлари ҳимоячиси, халққа хизмат қилишни асосий вазифа деб билиши лозим. Жамиятда бахт ва адолат равнақ топиши, барқарор бўлиши учун ҳукмдор одил ва доно бўлиши керак, деган ғояни илгари суриб, халққа сидқидилдан хизмат қилиш, биринчи навбатда, тўғрилик, ҳақиқатгўйлик, адолат билан иш юритиш кераклигини айтади:

Шод қилиш учун Ватанни,
Бахт йўлини излар эдим мен...
Чўзмагил қўлингни бекор,
Ўйланиб, тўғри йўлдан бор.
Бўлса гар ақлли сардор,
То топгунча излар эдим [54, 31].

Чиндан ҳам Ватанни севмайдиган одам топилмаса керак. Ватандан азиз, Ватандан муқаддас, Ватандан олий неъмат йўқ. Инсонга неки муқаддас бўлса, барчаси Ватанга боғлиқдир. Азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш катта бахт. “Ватаним” деган илоҳий сўзни айтишга муносиб бўлиб, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳар бир инсоннинг илоҳий туйғуларидан келиб чиқиши лозим. Ватан - беғубор олам. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ватан тушунчаси турли замонларда турлича талқин этилган. Жонажон юртимиз мустақиллиги туфайли Ватан деб аталмиш бу кўҳна замин янада чирой топди. Ҳақиқатан ҳам, тарих ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига муқаддас бир вазифани юклади. Бу юртимизни буюк Ватанга айлантириш бурчидир.

Истиқлол йўллари ҳеч қачон осон бўлган эмас. Сабр-тоқатли, матонатли халқимиз ниҳоят ўз мустақиллигини қўлга киритди. Ўзбек халқи ўз Ватанини доимо эъзозлаб, қадрини ҳамиша баланд тутган. Ватан – бу халқнинг ўтмиши ва келажагидир. Ватан – бу муқаддас қадрият.

Тараққиёт ватандан бошланади. Инсон учун ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан сотилмайди ва сотиб олинмайди. Шуни айтиш керакки, киши қалбида фикрлар, ғоялар кўп бўлади. Лекин ҳеч бири Ватан равнақи ғоясидан устун бўла олмайди. Чунки Ватан равнақи ғояси халқимизнинг турмуш тарзидан чуқур ўрин олган. Демак, Ватан равнақи ғоясининг асосий негизини Ватан, ватанпарварлик мазмуни ташкил этади.

Мустақиллик шароитида кишиларда Ватан равнақи ғоясини уйғотиш, кенгайтириш ва мустаҳкамлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Муҳим вазифа – Ўзбекистондаги ҳар бир инсонни миллати, дини, тилидан қатъи назар ватанпарварлик руҳида, қадимий, моддий ва маънавий маданиятнинг масканларидан бири бўлмиш бу ҳудуднинг ҳақиқий жонкуярлари этиб тарбиялашдир. Чунки мустақил Ўзбекистон ҳозирги пайтда тадбиркорларга, жаҳон бозорига чиқиб, ўз жойини эгаллайдиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара оладиган мутахассисларга муҳтож. Кўринадики, мустақиллик муносабати билан Ватан равнақи ғоясининг мазмуни ва шакллари ўзгармоқда. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва унинг талқинини кенгайтириш олий таълим тизими педагог-ходимларининг асосий вазифасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т.: Ўзбекистон, 9-жилд. 2001. -432 б.
2. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1989. -349 б.
3. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1991. -254 б.
4. Арипова М.Л. Талабаларда Ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан.номз...дис-си Т-2009

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКСИДА ЭКЗОГАМИЯ АНЪАНАСИ

Г.Бекимбетова
ҚРХТХҚТМОХМПедагогика, психология ва таълим технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси

Қорақалпоқ халқининг аждодларимиздан бизгача етиб келган анъаналаридан бири болалаларига қайси уруғдан эканлигини, қайси аждод вакили эканлигини кичкиналигидан сингдириб келган ва шу асосда экзогамия анъанаси сақланиб қолган.

Экзогамия – никоҳдан ўтаётган ёшларнинг яшаш жойи қаерда бўлишидан қатъий назар, яқин бўлган биологик қариндош бўлмаслиги, ўз уруғи вакили бўлмаслиги талаб қилинади. Узоқ қариндош, лекин битта уруғ вакиллари орасидаги оила қуруш ҳам таъқиқланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқда қатъий экзогамия қоидаларига қарамай, қорақалпоқ халқ анъаналарига кўра яқин қариндошлар, аниқроғи боле (опа-сингиллар фарзандлари) орасида ёки тоғанинг қизи билан турмуш қуриш, уйланиш (дайы) ва жиянини куёв қилишга рухсат берилган (жийен). Сабаби, оталари бўйича улар турли уруғларга мансубдир. Бошқача айтганда, экзогамия қоидалари қорақалпоқ халқида ҳозиргача сақланиб келаётган ва катта кучга эга бўлган никоҳ масаласида ҳал қилувчи ижтимоий омиллардан ҳисобланади. Т.А.Жданко қорақалпоқларнинг урувларини тадқиқ қилган ва уларнинг жойлашиш харитасини ишлаб чиққан.

Қорақалпоқлар урув тизимида барча қавм ва бўлакларга кура икки қисмга ажралгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Қорақалпоқ урувлари икки арсга ажратилгани: арс ўн тўрт урув Амударёнинг ўнг томонида, Кегайли канали атрофида, ҳозирги Чимбой ва Кегайли туманлари атрофида жойлашган. Бу қавмлар гуруҳи вақтлардан бери деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Арс қўнғирот қавмлари ва урувлари дарёнинг орқа томонида, Орол денгизига яқин жойларда ҳозирги Мўйноқ, Тахтакўпир, Қўнғирот туманлари ва Орал денгизи атрофларида жойлашган.

Қорақалпоқлар уруғлари бўйича тадқиқот олиб борган Т.А.Жданко қорақалпоқлар ўтмишида уруғларнинг тутган ўрни ҳақида тўхталар экан:

«Қорақалпоқларда маълум бир уруғга кириш анъанаси нафақат оилавий муносабатларда (никоҳ ва ҳ.к.), балки жойлашиш тартибида, 1920 йилгача ҳуким сурган Хива хонлигидаги қорақалпоқларни бошқариш тизимида акс этган хўжалик-сиёсий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шунингдек, бошқа бир тадқиқотда: «Ўтмишда ҳар бир уруғ маълум бир ҳудудни эгаллаган, яъни уруғларга бўлиниш уларнинг жойлашиш тарзига ҳам таъсир қилган. Ушбу ҳудуд ичида ҳар бир уруғ ўз суғориш тизимига, деҳқончилик ерларига, яйловларига эга бўлган», – каби маълумотлар мавжуд. [1.]

Ўн тўрт урув ичида қитой, қипчоқ, кенегес ва манғит урувлари мавжуд. Арис икки бўлимга ажралиб улар: шуллик ва жавунғирдир. Шуллик бўлимида саккиз урув бирлашиб: ашамайли, қолдавли, қостамғали, болғали, қандекли, қорабуйин, қият, муйтен урувлари таркибига киради. Қорақалпоқ қавмлари сони жихатидан 12 га ажралиб, урувлар сонижиҳатидан 100 га яқин бўлган. Ҳар бир инсон ўз урвларидан келиб чиқиб яқинлик муносабатларни ўрнатиб борган. Яқин кариндошлар экзогамияга анъаналарига амал қилинган. Қорақалпоқнинг баъзи урувларида (қаңлы, қайшылы) бу анъанадан мустаснодир.

«Алпомиш» достонида Алпомишнинг уруви Ирғоқли, «Масподшо» достонида Масподшонинг уруви Қипчоқ, Айпарша эса Тама урувидан бўлгани сўз этилади. Халқда ҳозирги даврғача урувчилик масаласи давом этиб, бир-бировни яқиндан билиш, урувлари асосида муносабатда бўлиш, ота-онасига яқин урувлар бўлган оға-ини, тоға, жиян, амма, бўле каби чақириш, бир-бири билан оғайни, ошналар деб муносабат ўрнатиб борган.

Урувлар ўртасидаги муносабат беғараз бўлиб, ҳар бир қорақалпоқ ёшлари ўз урувини билиши, бир урувнинг ёшлари бир-бирин ака, сингил, опа деб чақиргани қадимдан маълум. Халқда ота-оналари фарзандларига тарбия жараёнида ўз урувлари хақида маълумотлар бериб, ҳар бир урувнинг келиб чиқиши, аждодлари, аждодларининег келиб чиқиши, касбии ҳақида маълумот бериб борган.

Халқда тотемистик даврдан бизга етиб келган тарбия урувлар технологияси бўлди. Инсонларнинг ўз жамоасини тушуниш, жамоанинг бир бутунлигини англаш, уларнинг бирлашиши, турмушининг ухшашлиги каби ҳолатлар қозоқ, қорақалпоқ халқларининг ҳозиргача давом этиб келаётган анъаналари ҳисобланади. Бир урувнинг қизлари ва йигитлари бир бирини сингил, ака деб ҳурмат қилган. Халқда «Оғайни бўлсанг урувлас, Оримиз учун кураш», «Урувли эл, уяли дарахт» ҳиматли сўзининг маъноси ҳам шундадир [2. 181-193-б.].

Халқнинг бугунги кун турмушида уруғ тушунчаси инсонларнинг шахсий муносабатлари ва халқ хотирасида маълум даражада сақланиб келмоқда. Бу ҳақида ёзувчи Т.Қайипбергеновнинг адабий асарларида кенгроқ маълумотлар («Қорақалпоқ достони», «Маман бий», «Гумроҳлар» асарларида) берилган. Ўз урувидан бўлган йигит-қизлар бир-бирини оға, ини, сингил деб ҳурмат қилаган. Бир урувнинг қизи билан йигити турмуш қуриши таъқиқланган. Сабаби, наслнинг тоза бўлиши, келажак авлоднинг баркамол ўсиши учун муҳим ҳисобланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Жданко Т.А. Этногенез каракалпаков. // «Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР», 1961, -№1.
2. Қарақалпақ фольклоры. IV том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1978. 181-193-б.

ОҚЫЎШЫЛАРДЫ ЎАТАНСҮЙИЎШИЛИК РУЎХЫНДА ТӘРБИЯЛАЎДА ҮЛКЕТАНЫЎ МАТЕРИАЛЛАРЫНЫҢ ОРНЫ

Б.Бекниязов

Қарақалпақстан Республикасы ХБХҚТҳОҚАИ

«Социаллық-экономикалық пәнлер» кафедрасы оқытыўшы

Мәмлекетимизде илим-пән тараўында ерискен жетискенликлеримиз тийкарында ата-бабаларымыз тәрепинен салынған беккем негиз ерте дәўирлерге барып тақалады. Ана топырағымыз баўырында мыңлаған жыллық тарийхты сөйлеўши тарийхый естеликлер жайласқан болып, бул халқымыздың бийбаҳа ғәзийнеси. Бул халқымыздың тарийхый, руўхый ҳәм мәдений мийрасларын қәстерлеп-абайлаў ҳәр биримиздиң пуқаралық миннетимиз екенлиги тийкарғы Нызамымызда белгилеп берилген [Өзбекстан Республикасы Конституциясы;17]. Сондай-ақ, бул тарийхый мийрасларымызды тереңирек үйрениў, келешек әўладымыз қәлбинде ўатансүйиўшилик туйғыларын қәлиплестириў ҳәм раўажландырыў ҳәр биримиздиң әдиўли ўазыйпамыз есапланады.

Бул бағдарда Өзбекстан Республикасы Биринши Президенти И.Каримовтың тиккелей басламасы менен анық белгилеп берилген илажларда өз көринисин тапқан. Биринши Президентимиз өзиниң бир қатар мийнетлеринде халқымыздың ҳақыйқый тарийхын жарытыў мәселелерине дыққат қаратыўымыз кереклигин айрықша атап өтеди. Атап айтқанда, «Тарийхый еслеўсиз-келешек жоқ» атлы мийнетинде, «Өзликти анлаў тарийхты билиўден басланады. Өз тарийхын билген, оннан руўхый азық алатуғын халықты жеңип болмас екен, биз ҳақыйқый тарийхымызды тиклеўимиз, халқымызды, миллетимизди әне усы тарийх пенен қуралландырыў зәрүр. Тарийх пенен қуралландырыў, және бир мәрте қуралландырыўымыз зәрүр -деген еди [Каримов; 141].

Ўатан тарийхының инсан өзлигин аңлаўдағы әҳмийети И.Каримовтың «Жоқары мәнаўият – жеңилмес күш» китабында және де тереңирек өз сәўлелениўин тапқан. Бул китапта «Мәмлекетимиз аймағында бар болған төрт мыңнан зыят материаллық - руўхый естеликлер улыўма жәҳән мийрасының бийбаҳа үлгиси сыпатында ЮНЕСКО дизимине киргизилген» -деп, бул инсан, халқымыз мәнаўиятын қәлиплестиретуғын, оларда ўатансүйиўшилик, өз өтмиши менен мақтаныш сезимлерин раўажландыратуғын өлшемлердиң бири сыпатында атап өтиледи [Каримов; 30-31].

Бурынғы Аўқам дәўиринде «Өзбекстан тарийхы»на «СССР тарийхы» қурамында 3-4-бет ғана ажыратылыўы бизиң тарийхымызға деген көз-қарастың қандай дәрежеде болғанлығын көрсетип турыпты. Ғәрезсизликке ерискенимизден кейин халқымыздың өз журты, тили, мәденияты, қәдириятлары, тарийхын билиўге, өзлигин аңлаўға қызығыўшылығы артып бармақта. Бул тәбийий ҳалат. Инсаният бар екен, ата-бабасы кимлигин, келип шығыўы, өзи туўылып өскен аўылы, қаласы, қулласы, Ўатанның тарийхын билиўди қәлейди.

Бүгинги күни тарийхымызды үйрениў бағдарында жаңа сыпат басқышына көтерилмекте. Улыўма орта билим мектеплеринде Өзбекстан ҳәм Қарақалпақстан тарийхы пәнлери саатлары көбейтилип, арнаўлы пән сыпатында оқытыла баслады. Алымларымыз тәрепинен алып барылған илимий-изертлеў жумыслары нәтийжесинде елимиз тарийхы жаңа мағлыўматлар менен байытылды.

Тарийхымыздың әййемги дәўирлерин үйрениўде әлбетте археологиялық материаллардың орны айрықша. Тарийх сабақларында археологиялық материаллардан пайдаланыў, оқыўшылар билимине анықлық киритиўде, сабақ мазмунын байытыўда, үлке тарийхын тереңирек үйрениўде тийкарғы дерек ўазыйпасын атқарады. Буның ушын, сабақ барысында, тарийхый естеликлер материалларынан имканы барынша көрсетиў яки аўызеки баян қылыў арқалы сабақтың исенимлилигин, тәсиршеңлигин тәмийнлейтуғын усылларды нәтийжели қолланыў мақсетке муўапық болады. Мәселен, 6-класс «Қарақалпақстан тарийхы» пәниниң «Әййемги Хорезм қалаларының раўажланыўы. Қой-қырылғанқала, Ток-қала,

Бердах призывает ханство, собравшее многочисленные налоги, направить определенную их часть на благоустройство народа, оценивая действия хана, обобравшего народ, «аласысын артық алып, бересисин бермегенин» - «собравшего больше положенного, не выделившего ни малой доли» [2:28], несправедливыми.

Более того, мыслитель в дастане «Айдос баба», рассуждая об обязанности уплаты народами, проживающими в регионе, налога-жузия, пишет, что каракалпакский народ был обязан каждый год уплачивать Хивинскому ханству налог в размере 20 тысяч тилла (золотых), из-за трудностей уплаты такой большой суммы народ постоянно голодал «Ашлықтан жалшыған емес».

Кроме того, после захвата русскими Хивинский хан передал им полномочия по сбору жизия: «Берди кафирларға жизия, шундай болды ақибети» («Право собирать «жузия» отдал иноверцам, и вот таковы последствия») [5:123]. Поэт был сторонником справедливого налогообложения.

В эпоху творения Бердаха особенно актуальные проблемы в жизни каракалпакского народа были связаны с прорытием каналов (очисткой оросительных каналов) и системой рационального распределения воды для орошения. Для прорытия каналов, подведомственных ханству, за каждый сезон каракалпакский народ был обязан предоставлять Хивинскому хану по 6 тыс. человек, по одному землекопу на три семьи. Об этих принудительных действиях Бердах писал: «Көп адамды салып жолға, қазыўға айдады бәрҳа» («Многих отправляли в путь, гоняли на прорытие») [2:50].

Поэт, подчеркивая несправедливость действий по обязательному привлечению населения к прорытию каналов, особенно подверг критике правонарушительные действия мирабов. На землекопов, не предоставивших взятку, они возлагали более тяжелую работу. Прутьями гнали ослабевших работников: «Тийди мураптың бақаны, жеди таяқты жазықсыз» («Получали по голове, мучились без вины») [2:50]. Вместе с тем, бедный народ, лишенный водоснабжения для оросительной системы, поздно начинали посевную кампанию «Аспекти ашса жеди таяқ, Мурап болды өңшең саяқ» ( ). Подчеркивая все эти обстоятельства, мыслитель выступал за установление государством порядка по равноправному водопользованию, основанного на нормах традиции и шариата.

Бердах высказывал свои мнения и относительно вопроса преступления и наказания за него. Мыслитель, в первую очередь, призывает к принятию соответствующих мер по предотвращению преступлений и правонарушений, предупреждает, что «безрассудство до добра не доведет» - «Ойланбастың түби

ўайран», что «каждый человек должен знать закон, говорить нужную речь и идти по правильному пути», «Әлпайим болып, жүрер жолын, сөйлер сөзин билиўи керек».

В вопросе назначения наказания мыслитель придерживался древнего принципа талиона – «қанға қан, жанға жан» - «кровь за кровь, душа за душу» («Амангелди»). Хотя Бердах, исходя из обстоятельств общественной жизни того периода, положительно относился к наказанию такой формы, вместе с тем был сторонником замены такого наказания более гуманным видом, как материальное возмещение, поддерживал рассмотрение большинства уголовных дел в рамках гражданского права.

Бердах рассуждает и о видах наказания: «Ақ үйли»-ссылка, «Сазайын тарттырыў» - публичное наказание с посрамлением. Мыслитель приводит в пример ещё многие виды наказания своего времени: виновного бросали в зиндан (темницу), казнили путем повешения, привязывали к лошади, сажали верхом на осла задом наперёд, отдавали собакам на истерзание, отрезали ухо и нос, выселяли, оставляли без еды и воды, не звали на торжества и т.д.

Поэт требовал, чтобы наказания применялись только после полного доказательства вины подозреваемого в совершении преступления, призывал не допускать привлечения к ответственности невиновного «Бийгүнә гелле кесилмеўин». Особенно подчеркивал, что наказанию должно подвергаться только лишь совершившее преступление лицо, другие же не должны нести ответственность за его проступки. Он был сторонником назначения наказания исключительно в соответствии с нормами шариата и традиционного права «Жети жаргы», выступал за применение справедливого соразмерного содеянному наказания, соблюдения при этом принципа равенства, призывал привлекать к ответственности даже самого правящего народом падишаха, если он совершит преступление («Ақмақ патша» - «Царь-самодур»).

Литаратура:

1. Бердақ. Танламалы шығармалары. Нөкис. ҚҚМБ. 1956. 280 бет.
2. Бердақ. таңламалы шығармаларының жыйнағы. Нөкис.Қарақалпақстан. 1977. Б.272
3. Бердақ Танламалы шығармалары. Нөкис. «Қарақалпақстан» 1987. Б. 320
4. Бердақ. Бердақтың бурын жәрияланбаған қосықлары. Бақтың ашылмаспа. //«Совет қаракалпакстаны» газетасы, 1958 ж.14-январь.
5. Хамидов Х. Рукописное наследие Бердаха. Нукус.«Билим». 1995. 229 бет.

BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA O‘QUVCHILARGA IQTISODIY TARBIYA BERISHNING MUHIM JIHATLARI

Ahmedov Shohjahon Qahramon o‘gli
UrDU Iqtisodiyot kafedrasi o‘qituvchisi

Hozirgi davr tarixiy taraqqiyotning asosiy sabog‘i shundan iboratki, insoniyat qo‘lga kiritgan barcha moddiy, ma’naviy boyliklar avloddan-avlodga o‘tganda vorislik ehtiyojiga bo‘ysungan holda o‘zlashtiriladi va undan fikriy quvvatlangan shaxslar tomonidan rivojlantiriladi. Hayotda va jamiyatda yuz beradigan barcha taraqqiyot omillarini shusiz tasavvur qilish qiyin. Shunday ekan, yosh avlodda fikriy quvvatlanish vazifasini amalga oshirish lozimki, buning asosiy yo‘li ta’lim tizimini takomillashtirib borish orqali o‘quvchilarni ilm-fan asoslari bilan yetarli darajada ta’minlashdir.

2020-yilning “Ilm-ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” deb nomlanishi O‘zbekistonning rivojlanish tarixidagi yangi davrni boshlab beryapti desak yanglishmagan bo‘lamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham bunga faqat jadal islohotlar, ilm-ma’rifat va innovatsiya bilan

erishish mumkinligi ta’kidlanadi. Shuning uchun Prezidentimiz o‘z murojaatida “Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir!” deb uqtirib o‘tadi. [Mirziyoyev: 2].

Ma’lumki, boshlang‘ich ta’lim barkamol avlodni tarbiyalashdagi muhim bosqich hisoblanadi. Shuning uchun boshlang‘ich ta’limga e’tibor va yangicha yondashuv xalq ta’limining diqqat markazidagi vazifalardan biridir. Boshlang‘ich ta’limning samaradorligi o‘quvchilarda o‘ziga xos tarzda tarkib topgan ta’limiy faoliyatning shakllanish darajasiga bog‘liq. Bunday faoliyat nazariy bilimlarni o‘zlashtirish jarayonida, o‘qituvchi rahbarligida shakllanadi va muntazam ravishda shakllanib boradi.

Boshlang‘ich ta’lim davrida yosh avlodga fan asoslaridan chuqur va mustahkam bilim berish, ularni amalda qo‘llash malakalarini yaratishga zamin yaratiladi. Bu bois tarbiyaning asosiy turlaridan bo‘lmish iqtisodiy tarbiyani shakllantirishda boshlang‘ich ta’limning ham juda katta o‘rni bor.

Ma’lumki, bolalarga maktab va oila sharoitida iqtisodiy tarbiya berish masalasi pedagogikaning asosiy muammolaridan biri hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyotiga o‘tilayotgan bir paytda yoshlarda iqtisodiy tafakkurni tarbiyalash ayniqsa muhimdir.

Avvalo, iqtisodiy tarbiya haqida mukammal tushunchaga ega bo‘lmoq darkor. Iqtisodiy tarbiya o‘quvchilarda tejamkorlik, mehnatsevarlik, tashabbuskorlik, ishbilarmonlik, iqtisodiy hisob-kitob va ayni shu kabilar haqida fikrlay olish qobiliyatini kamol toptirishdir. Buyuk mutafakkir allomalarimiz ham maktab va oila sharoitlarida bolalarni iqtisodiy tafakkurini kengaytirish, ularni hamkorlikka, ishbilarmonlikka, iqtisodiy hisob-kitobga o‘rgatishni hayotiy tajriba asosida amalga oshirish lozimligiga e’tibor qaratganlar.

O‘quvchilarda iqtisodiy tarbiyani shakllantirishning uzluksizligini ta’minlash muhim, birinchi navbatda, iqtisodiy fikrlash, iqtisodiy tushunchalar, iqtisodiy xis-tuyg‘ularni shakllantirishni avval oiladan eng sodda malakalar hosil qilishdan boshlash, so‘ngra uni boshlang‘ich ta’lim va keyinchalik ta’limning keyingi bosqichlarida ham davom ettirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Boshlang‘ich sinf “O`qish kitobi” darsliklarida bir qator badiiy va ilmiy-ommabop matnlar berilganki, ularni o‘qib-o‘rganish jarayonida iqtisodiy tarbiyani amalga oshirish mumkin bo‘ladi. Xususan, 2-sinf “O‘qish kitobi” darsligining “Mehnat baxt keltirar” bo‘limi materiallarini o‘qish darslarida buni yaqqol ko‘rishimiz mumkin.

Bo‘limda “Uch o‘g‘il” nomli o‘zbek xalq ertagi berilgan. [G‘afforova T. va b.: 66-68.] Bu ertakda qadimda bir dehqon va uning uch o‘g‘li bo‘lganligi, dehqonning tirikchiligi yaxshi ham, yomon ham emasligi, bir kuni dehqon uzoq safarga chiqmoqchi bo‘lganligi hikoya qilinadi. Dehqon safarga chiqishdan oldin o‘g‘illarini yoniga chaqirib, ularga bir juftdan tovuq, o‘rdak, g‘oz beradi va o‘zi qaytgunicha ularning tuxumlarini sotib pulini yig‘ishni, bu pullarni aslo sarflamasliklarini tayinlaydi. Ammo dehqon jo‘nab ketgach, to‘ng‘ich va o‘rtancha o‘g‘illar otasining o‘gitlarini esdan chiqaradilar, ular tuxumlarni ham, parrandalarni ham sotib yuboradilar.

Kenja o‘g‘il esa g‘ozning tuxumlarini yig‘ib, bostiradi, g‘ozlarni ko‘paytirib, tuxumlarini sotadi va otasi kelgunicha anchagina pul yig‘adi. Dehqon safardan qaytib kelib, o‘g‘illarini oldiga chaqiradi va ahvolni o‘rganadi. To‘ng‘ich va o‘rtancha o‘g‘illar tovuq va o‘rdaklar o‘ldi deb, otasini aldaydilar. Kenja o‘g‘il esa tuxum sotib yiqqan pullarini otasiga beradi, g‘ozlarni ko‘rsatadi. Otasi juda xursand bo‘ladi. Yillar o‘tib, dehqon o‘g‘illarini birin-ketin uylaydi, ammo ikki o‘g‘lining turmushi yaxshi bo‘lmaydi, ular bor bisotlarini sotib yeb bitirishgach, otasiga qaram bo‘lib qoladilar. Ammo kenja o‘g‘il esa tadbirkorlik

bilan ish tutib, kundan kun yaxshi yashay boshlaydi. Otasining hurmatini joyiga qo‘yib, izzat-ikrom qiladi. Dehqon kenja o‘g‘lidan rozi bo‘ladi.

“Uch o‘g‘il” ertagini o‘qish darsida dehqonning uch o‘g‘li xatti-harakatlari qiyoslab berilishi bilan o‘quvchilarga kenja o‘g‘il misolida mehnatsevarlik, tejamkorlik, ota o‘gitiga rioya etish zamirida iqtisodiy tarbiya berishga diqqat qilinadi. Bunda mehnati orqasidan pul yig‘ib, tadbirkorlikni yo‘lga qo‘ygan va bu bilan o‘z turmushini yaxshilagan kenja o‘g‘il harakatlari tahlilga tortiladi. O‘quvchilar bilan ertak mazmuni yuzasidan suhbat o‘tkaziladi. Suhbat davomida kenja o‘g‘il timsolida pulni tejash, o‘z o‘rnida sarflash, tadbirkorlik qilish orqali pulni yana ko‘paytirish kabilarning mohiyati ochib beriladi. O‘quvchilarga mehnatsevarlik va tejamkorlik xislatlarining afzalliklari ko‘rsatib beriladi. Albatta, bu o‘rinda tejamkorlikning xasislikdan farqi ko‘rsatib berilishiga e’tibor qaratilishi joiz bo‘ladi.

“Mehnat baxt keltirar” bo‘limida berilgan Q.Hikmatning “Keksa kulol va shogird” ertagini, A.Obidjonning “Odam bo‘laman” hamda Ollabergan Po‘latning “Hunar- bebaho boylik” she’rlarini o‘qish darslarida ham matn mazmuni ustida ishlashda o‘quvchilarga iqtisodiy tarbiya berish maqsadga muvofiq bo‘ladi. Zero, bolalarni hayotga tayyorlash uchun ularga hunar o‘rgatish lozim. Inson hunarni puxta o‘rganishi shart. Chunki hunar unga kelajakda ro‘zg‘or tebratish, yaxshi hayot tarzini amalga oshirish uchun kerak. Binobarin, o‘quvchilarni o‘qilgan matnlar asosida kasbga yo‘naltirish maqsadi ham bevosita iqtisodiy tarbiya bilan hamohang olib borilsa, bu ta’lim-tarbiya jarayonining samaradorligini yanada oshirishga xizmat qiladi. Bunda o‘qituvchi tomonidan metodik ishlar shunday tashkil qilinishi kerakki, o‘quvchilar ilm-hunarli kishilar mehnatining natijalarini ko‘ra bilsinlar. Shundagina o‘quvchilar bilim olishga, kasb-hunar egallashga intiladilar, ularda motivatsiya paydo bo‘ladi.

Hunar egallash yoshlarni mustaqillikka o‘rgatadi. Bu jarayonda bola hisob-kitob qilishni ham o‘rganadi, ishbilarmonlik va tashabbuskorlik xususiyatlariga ega bo‘ladi.

Ko‘rinadiki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga iqtisodiy tarbiya berishda o‘qish darslari ham katta o‘rin tutadi. Iqtisodiy tarbiya “O‘qish kitobi” darsliklarida berilgan turli mavzulardagi matnlar ustida ishlash orqali ham samarali amalga oshirilishi mumkin. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga iqtisodiy tarbiya berish asosida ularda mehnatsevarlik, tejamkorlik fazilatlarini shakllantirish ham muhim vazifa sanaladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.- 24-yanvar 2020-yil.

2. G‘afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O‘qish kitobi. 2-sinf uchun darslik.- Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2016.

ЕСТЕ САҚЛАЎЫН ҲӘМ МОТИВАЦИЯСЫН РАЎАЖЛАНДЫРЫЎШЫ ИНТЕРАКТИВ ОҚЫТЫЎ УСЫЛЛАРЫН ҚОЛЛАНЫЎ ӘҲМИЙЕТЛИГИ

Бекманова Кумисай

Шоманай районы, 15 санлы мектеп психологы

Тәлим ҳәм тәрбияның мазмуны оқыўшының қабыл етиўи, ядта сақлаўы, қыял етиўи ҳәм тағы басқа этнопсихологиялық өзгешеликлерине сәйкес ҳалда ислеп шығылыўы зәрүр. Оқыўшылардың пикирлерин үйренгемизде – сабақ қандай етип өтилсе оқыўшының өзлестириўи жақсы болады деген сораўға, оқыўшылар пәнге деген қызығыўшылықты оятыў керек деп жуўап берди, Тек ғана түсиндирмей ҳәм көрсетпей, өзлеримизге амелий ислетсе бизиң ядымызда 80-90% мағлыўмат қалады, бул ҳаққында илимпазларымызда өз пикирлерин билдирген. Албетте,

қызығыўшылықтың әҳмийети уллы – ол билимди ийелеўге, ой-өристи кеңейтиўге түртки болады, оқыўшыны қыйыншылықларды ҳәм де тосқынлықларды жеңе отырып, терең түрде билип алыўдың жолларын ҳәм усылларын актив түрде излеўге мәжбүр етеди, бул ишки мотивтиң бири болып есапланды. Усы пикирлерди есапқа алған алда оқытыўшы өз сабағын дурыс шөлкемлестириў кереклигин билдиреди.

Усы мақсетте биз педагогикалық ҳәм психологиялық мазмунда педагогикалық технологияларының базыбир тәреплерин усыныс етпекшимиз:

- ядта сақлап қалыўды үйрениў, баладағы ақылый искерликти раўажландырыў процессинде өтиледи, яғный үйренген билимлерди қолланып билиў әмелге асырылады.

Мағлыўматларды оқыўшы ядында сақлап қалыўы ушын бул оқытыўшының ҳәркетине ҳәм тиккелей оқыўшының өз қәлеўлерине (мотивлерине) байланыслы болады. Қаншама оқыўшы хәрекет етседе, оқыўшы буны қәлемесе алынған ҳәмме информациялар өз нәтийжелигин жоғалтады.

Оқыўдың сыртқы мотивациясынан ишки себепке өтиўи ушын педагогикалық технология мониторинги төмендегише басқышлардан ибарат болыўы керек:

- үйрениў, түсиниў, анализ ете алыў, синтез, баҳалаў. Қысқасы педагогикалық технология қандай қылып, қандай усыллар менен тәлим процессинде шөлкемлестирилсе, нәтийже жақсы болады деген сораўға жуўап береди ҳәм оқыўшыларда төмендеги қәсийетлерди қәлиплестиреди:

- оқыўшының талабын, қәлеўин ҳәм оның имканиятлар дәрежесин қанаатландырады.
- оқыўшының оқыў искерлигине жуўапкершилиги ҳәм миннети асады.
- билимлерди өз бетинше ийелеў көнликпеси пайда болады

шахстың жәмийетте өз орнын тез таўып алыўға орталық жаратылады.

Интерактив оқытыў усыллары «Қар үйиндиси» шынығыўы, «Кластер» техникасы, «Түсиниклер анализи» ҳәм «Зинама-зина (басқышпа-басқыш)», «Венн диаграмма», «Бумеранг» технологиясы, «Не ушын?» техникасы ҳәм «Проект» технологиялары оқыўшыларда тема бойынша тийкарғы түсиниклерди өзлестириў дәрежесин анықлап, өз билимлерин өз бетинше еркин баян етиўи, өзлериниң билим дәрежелерин баҳалай алыўы, жеке ҳәм топарларда ислесиўи, оқыўшылардың пикирлерине ҳүрмет пенен қараўға, соның менен өз билимлерин бир системаға салыўға үйретеди

Оқытыў методларының ишинде «Басқышпа-басқыш» технологиясы бир ўақыттың ишинде талабалардың өтилген яки өтилетуғын тема бойынша жеке ямаса киши топар менен пикирлесиўге, өзлестирген билимлерди еске түсирип, топлаған пикирлерди улыўмаластыра алыў ҳәмде оларды жазба, сүўрет, сызылма көринисинде түсиндире алыўға үйретеди. Бул технология жазба түрде өткизиледи.

Бул технологияның мақсети**:** Оқыўшыларды еркин, өз бетинше ҳәм сын пикирлеўге, жәмийет болып ислесиўге, излениўге, пикирлерин жәмлеп олардан теориялық ҳәм әмелий түсиникти пайда қылыўға, жәмәәтке өз пикири менен тәсир ете алыўға, теманың таяныш түсиниклерин қолана алыўға үйретеди.

Керекли материаллар: А-3, А-4 форматлы қағазларда таярланған шеп тәрепине киши темалар жазылған тарқатпа материаллар, фломастерлер.

Өткериў тәртиби: Оқыўшыларды 3-5 адамнан ибират киши топарларға бөледи. Технологияны түсиндириң. Ҳәр бир топарға шеп тәрепине жазылған қағаз материаллар тарқатылады ҳәм белгиленген ўақыт ишинде ҳәр бир түсиник мазмуны (сызылма түрде) ашып бериўлери айтылады. Бунда топар ағзалары киши тема бойынша толық мағлыўмат жыйнаўы керек. Ҳәр бир топарда бир талаба шығып сөйлейди. Шығып сөйлеген топар ағзасы өз таярлаған материалын доскаға избе-из түрде қыстырып шығады. Оқытыўшы топарлардың жумысларын баҳалайды ҳәм жуўмақлайды. «Басқышпа-басқыш» технология арқалы оқыўшылар өз түсиниклерин сүўретлер ҳәм сызылмалар арқалы түсиндириўи оларды есте сақлаўын жәнеде

раўажландырады. Оқыўшының есте сақлаўын беккемлейди, себеби оқыўшы тек ғана үйренгенин айтып ғана қоймастан, өз түсиниклерин қағазға көргизбе түрде түсирип, мазмунын ашып береди. Оқытыў методлары жүдә көп.

Бул айтылған пикирлерден соны жуўмақ етиўге болады, егер оқыўшы өз қәлеўи менен оқыса, алынған мағлыўматлар ядында қалса ҳәм қәлеўин пайда етиўде интерактив оқытыў усыллары жәрдем берсе ҳәр бир оқытыўшы алдына қойған мақсетине жетискен болады. Қызықлы пән, қызықлы сабақларды әдетте мине усы пән менен муқыятлап шуғылланыў тилегин пайда етеди ҳәм нәтийжеде жақсы өзлестириўди тәмийинлейди.

Пайдаланған әдебиятлар.

1. Х.И. Ибрагимов, У.А.Юлдашев, Х.Бобомирзаев. «Педагогик психология». Тошкент 2009. 77 бет

2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. «Таълимда инновацион технологиялар». Тошкент – 2008

БАҲС-МУНОЗАРА ВАЗИЯТЛАРИН ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ

Алланазарова Ш.А.
ҚДУ изланувчи

Замонавий дидактик изланишлар ўқитувчидан ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига йўллашларини талаб қилмоқда. Бунинг учун ўқув-билув фаолияти доирасини кенгайтириш лозим. Ушбу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларни тўлақонли муҳокамага жалб этиши керак. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи ҳам мазкур йўналишдаги илғор тажрибаларни ўрганиши талаб этилади.

Биз тажриба-синов ишларимиз давомида ўқитувчиларнинг баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш ва ўқувчиларнинг бу жараёнда қатнашиш кўникмаларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга интилдик. Ўқувчилар мунозара жараёнида ўз нуқтаи назарларини баён қилиш билан бир қаторда, қатор қийинчиликларга ҳам дуч келдилар. Шу тариқа ўқувчилар ўқитувчи томонидан келтирилган далиллар, уларни қизиқтирган саволларни тинглашга ҳам ўргандилар.

Тажриба-синов ишлари давомида биз ўқувчилар ҳукмига бир қатор мавзуларни ҳавола қилиб уларни мунозарага чорлашга интилдик.

Биз тажриба-синов давомида ўқувчиларнинг мулоқотга киришувчанликлари, ҳаракатчанликлари, фикрлаш даражаларини кузатдик. 4-5 ўқувчидан иборат гуруҳлар туздириб, унда ўқувчиларнинг иштироклари, диққатларини бир нуқтага жамлай олишлари, мунозара қоидаларига амал қилишларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ўқувчиларнинг мунозарага киришиш босқичлари таҳлили шуни кўрсатдики, бунда ҳар бир ўқувчининг ўзига хослиги муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ўқувчи бу жараёнда кўпроқ фикрлайди ва ўз-ўзини намоён қилади. Ўқувчининг эркинлиги ва фикрий мустақиллиги унга ўз ҳаракатларини онгли бошқариш имконини берди, ўз-ўзини назорат қилишига кўмаклашди.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг кичик гуруҳларини ташкил этиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида саволлар бериши мумкин. Ўқувчиларнинг нуқтаи назарларини аниқлаб олгач, уни таҳлил қилади.

Ўқитувчи мунозара давомида биринчи навбатда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини кузатади. У синфдаги барча ўқувчиларда бадиий адабиёт ва унинг аҳамиятига нисбатан кучли қизиқиш уйғота олиши керак. Бадиий адабиётнинг ўзи баҳс-мунозара ва маънавий-ахлоқий тарбия воситаси эканлигини ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам чуқур идрок эта олиши лозим. Ўқитувчи мунозаранинг

ривожланишида асосий субъект сифатида намоён бўлади. Бунда унинг ўзи ҳам мунозара жараёни иштирокчиси бўлиши лозим. Гарчан ўқувчилар асосий мавзудан бир қадар узоқлашсалар ҳам мунозара жараёни самарали кечиши мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда баён қилинган нуқтаи назарлар, фикрлар ва чиқарилган ҳукм мунозара доирасида кўзланган мақсадга эришиш имконини бериши керак. Шундай мунозаралар ўқувчиларнинг хотирасида узоқ сақланиб қолади. Шундагина ўқувчилар турли фикрлар ва нуқтаи назарларини қиёслаган ҳолда тўғри ёндашувларни аниқлашга ўзларини қодир деб биладилар. Улар ўз шерикларининг нуқтаи назарларини қандай аниқлаш мумкинлигини англаб етадилар. Шу билан бир қаторда, ўзларининг шахсий қарашларини аниқ далиллар ёрдамида баён қилишга ўрганадилар. Мазкур жараёнда улар ўз фикрларини батафсил асослаш, исботлаб беришга одатланадилар. Бундай мунозаралар ўқувчиларни фикрий ривожланиш, мантиқий хулосалар чиқаришга ундайди. Биз кузатган ўқитувчиларнинг ўқув мунозарасини ташкил этиш маҳорати шунда намоён бўлдики, улар ўқувчиларни маҳсулдор, ишчан мулоқотга ундай олдилар. Баҳс-мунозара вазиятларида ўқитувчи ўзининг педагогик маҳорати, бағрикенглиги, қизиқувчанлигини намоён эта олиши алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафарова Р.Г. Педагогическое сотрудничество как средство повышения качества учебного процесса // Ж. Актуальные проблемы современной науки. 2013. №3.
2. Алланазарова Ш.А. Умумий ўрта таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш методикаси: «Gold print» нашриёти. Т.:-2018. - 108 б.

ОИЛАДА БОЛАЛАРДА ТАШАББУСКОРЛИК ФАЗИЛАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Абдимуратов Ж.П.

Қоракалпоқ давлат университети

Доно халқимиз “Бола -бошидан, ниҳол-ёшидан” деган наклни бежиз айтмаган. Урта Осиё халқлари педагогикаси маънавий бой меросга эга бўлиб, уларнинг моҳияти, мазмуни ўзининг кўпгина тадқиқотчиларни кўтиб турибди. Халқ педагогикаси бўйича буюк мутафаккирларнинг меросини урганиш, инсон маънавий оламини бойитадиган дурдона фольклорлик асарларни ўринли фойдаланиш оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштиришда яхши самара беради.

“Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, ахлоқ-одобини ҳам яхишлангизлар”-дейилади Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида. Оилада ота-она биринчи муаллим, биринчи устоз. Болалар ота-онанинг педагогик билимларидан воқиф бўлиши барча билимларининг дебочаси бўлади. Миллий тарбия тажрийбалари асосида оилада болаларда ташаббускорлик фазилатини ривожлантиришда уларда аввало мустақилликни шакллантириш зурурки, токи бола мустакил ўйнаши, ўкиши, фикр юритиши, кўрган-билганларини ўзича тасвирлаши унинг ҳис-туйғуларини чуқурлаштиради, ташаббускорликка ўндайди. Одатда, қизиғувчан боладаги урганган ўйин, машғулотлари билан мустақил шуғулланишига, давом эттиришига етарли шарт-шароит яратиб бериш, унинг ижобий ишини муносиб баҳолаш, маъқуллаш, яхши муносабатда бўлиш ва рағбатлантириш, болада ижод қилиш, фикрлаш қобилиятларини ўсириб боради[1-69].

Хар бир ота-она болаларнинг қизиқувчан машғулоти, фаолиятини шунчаки ўйин деб қарамасдан, жиддий эътибор берса, мустақил ижод ва ҳаракат қилишга йўлласа болаларда куйидаги кўникма ва малакалар ҳосил бўлади: болалардаги ташаббускорлик аввало, эркин фикрлаш кўзга ташланади. Мустақил фикрлай оладиган ҳар бир бола келажакда ўз халқи, мамлакати, миллати тараққиёти учун

салмақли ҳисса қўшади, ҳар бир жараёнга эркин ҳолда киришиш амалий фаолиятларининг бажарилишини юзага келишини олиб келади. Болаларда таркиб топадиган мустақиллик, ташаббускорлик ўз навбатида уларда фаолият натижаларини таҳлил килиш, у орқали ҳукум, хулоса, қиёслаш, баҳолаш каби билиш жараёни босқичларини шаклланишига олиб келади. Болалардаги ташуббускорлик фазилати маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланишида муҳим механиз ролини бажаради. Яъни у орқали болаларда ўз-ўзини англаш, дадиллик, матонатлилик, ғурурланиш, ишонч, ижобий ҳис- туйғулар, адолатлилик, қатъиятлилик, бошқа шахслар билан туғри муносабатда бўлиш, мустақиллик каби сифатлар таркиб топади ва эътиқодига айланиб боради.

Оилада болаларда ташаббускорликни, мустақил ҳаётга тайёрлаш муаммосини тадқиқ этиш жараёнида кўзланган мақсад-оилада болаларни миллий ва маънавий қадриятлар асосида мустақил ҳаётга йўллаш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда ота-оналарга методик ёрдам кўрсатиш ва ушбу мақсаднинг муваффақиятли амалга оширилиши учун қуйидаги педагогик вазифаларни ижобий ҳал этиш тақозо этилади: ота-оналарнинг муайян ҳаётий тажрибага эга бўлишларини таъминлаш; болаларда мустақил фаолият (ҳодисалар моҳиятини англаш, турли вазиятлар мазмунини таҳлил эта олиш, уларнинг оқибатини белгилаш, ўз келажаги учун қайғуриш каби хислатлар)ни ҳосил қилиш; болаларда миллий ғурур ва ўзликни англашни ташкил этиш кўникма ва малакаларининг шаклланишига эришиш; болаларда шаклланган масъуллик туйғуси ҳамда атроф-муҳитга нисбатан онгли ёндошувни такомиллаштириш кабилар[2-89].

Миллий ва этнопсихологик хусусиятга эга ўзбек ва қорақалпоқ оилаларида болаларда ташаббускорликни ва мустақил ҳаётга тайёрлашда ички ва ташқи (ёки бошқача айтганда, субъектив ва объектив) омилларнинг мавжудлиги ҳам бу борадаги фаолият муваффақиятини таъминлайди. Бизнинг назаримизда, субъектив ва объектив омиллар қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ; ота-оналарнинг миллий ва маънавий қадриятларни билиши ҳамда уларга содиқлиги; оилада ота- она ва бошқа ёши катта аъзоларининг маънавий жиҳатдан етукликлари; ота-оналар ёки оиланинг ёши катта аъзоларини ўспирин ёшдаги болани мустақил ҳаётга тайёрлаш борасида шахсий намуна кўрсата олиш имкониятига эгаликлари; оилавий анъаналарнинг мавжудлиги; ота-оналарнинг ўспирин ёшидаги болани мустақил ҳаётга тайёрлаш борасидаги билимларни берувчи манбалар билан таъминланганликлари; ота –оналарнинг ўспирин бола руҳияти ва дунёқарашидан, келажак мақсадларидан бохабарлиги; оила тарбияси мазмунида ўспирин ёшдаги болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашни ўзида акс эттирувчи халқ педагогикаси ғояларининг ўрин олганлиги; оилада болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш изчил, узлуксиз, тизимли ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётганлиги; мазкур жараёнда оиланинг таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлиги.

Кузатишларга кўра, айни пайтда оилаларда қуйидаги педагогик шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши кўзланган мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга ошириш имконини бериши аниқланди; Оила аъзолари даврасида ибратли оилалар, ҳаётда ўз билими ва қобилияти билан улкан ютуқларга эришган инсонлар ҳақидаги суҳбат ҳамда баҳс-мунозараларни ташкил этиб турилиши. Оилада болаларга мустақиллик бериш, уларда мақсадли онгли фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларини шакллантириш. Ота-оналарнинг миллий ва маънавий мазмундаги матбуот материаллари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан бола тарбиясида ўринли фойдаланиши. Ота-оналарнинг фарзандларига намуна-ибрат кўрсата олишлари[3-77].

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар фарзандларимизнинг бахту-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун қилинмоқда. Чунки, одобли, билимдон ва

ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг ҳам энг катта бойлигидир.

Адабиётлар:

Абу Наср Форобий. “Фозил одамлар шаҳри”. Т.20018.
Сулайман Доған. “Бахтди оила-бахтли фарзанд”. Т.2010.
Хасанбоева О. Оила педагогикаси. Т.2007.

АНА ҲӘЙЙИЎИ ҲӘМ ОНЫҢ ТӘРБИЯЛЫҚ ӘҲМИЙЕТИ

Абиева Гулхатиша
Қанлыкөл районы 2-санлы улыўма билим бериў мектеби баслаўыш класс оқытыўшысы

Илимий пикирлерге сүйенетуғын болсақ, биз нәрестениң туўылғаннан баслап 5 жасқа шекемги аралықта ананың өз перзентине қарата айтатуғын меҳирге толы қосығы ҳәййиў болған. Соның менен бирге ҳәййиў еситкен баланың дени саў ҳәм де еңбек мийиниң жақсы раўажланыўына, ақлый жақтан раўажланыўына тәсири күшли болыўы менен, баланың қәбилетли болыўында, интеллектиниң жоқары болыўына, инсанлар менен болатуғын қарым-қатнасық инсаныйлық туйғы, меҳир мүриўбет, иззет-ҳүрмет ҳаққындағы дәслепки түсиниклериниң кәлиплесиўинде әҳмийети жоқары болған. Соның менен бирге Орта Азиялы илимпаз Абу Али Ибн Сино ҳәм өз мийнетлеринде баланы туўылғаннан баслап өз аяғынан жүрип кеткенге шекем исленетуғын иләжлары ҳәм оның пайдасы ҳаққында былай деген: «бөбектиң тилегин қанаатландырыў ҳәм раўажландырыў ушын оған еки нәрсени қоллаў керек. Биринширден: баланы әсте ғана тербетиў болса, екиншиси уйықлатыў ушын дәстүрге айланып кеткен нама ырғағы менен ҳәййиў айтыў. Сол екеўин қабыл етиў муғдарына қарап, баланың денеси менен дене тәрбиясы ҳәм руўхы менен музыкаға болған қәбилетин пайда етеди» деп айтып өткен. Ҳәййиўди негизинен алып қарағанда ана өзиниң жанлы ҳаўазда өз перзентине қарата айтылған меҳир менен айтылған ақыл-нәсияты, әрман-тилеклери, арзыў үмитлери болған.

Халқымыз арасында бала тәрбиясы ҳәм оның келешеги ҳаққында ҳәр қыйлы рәўиятлар бар: Бир инсан перзентли болып, перзент тәрбиясына үлкен итибар қаратыў, жақсы тәрбия бериў мақсетинде перзентин данышпанның алдына мәсләҳәт алыўға алып барыпты. Данышпан бул инсаннан перзенти неше жасқа келгенин сорапты. Жуўапты еситкен данышпан бала тәрбиясында кешиккенлигин, тәрбияны туўылған ўақтынан баслаў керек екенлигин айтқан екен. Солай екен, перзент тәрбиясы ҳәм оның психологиясы, оның әтираптағы инсанлар менен болатуғын байланыслары ҳаққында психологларының илимий мийнетлеринде де айтып өтилген. Бунда баланың туўылған ўақтынан баслап сыртқы шараят орталыққа масласыў имканиятын беретуғын, жетилискен нерв системасы менен туўылыўы, нәрестеде туўма реакциялардың басқа топары да пайда болып, бесик тербетилгенде нәрестениң жылаўдан тоқтаўы, ықтыярсыз ҳәректлердиң тоқтатыўдың, дыққатты аўқатланыўға ҳәм айрықша ҳалатта топлаўдың зәрүр қуралы сыпатында пайдаланылады, ҳәттеки нәрестениң үш айлық ўақтынан баслап әтирапқа нәзер таслаўы, ҳәр қыйлы жарқын реңлерди сезиўи, даўысларға, еркелетип айтылған жақсы сөзлерге ләззетлениўи, инсанлар менен реакцияда болып, эмоционал ҳәрекетлер пайда болыўы ҳаққында илимий пикирлер айтып өтилген. Мине, солай екен, нәресте менен сол ўақыттан баслап қарым-қатнасты қәлиплестириў зәрүрлиги туўыла баслайды.

Ҳәр бир халықтың тәлим-тәрбиялық ойларының қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы сол халықтың басынан кеширген жәмийетлик турмысына тарийхы және географиялық шараятына, динине, дәстүри менен үрп-әдетине байланыслы. Ата бабамыз инсанды; нәресте, бала, өспирим, жаслық, жигитлик, егеделик, ғаррылық деп бир неше жас дәўирлерине ажыратқан. Ҳәр бир жас дәўириндеги баланың өсиў,

өзгериў, руўхый жетилиў, минез-қулқының қәлиплесиў өзгешеликлерин бақлаған. Әсирлер даўамында жасаған халық өз балаларын әдеп-икрамлы, әлпайым, меҳир-мүриўбетли, өз елин қорғайтуғын, мийнеткеш болыўларын әзелден нийет еткен.

Қарақалпақ халық педагогикасы ата-бабаларымыздың бизге мийрас етип қалдырған миллий үрп-әдетлери, мәресимлери, оғада бай тәлим-тәрбиялық дәстүрлери, турмыс қәлпи, тарийхы ҳәм мәденияты, узақ-узақ әсирлерге қанат жайған ҳәм де халқымыздың пайда болыўы менен раўажланып, әўладтан әўладқа өтип, өз ара байланыста қәлиплести. Халқымыздың неше әсирлер даўамында жаратқан ҳәм турмыс сынақларынан табыслы өткен, қаншадан-қанша әўладларды тәрбиялап, кәмалға келтирген ҳәм миллий қәдириятларды тәрбиялаў системасы дүзилип, ата-бабаларымыздан бизге жетип келген жасларға тәлим-тәрбия бериўдеги ўәсиятлары, көргенлери, еситкенлери, қәўим, урыў, абырайлы адамлардың мәсләҳәтлери ҳәм тәжирийбелери негизинде шөлкемлестирилди.

Аналардың тилинен айтылатуғын бундай мазмундағы шығармаларды бесик жыры ямаса ана ҳәййиўи болып табылады. Бесик жыры жеңил намалар менен бесик шайқағанда айтылады. Ҳәййиў уйқының қурысы тутып турған нәрестеге айтылады. Бул баланың тез уйықлап қалыўына тәсирин тийгизгеди. Ҳәййиў ананың өз пезентине болған сезимлерин сиңдирген.

Нәресте ананың жанлы ҳаўазда айтқан бундай тәриздеги ҳәййиўи арқалы өзине, әтиратағы барлық ҳаққында, гөззаллық, сезим, инсанлар арасындағы байланыс, қарым-қатнас, дослық инсаныйлық, меҳир-мухаббат туйғыларын эстетикалық нама арқалы санасына сиңдирип барады.

Илимпазлардың пикиринше ҳәййиў айтыў арқалы нәрестениң эстетикалық тәрбия алыўы, инсанларға болған меҳир мүриўбетиниң асырыўы менен бирге өз сезимин, меҳрин берип айтқан ҳәййиў ана ушын да төмендегидей әҳмийетли ҳәм унамлы тәреплери бар:

Биринширен- ҳәййиў айтыў арқалы аналарымыз өзлериниң руўхый жақтан жақсы дем алыўына, пәкленiўине түртки болады;

Екиншиден- Аналардың ғам тәшўшлерин, кеўилсизлик ҳалатын ядынана шығарып ҳәййиў айтыў арқалы оларды умытады;

Үшиншиден- Аналардың кимгедур жеткере алмаған пикирлери, арзыў-нийетлери, әрман-тилеклери, инсанларға яки болмаса әтирапқа болған мүнәсебетлери ҳәййиў айтыў арқалы жеңил тартыўға ериседи;

Балалар өз ата-анасын ҳүрметлеўге ҳәм сүйиўге, олардың турмыс тәжирийбеси менен жеке сыпатларын тән алыўға кишкенелигинен умтылған. Демек, қарақалпақ халық педагогикасы тийкарында баланың дүньяға келген ўақтынан баслап ата-бабаларымыздан бизге мийрас болып қалған тәрбия түри- ҳәййиўи биз ушын ең әҳмийетли тәрбия қуралы болып қала береди.

Пайдаланылған әдебиятлар:

1. Qaraqalpaq folklorı IY tom 2007-жыл
2. Qaraqalpaq etnopedagogikasi, No’kis: 2010, 108-bet
3. Qosnazarov Q., Pazılov A., Tilegenov A. Pedagogika. 2009.3-bet

ЎЗБЕК ХАЛҚ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ РИВОЖИНИНГ ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ ТАРИХИДАН

Боймухамедова Д.С.
Ахмадова О.И.
Низомий номидаги ТДПУ
Технологик таълим факультети
Дизайн йўналиши 4 курс талабалари

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни келажак ҳаётга тайёрлаш ҳамда ижодий фаолиятга, одоб-ахлоқли бўлишга, илм олишга, фойдали юмушлар билан шуғулланишга тайёрлаш ишлари Шарқ халқларининг қон-қонига сингиб кетган ноёб амаллардандир. Таълим-тарбия ишларининг қонун билан ҳимояланиши, барча ташкилий, раҳбарлик ва таъминот ишларининг давлат тасарруфида бўлиши, давлатнинг, халқнинг ўз келажаги учун жиддий қайғуришидан далолат беради.

Шарқ халқларининг узоқ тарихида, ҳатто одамзод пайдо бўлишининг бошланғич даврларида, масалан, ибтидоий жамоа тузумида, қулдорлик жамияти тузумида ҳам ёш болаларнинг, келажак авлоднинг тарбиясига эътибор бериб келинган. Ибтидоий жамоа тузумида дастлаб ёғочлардан айрилар, ўткир учли найзалар ясаш ва улар билан ов қилиш ўргатилган бўлса, кейинчалик ёғочлардан турли тош, жез, суяк кабиларга дасталар ўрнатиш, улар билан меҳнат қилиш, ов қилиш, турли хил мосламалар ясаш ўргатилган [2].

Қулдорлик тузумига келиб, ёғоч асбоблар, дасталар, мосламалар ясаш такомиллашди, ўзига хос сифат, жило берадиган қилиб, қўлланилиш мақсадига қараб, ўз вазифасини аниқ бажара оладиган қилиб ясалди ва бу ишлар фарзандларга, шогирдларга ўргатиб борилди. Ёғочдан уй-рўзғор буюмлари: челаклар, косалар, лаганлар, тоғоралар, бочкалар, сувдонлар, қошиқлар, турли асбоблар учун дасталар, ғилдираклар, омоч қисмлари; ҳарбий мақсадлар учун ашёлар: найзалар ва ўқлар дасталари, эгарлар, деворларни бузиш мосламалари, манжанақлар, нарвонлар, кўприклар, декчалар, сафар анжомлари; қурилиш мақсадлари учун ашёлар: устунлар, тўсинлар, эшиклар, панжаралар, дарвозалар, курсилар, токчалар, аравалар, тахтиравонлар ва бошқа юзлаб номдаги мосламалар тайёрланган, ҳаётда самарали фойдаланилган. Албатта, ушбу ёғоч жиҳозларни тайёрлаш, ясаш ва фойдаланиш даврида ёш ўсмир болалар бевосита ёки билвосита иштирок этганлар, бу йўл билан уларнинг шу соҳадаги билимлари такомиллаштириб борилган. Феодал тузуми даврига келиб, буюк давлатчилик сиёсатлари баравар ривожлантирилди, барча соҳалардаги асбоб-ускуналар, жиҳозлар ишлаб чиқариш жуда кенг миқёсда тараққий этди, ҳатто, нафис санъат даражасига етди. Энди буюмлар ва жиҳозларнинг фақат иш бажаришга чидамлилигигагина эмас, балки нафис, гўзал, чиройли, безакли қилиб тайёрланишига ҳам жиддий эътибор берилди. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, педагогика бамисоли жонли организм, қайнар булоқ, ўлмас, ўчмас, доимо бойиб, кўпайиб борувчи илоҳий, мўжизавий тарбия соҳасидир. Педагогика ўзининг йўналиши, ибратли хулосаларга бойлиги, бебаҳо асарлари, маъно-мантиқ жиҳатидан мукаммаллиги, теранлиги, услуби, одобномаси билан ҳар қандай миллат, эл ҳавас қилса арзийдиган буюк меросдир.

Ёшларни меҳнат қилишга, турли ҳунарларни эгаллашга даъват қилувчи фикрлар ёзма ва оғзаки манбаларда жуда кўп. Шарқнинг буюк мутафаккирларининг қимматбаҳо асарларида бу масалага жуда катта эътибор берилган. Пандномалар, насиҳатлар, ўгитлар, ҳунарлар рисолалари, тарихий асарлардаги тавсифлар, насрий ва назмий баёнларда, ғазалларда, таълимотларда ўз аксини топган.

Ёшларга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш, уларни илм-фан сирларини эгаллашга жалб этиш, савоб ишларни бажаришга йўналтириш, ижод билан шуғулланишга даъват этишга жуда кўп алломалар ўз асарларида эътибор бердилар. Аҳмад Югнакий (XII аср), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-892), Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий (860-941), Носир Хисрав (1004-1088), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Махмуд Кошғарий (XI аср), Аҳмад Яссавий (1103-1166), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389),

Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абдураҳмон Жомий (1414-1492), Алишер Навоий (1441-1501) каби кўплаб жаҳон маданиятининг, маънавиятининг етакчи алломалари сифатида тан олинган мутафакирларимиз ҳам ўз асарларида ёшлар таълим-тарбиясига, уларда инсоний фазилатларнинг шаклланишига, фойдали меҳнат қилишга, илм-фанни ўрганишга жиддий эътиборларини қаратганлар [1].

Таълим тизимида, хусусан, умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг амалий санъат сирларини ўрганишларида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этишнинг аҳамияти каттадир. Тасвирий ва амалий санъат бўйича ташкил этиладиган синфдан ва мактабдан ташқари тадбирларни ўтказишда ўкувчиларнинг эстетик маданиятини шакллантириш, санъатнинг, гўзалликнинг ажойиб дунёсини ўрганишга, ҳис қилишга бўлган интилишларини, қизиқишларини шакллантириш ва тарбиялаш, ўз фаолиятини гўзал қилиб ташкил этишларига йўналтиришни мақсад этиб қўймоқ лозим. [3]

АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2017, 220 б.
2. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Меҳнат, 1991, - 384 б.
3. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим концепцияси //Халқ таълими, 1992, №2, 9 – 18

КУРАШ МУСОБАҚАЛАРИГА ДОИМИЙ РАВИШДА ШУҒУЛЛАНИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Б.Нурекеев
НДПИ стажёр-изланувчи

Кейинги йилларда асрлар давомида мардлик, бағрикенглик, олижаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган, ўзбек халқининг тарихий мероси – “Кураш” миллий спорт турини (кейинги ўринларда кураш деб юритилади) қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, “кураш”, “ҳалол”, “таъзим”, “тўхта” ва “ёнбош” каби атамалар эса халқаро спорт луғати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Кураш халқаро ассоциацияси бугунги кунда сайёрамизнинг бешта қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган.

2010 йилда Кураш халқаро ассоциацияси Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида “Кураш” миллий спорт тури тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси курашни халқаро спорт мусобақалари ва турнирлари дастурларига, келгусида эса Олимпия ўйинлари дастурига ҳам киритиш бўйича фаол тадбирларни амалга оширмоқда.

Дунёда спорт шиддат билан ривожланаётган бир даврда миллий спорт тури кураш ҳам мисли кўрилмаган даражада оммалашиб бормоқда. Кураш мусобақалари кўплаб халқ байрамларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан доимий тарзда шуғулланишга жалб қилишдаги асосий вазифалардан бири миллий спорт турларини ривожлантириш ҳисобланади. Жаҳон миқёсида ҳар бир халқ ва элатнинг ўзига хос миллий кураш турлари бўлганидек, мамлакатимизда ҳам кураш миллий спорти шиддат билан ривожланмоқда. Кўплаб мамлакатларда кураш спорт билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг

кўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жаҳонда миллий спорт тури кураш орқали ўзбек сўзлари жаранглаётгани қувонарли ҳол. Кураш спорт тури бўйича қўлга киритилган ютуқларимиз салмоғи сезиларли даражада ўсди, бу эса ушбу спорт турининг ривожланаётганидан далолат беради. Дастлабки ўргатиш босқичида шуғулланувчи курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида техник тайёргарликни оқилона шакллантириш, шуғулланувчиларнинг танлаган спорт турига бўлган мотивациясини шакллантириш ва ривожлантириш, тезкор-куч хусусиятидаги воситаларни қўллаш асосида шуғулланувчиларнинг техник тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилган. Олинган маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкин: спорт курашининг барча турларига хос техниктактик ҳаракатлар ва жисмоний сифатларни ривожлантириш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ кураш - миллий спорти бўйича кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари, айниқса, техник ҳаракатларга дастлабки ўргатиш масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар кенг қамровда олиб борилмаганлиги яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда республикамизда кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Мамлакатимизда миллий спортни юқори даражага олиб чиқиш, илмий-назарий умумлаштириш, хозирги замон цивилизацияси билан алоқадор эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боис олий спортда эришилган ютуқлар билан чекланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз керак1”. Барча яхши анъаналар халқ томонидан ижро этилиб, сақланиб келинган ва авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ҳозирги кунда курашнинг барча турларини жахон стандартлари даражасида янада ривожлантириш, спортчиларни тайёрлаш тизимини илмий асослаб бериш долзарб масала бўлиб турибди.

Спорт кураши жаҳон халқларида катта оммалашган. Ҳозирги вақтда кураш спортининг 40 дан ортиқ миллий ва ҳалқаро турлари мавжуд бўлиб, улар бўйича турли мамлакатларда миллий ва халқаро турнирлар ҳамда чемпионатлар ўтказилиб турилади. Ўзининг маълум техник ҳаракатлари ва қоидаларига ўз курашига эга бўлмаган бирорта ҳам халқ бўлмаса керак.

Курашнинг баъзи турларида мусобақалар қоидалари ва техникаси ўта содда бўлса, бошқаларида эса турли хил техник ҳаракатлар қўлланилади, мусобақалар эса батафсил ишлаб чиқилган қоидалар бўйича ўтказилади. Адабиётларнинг таҳлилидан, спортнинг миллий турларининг юзага келиши ва уларнинг ривожланиши қадимга бориб тақалади, улар барча халқларнинг меҳнат фаолияти ва унга тайёргарлик кўриш зарурати, шунингдек, ҳарбий иш талаблари билан боғлиқ. Шу билан бирга, барча халқларда қадимдан буён яккакурашнинг ҳар хил турлари мавжуд. Кураш спорти билан шуғулланиш соғлиқни мустаҳкамлаш ва жисмоний ривожланишга ёрдам беради. Ўзбек курашининг тавсифномаси ва курашчиларга хос бўлган тактиктехник ҳаракатларнинг тавсилари келтирилган. Кураш - ўзбек халқининг барча ижобий урф-одатлари ва анъаналарини эҳтиёткорлик билан сақлаб келаётган энг севимли ва ҳурматга сазовор бўлган спорт тури эканлиги очиб берилган. Анъаналардан тўғри фойдаланган ҳолда Республикамизнинг спорт раҳбарлари курашга янги ҳаёт бағишладилар. Курашда максимал юқори натижани кўрсатиш учун курашчи рақиб билан узвий равишда ўзаро ҳаракат қилиши керак. Ўзаро ҳаракат қилиш жараёни нафақат рақиб қаршилигини енгиш, балки спортчиларнинг фаол ҳаракатланишини этишни ҳам ўз ичига олади. Бунда курашчи рақибнинг кучидан фойдаланиб, ўзининг ҳаракатларини амалга оширади. Ўзбекистонда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан доимий равишда шуғулланишга жалб қилишдаги вазифалардан

Адабиётлар

1.Ш.МИРЗИЁЕВ “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Тошкент шаҳри, 2017 йил 2 октябрь.

2. Адбулҳақов М.Р.- Боротсья чтобы побеждать. Спорт в твоей жизни. – М.: 1990г. С.144. Юсупов К.Т. – Миллий кураш қоидалари. Монография. Тошкент -1992 й.

ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН БАҲС-МУНОЗАРА ВАЗИЯТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

Алланазарова Ш.А.
ҚДУ изланувчи

Ўқитувчи мунозара давомида биринчи навбатда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш фаолиятларини кузатади. У синфдаги барча ўқувчиларда бадиий адабиёт ва унинг аҳамиятига нисбатан кучли қизиқиш уйғота олиши керак. Биз кузатган аксарият ўқитувчиларда бундай сифатлар етарлича шаклланмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Яна шу нарса аён бўлдики, биз тажриба-синовгача кузатган баҳс-мунозара вазиятларида мулоқотлар ўзининг мантиқий якунига етмаганлиги, аниқ таркибий тузилишга эга бўлмаганлиги, ўқитувчилар ўқувчиларнинг янги ёндашувларни баён қилиш кўникмаларини етарлича тўғри баҳолай олмаганликлари, ўқувчилар томонидан баён қилинган ғоялар уйғунлашмаганлиги ва ўзаро бир-бирини бойита олмаганлиги кузатилди.

Тажриба-синов ишлари якунида эса, ўқитувчилар баҳс-мунозара вазиятларининг ўқувчи ақлий тараққиёти учун ниҳоятда зарурлигини англаб етдилар. Чунки маҳсулдор баҳс-мунозара вазиятлари ўқувчини интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш билан бир қаторда, уни изчил, мантиқий фикрлашга ҳам ундаши ўтказилган тажрибаларимиз натижасида яққол аён бўлди. У ўқувчиларда тинглаш, фикрлаш, ғояларни уйғунлаштириш кўникмаларини изчил шакллантиришга хизмат қилди. Улар ўз фикрларини аниқ шакллантириш ва асосли баён қилишга ўргандилар. Бироқ, улар баҳс-мунозара вазиятларига киришиш тартибларига жуда секинлик билан кўникдилар. Баҳс-мунозара вазиятлари ўқувчиларда бир-бирларидан ўрганиш кўникмасини ҳосил қилди. Ўқитувчилар эса, баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш қонун-қоидалари ва талабларини ўзлаштириб олдилар. Ўқитувчилар саволлар беришда фақатгина олдиндан маълум бўлган жавобларни олишга интилмадилар.

Чунки ўқитувчи ўқувчилар қандай жавоб беришларини олдиндан билмайди. Худди шундай кутилмаган ҳолатлар муҳокама жараёнига янгилик ва қизиқарлилик руҳини бағишлайди. Чунки ўқитувчи ўқувчиларнинг баён қиладиган фикрларини олдиндан тахмин қила олмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг қадриятли ёндашувлари ҳамда муаммонинг ечимини излаш йўлларини танқид қилиш ўқитувчининг касбий фаолияти доирасига кирмайди. Ўқувчиларнинг ҳиссиётларини муҳокама қилиш ўқитувчи учун кўпгина муаммоларни вужудга келтириши мумкин, чунки бу унинг касбий ахлоқига зиддир. Бундай йўл тутиш ўқувчиларнинг ички дунёсига уларнинг ўзлари истамаган ҳолларда суқулиб кириш, ўқитувчининг касбий обрўйига путур етказади, унинг ўқувчилар назаридан қолишига сабаб бўлади.

Ўқитувчи шунга ишонч ҳосил қилиши керакки, ўқувчиларнинг қадриятлари билан боғлиқ мунозаралар осонгина диспутга айланиб кетиши мумкин. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчиларни ўз қарашлари ва ёндашувларини кенгроқ оммалаштиришга чорлаши керак. Баҳс-мунозара вазиятларида синфдаги барча ўқувчилар бирдай иштирок этишлари шарт эмас. Баҳс-мунозара вазиятларининг самарали кечганлиги унинг якунида фикрлар ва ёндашувларнинг ривожлантирилганлиги билан изоҳланади. Мунозара жараёни якунланиши учун ўқувчилар гуруҳи муайян масалада умумий қарорга кела олишлари керак. Мунозара жараёни самарали кечмаган ҳолларда у баъзи ўқувчиларнинг шарҳларидан иборат бўлиб қолади. Муаммонинг ечимини ифодалайдиган муайян қарор қабул қилинмайди. Бунда алоҳида ўқувчилар ўз қарашларини шакллантирадилар. Лекин, бундай нуқтаи-назарлар мунозаранинг таркибий қисми бўла олмайди.

Оддий баҳс-мунозара вазиятлари тўғридан тўғри эпизодлардан ташкил топган яхлит тизим сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда эпизодлар бир-бирини тақозо қилади, мунозаранинг асосий таркибий қисмлари ривожланмайди. Шу билан бир қаторда, баҳс-мунозара вазиятлари мужассамлашганлик характерига эга. Бу жараёнда баён қилинган ҳар бир фикр муайян характер касб этади. Бунда мунозара якунида иштирокчиларнинг ягона қарорга келганликлари ёки кела олмаганликлари муҳимдир. Энг муҳими ҳар бир ўқувчининг чиқарган ҳукми бир-бирини тўлдириб, ягона, умумий ҳукмнинг баён қилинишидадир.

Бу эса, муаммонинг ўқувчилар томонидан янада чуқурроқ англанишига кўмаклашади. Баҳс-мунозара вазиятларини самарали бошқариш учун ўқитувчи қайси вақтда қандай савол бериш кераклигини яхши билиши лозим. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг нуқтаи назарини чуқур таҳлил қилиши мумкин.

Бугунги кунга қадар баҳс-мунозара вазиятларининг аниқ ишлаб чиқилган модели мавжуд эмас. Бироқ бу борада Суқротона савол-жавоб бир қадар самаралидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Богачинская Ю. С. О диалогическом подходе в воспитании // Гуманизация образования и проблемы развития личности: Сб. науч. Ст. – Волгоград: Перемена, 2000. – С. 71 – 80.
2. Hofstede G. Culturesand Organisations. Harper Collins, 1991.
3. Сафарова Р.Г. Педагогическое сотрудничество как средство повышения качества учебного процесса // Ж. Актуальные проблемы современной науки. 2013. №3.
4. Алланазарова Ш.А. Умумий ўрта таълим жараёнида баҳс-мунозара вазиятларини ташкил этиш методикаси: «Gold print» нашриёти. Т.:-2018. - 108 б.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

З. Ботирова
Фарғона давлат университети
Б. Раджабов
Тошкент давлат маданият ва санъат институтининг Нукус филиали

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, тизимнинг бошқарув тузилмасини ташкил этиш, 5-6 ёшли болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олиш каби катта масъулиятли ва ўта долзарб вазифаларни олдимизга қўйди.

Бу вазифаларни амалга ошириш, таълимни бошқариш, унинг кундалик фаолиятини сифатли ва самарали ташкил этишда раҳбарнинг илмий-методик ва ахборт технологиясидан фойдаланиш бўйича салоҳияти катта аҳамиятга эга. Шундай экан, барча таълим муассасалари раҳбар ходимларини махсус маълумотли кадрлар билан таъминлаш, уларни ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш даражаларини ўстириш, жумладан, мактабгача таълим муассасаларига замонавий компьютер технологияларини киритиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги ахборот асри даврида халқ таълимини исталган йўналиши фаолиятини ахборот технологияларисиз т асаввур этиб бўлмайди. Қайси соҳа бўлишидан қатъий назар, ахборот технологияларини ушбу соҳага тадбиқ этиш давр тақозосидир. Бу

соҳалар қаторига таълим тизимини киритишимиз ва таълим соҳасидаги ислоҳотларни асосий негизини ахборот технологияларидан фойдаланиб амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир. Республикамиздаги узлуксиз таълимнинг бошланғич звеноси бўлган мактабгача таълимда бошқарув тизими фаолиятини назорат қилиш ва ривожлантириш ўзига хос аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, бошқарув тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, таълим сифатини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг талабига айланган. Бошқарув жараёнини маълумотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бошқарув тизимида маълумотлар тегишли қарорлар қабул қилиш учун асос ҳисобланади. Ахборот технологиясидан фойдаланиш бошқарув тизими сифатини оширишда фаолиятни назорат қилишни енгиллаштирибгина қолмай, таълим муассасаси, туман, (шаҳар), вилоят, республика миқёсида тезкор маълумот олиш, ахборотларни узатиш, алмашиш, фойдаланиш, муҳим қарорлар қабул қилишда ҳам асосий омилдир.

Ахборот технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш бошқарув ишларини автоматлаштиришга кенг йўл очиб беради. Нафақат бошқарув органларини автоматлаштириш, балки шу тизим билан боғлиқ таълим муассасаларини ахборот технологиялари билан таъминлашга эришиш фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирча мактабгача таълим муассасаларига замонавий компьютер технологияларини киритиш масаласи очиқ қолмоқда. Таълимни бошқариш, унинг кундалик фаолиятини сифатли ва самарали ташкил этишда раҳбарнинг илмий-методик ва ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича салоҳияти катта аҳамиятга эга. Муаммонинг назарияда ўрганилганлик ҳолати билан танишиш, бу муаммо мактабгача таълим тизимида кенг кўламда тадқиқ этилмаганлигини кўрсатади. Мактабгача таълим тизимини бошқаришда мониторинг хизматини ахборот коммуникацион технологиялари асосида олиб бориш назарда тутилмаган. Мактабгача таълим мутахассислари учун мазкур муаммо юзасидан методик қўлланма ва тавсиялар яратилмаган.

Мактабгача таълимда мониторинг хизмати: мактабгача таълим муассасаси, туман (шаҳар), вилоят ҳамда республика босқичида амалга оширилади. Қуйида мактабгача таълим мониторинг хизматининг муассаса босқичини амалга ошириш йўналишларини келтирамиз:

Муассаса миқёсида мониторинг хизмати

I.Ташкилий ишлар мониторинги

1.Муассаса ҳудудидаги 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни МТМга жалб этиш истиқбол дастурининг бажарилиши.

2.МТМ ҳудудидаги болаларни МТМга жалб этилиши

3.Болаларни мактаб таълимига айёрлаш даражаси таҳлили

4.МТМнинг қувватига нисбатан бола жалб этилиши

5.6-7 ёшдаги болаларни ноанъанавий усулларда мактаб таълимига тайёрлаш таҳлили

6.Маркетинг хизмати

7.Матбуот нашрига обуна масалалари.

II.МТМда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мониторинги

1. МТМ гуруҳларидаги болаларни ривожланганлик даражаси таҳлили
2. Саматик касалланиш таҳлили
3. Болаларни юқумликасалланиш таҳлили
4. Гуруҳлардаги кун тартибининг бажарилиши ойлик, чораклик, йиллик таҳлили
5. Ошхона фаолияти таҳлили

III.Педагогик кадлар салоҳияти таҳлили

1. МТМларнинг педагогик ходимлар билан таъминланганлик даражасининиг таҳлили
2. Педагог ходимларининг сифат таркиби бўйича таҳлили

3. Тарбиячиларнинг педагогик жараёндаги иштироки бўйича таҳлили

4. Педагог ходимларни турли кўрик-танловлардаги иштироки бўйича таҳлили

IV. МТМнинг таълим тарбия-бўйича таҳлили

1. МТМнинг катта ва тайёрлов гуруҳларида касбга йўналтириш бўйича ишлар таҳлили

2. Муассасада болаларни қобилиятига кўра ташкил этилган тўгаракларга жалб этиш ишларининг таҳлили

3. Болаларнинг ДТлари асосида дастур бўлимларини ўзлаштириш таҳлили (чораклик, йиллик)

4. 1-синфга чиққан болаларни ўзлаштириш даражаларининг таҳлили

Қуйида Фарғона тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-сонли мактабгача таълим мисолида муассасасида амалга оширилаётган ишларни ташкилий ишлар мониторинги электрон жадваллар асосида амалга ошириш йўлларини келтирамиз:

Муассаса миқёсида мониторинг хизмати.

I. Ташкилий ишлар мониторингги.

1.1Муассаса ҳудудидаги 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни МТМга жалб этиш истиқбол дастурининг бажарилиши

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар					
		20__		20__		20__	
		Жами	%	Жами	%	Жами	%
1	Муассаса ҳудудидаги 0 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар сони	475	100	464	100	437	100
2	1ёшдан 3ёшгача бўлган болалар сони	130	27,3	159	34,2	153	35,0
3	3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар сони	165	34,7	148	31,1	130	29,7
4	Муассасага тортилган болалар сони	180	37,8	157	33,8	147	33,6
5	3 ёшгача бўлган гурухлардаги болалар сони	65	36,1	45	28,6	40	27,2
6	3 ёшдан 6ёшгача бўлган болалар сони	115	63,8	102	64,9	107	72,2
7	Муассаса худудидаги жами 5ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш	72	43,6	58	39,1	55	42,3
8	МТМда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш	53	73,6	40	68,9	37	62,7
9	Шанба-якшанбалик гурухларидаги болалар сони						
10	Қисқа гурухлардаги болалар сони	18	26,3	18	31,0	18	32,7
11	Махалаларда қошидаги тайёрлов гурухлардаги болалар сони						
12	Мактабларда қошидаги тайёрлов гурухлардаги болалар сони						
13	Оилада (репититорда)ги мактаб таълимига тайёрланаётган болалар сони	475	100	464	100	437	100

1.2.МТМ худудидаги болаларни муассасага жалб этиш

№	МТМ худудидаги болалар сони	МТМга жалб қилинган болалар сони	%
1.	437	147	33,6

1.3.МТМда болаларнинг мактаб таълимига тайёрлаш

№	МТМ	Жами болалар сони	Мактабга чиқадиган болалар сони	%
1	31	147	55	37,4

4.МТМни қувватига нисбатан бола жалб этиш

№	МТМ қуввати	Бола сони	%
31	210	147	70

1.5. Муассаса ҳудудидаги 6-7 ёшдаги болаларни ноанъанавий усулларда мактаб таълимига тайёрлаш таҳлили

МТМда оддий гр.	Қисқа муддатли гуруҳларда	Шанба-якшанба лик гуруҳ ларда	Мактаб қошида	Маҳалла қошидаги Қисқа гуруҳларда	Жами бола сони
37	18				55

1.6.Муассасанинг маркетинг хизмати

МТМ №	Бизнес режаси	Тўпланган маблағ	%
31	200	150	75

Юқорида келтирилган йўналишлар асосидаги таҳлилий жараёнлар замонавий компьютер технологияси асосидаги “Microsoft Office Excel” дастуридан фойдаланган ҳолда электрон жадваллар кўринишида амалга оширилади. Таҳлилий жараёнлар натижалари диаграмма шаклида кўрсатилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, таълим муассасасини бошқариш, унинг кундалик фаолиятини сифатли ва самарали ташкил этишда раҳбарнинг илмий-методик ва ахборот технологиясидан фойдаланиш бўйича салоҳияти катта аҳамиятга эга. Шундай экан, барча таълим муассасалари раҳбар ходимларини махсус маълумотли кадрлар билан таъминлаш, уларни ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаларини ўстириш, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига замонавий компьютер технологияларини киритиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент. 2008 йил. “Таълим тўғрисида“ги Қонун. Тошкент. 1997 йил.
2. И.Каримов: “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”. - Тошкент. “Ўзбекистон”. 1992 йил.
3. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбия муассасаларида таълим-тарбия ишларини режалаштириш”. Қўлланма. Тошкент. 2009 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари.-Т.: 2018 у

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ЯРАТИШНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Доц. Ф. Ў. Ўринова

Фарғона давлат университети.

А. Х. Бекмуратов

Нукус давлат педагогика институти

Янгича таълим моделлари асосида таълим мазмунини янгилашга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши бугунги кунда таълим мазмунини модернизациялаш педагогика, шу жумладан, педагогик-прогностиканинг стратегик аҳамиятга эга бўлган муаммоларидан бири сифатида долзарблик касб этаётганлигида кўринади. Таълим мазмунининг шахсга йўналтирилганлигини таъминловчи йўналишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмокда. Бошланғич таълим мазмунини модернизациялашнинг стратегик йўналишларида қуйидагилар ўз ифодасини топиши керак:

–бошланғич таълим мазмунинг тўлиқ интеграллаштириш. Мазкур мазмунда таълим-тарбия элементлари уйғунлигини таъминлаш;

–умумтаълим мактабларининг юқори синфлари таълим мазмунида ихтисослаштирилган йўналишларни кучайтириш. Шу мақсадда вариатив ўқув дарсликлари мазмунини белгилаш;

–умумий ўрта таълимнинг барча бўғинларида модернизациялашган таълим мазмунига мос тарзда таълим технологияларини танлаш [2.61].

Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштирилган ахборотларни таҳлил қилиш, мустақил билим ола билиш каби кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган технологияларни танлаш. Ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишини кучайтирувчи, топшириқларни бажаришга масъулиятли ёндашувларини қарор топтириш, ўз-ўзини ривожлантириш имконини берувчи ўқув топшириқлари тизимини танлаш лозим.

Маълумки, ёшларнинг келажакда ижтимоийлашуви ва маънавий камол топишида дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аҳамияти бениҳоят каттадир. Бугунги кунда бошланғич таълимнинг асосий мақсади ҳам ўқувчиларни ақлий жиҳатдан ривожлантириш, мустақил фикрлашга ўргатиш ва ижобий фазилатларни шакллантиришга қаратилган экан, дарсликдаги маълумотлар ҳам худди шу мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўқув машғулотларини ташкил этишда дарслик асосий ўринни эгаллайди. Чунки, ўқитувчи-мураббийлар ҳам, ўқувчилар ҳам ўзлари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни биринчи навбатда дарсликдан оладилар. Шундай экан, ҳозирги замон янги авлод дарсликларига бир қатор талаблар қўйилади. Профессор Р.Ғ.Сафарова мазкур талабларни қуйидагича кўрсатади:

–дарсликдаги ўқув материали мазмунига қўйиладиган талаблар;

–дарсликка қўйиладиган дидактик талаблар;

–дарсликка қўйиладиган методик талаблар;

–дарсликнинг полиграфик ҳолатига қўйиладиган талаблар[2.121].

Таълим мазмунини янгилаш стратегияси ўқитиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда белгиланади. Ўқув жараёни самарадорлиги эса таълим натижаларининг сифат кўрсаткичлари билан кафолатланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янгиланган таълим модели имкон кадар кўпроқ ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кириши лозим. Шунинг учун ҳам таълим мазмунининг мунтазам бойитилиб, модернизациялаб борилиши ўқувчилар ўқув фаолиятинннг юқори даражадаги мотивацияси шаклланишига ёрдам бериши керак. Бунда ўқувчиларнинг ўқув фаолияти натижасини баҳолаш тизими, асосан, расмий, ижодий, интеллектуал характердаги ўқув материалининг ўзлаштирилишини кўзда тутади. Ўқув материаллари эса асосан ўқув адабиётлари орқали ўқувчига етказилади.

Фақатгина маҳсулдор, репродуктив метод ва усулларнинг уйғунлаштирилиши натижасидагина ўқувчилар ўқув билув жарёнида таълим мазмунининг асоси, негизини самарали ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Таълим мазмунининг максимум даражасида мужассамлаштирилган билимлар эса ўқувчининг мунтазам ривожланишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ўқув адабиётларида тақдим этилган машқ, масалалар, савол ва топшириқларда

репродуктив, маҳсулдор методлар ҳамда усуллар узвий алоқадорликда татбиқ этилиши лозим.

Биз сўнгги пайтларда индуктив дарслик ёки дедуктив дарслик атамаларига тез-тез дуч келмоқдамизки, бу муаммога илмий ёндашиладиган бўлса, алоҳида тарзда индуктив дарслик, репродуктив ёки маҳсулдор дарслик бўлмаслигини кузатиш ва таҳлиллар яққол кўрсатмоқда.

Истиқболда таълим мазмунини прогнозлаш натижалари шуни кўрсатадики, ўқув адабиётларини яратиш назарияси соҳасидаги кўп йиллик изланишлар таҳлили юқорида кўрсатилган тарзда ўқув адабиётларини таснифлаш мумкин эмаслигини асослаш имконини берди. Бир-бирини тақозо қилувчи бундай методлар асосида турли мантиқий операцияларни таълим жараёнида бажартириш имконияти яратилади. Бу эса, таълимнинг демократик моделини татбиқ этишнинг энг асосий шартидир. Натижада ўқувчини интеллектуал ривожлантириш имконияти вужудга келади.

Индуктив, маҳсулдор, дедуктив дастур, ўқув адабиётлари ёки машғулотлар тарзида ўқув жараёни, унинг мазмунини таснифлаш истиқболда таълимнинг демократик моделини яратишга тўсқинлик қилади. Ўқувчи шахсини турли ривожлантиришнинг дидактик имкониятларини ҳисобга олмаслик, аниқроғи уни билмаслик натижасида келиб чиққан бир томонлама ёндашув маҳсули сифатида ўқувчи шахси нотўғри ривожланади.

Педагогик кузатув ва тадқиқотларга кўра ўқув – билув жараёнини ўқувчига таълим бериш ҳаракатлари асосан ўқув материалининг қурилишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда илгари ўзлаштирилган материалларга билимларнинг янги даражалари нуқтаи назаридан ёндашиш имкониятлари ҳам мавжуд. Шунга кўра ўқув адабиётлари ўқувчиларга ўқув жараёнининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган савол ва топшириқлар тақдим қилиниши, улардаги гендер тенглик ва гендер фарқларга риоя этилиши лозим бўлади. Ҳар бир ўқув курси мазмунида ўзаро интеграллашган ўқув курсларининг вазифаларини ҳал қилишни назарда тутган ҳолда дидактик воситаларни танлаш керак. Бунда ўқувчиларнинг умумий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув материаллари мазмунини уйғунлаштириш талаб этилади. Интеграциялашган ўқув материаллари эса ўқувчиларда ўз имкониятларига бўлган ишончни қарор топтиради. Ўқув адабиётларида ўқув материаллари билан кўп миқдордаги иллюстрациялар мазмунини интеграциялашга эришиш таълим жараёнида руҳий қулайликни вужудга келтиради.

Ўқув адабиётлари ўзининг мазмуни, методик вазифасига кўра далилий материалларни эслаб қолиш ва хотирада мустаҳкамлашгагина хизмат қилмай, баён қилинаётган воқеа-ҳодисалар, предметнинг моҳиятини англаш, уларнинг содир бўлиш сабаби ва оқибатлари ҳақида мушоҳада юритишга ўргатиши зарур.

Айни пайтда замонавий, сифатли ўқув адабиёти қуйидаги асосий мезонларга жавоб бериш шарт:

– ўқув материалининг кўргазмалилиги, уни баён қилиш шакллари ва методларининг уйғунлиги;

– ўқув топшириқларини етказиш учун қулай бўлиши;

– материални баён қилишда узвийликнинг таъминланиши;

– ўқувчиларнинг индивидуал, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаётий материаллардан фойдаланиш.

Бошланғич таълимда юқорида келтирилган далилларга асосланган ҳолда “Она тили”, “Ўқиш” ҳамда “Табиатшунослик” каби предметлар бўйича бериладиган ўқув материаллари орасида интеграция ва изчилликни таъминлаш лозим. Шу билан бир қаторда бошланғич синф ўқувчилари учун танланадиган ҳар бир ўқув материали: машқ, матн, шеър, топишмоқ, ҳикоя ёки тарихий ҳамда географик маълумот берувчи мақолаларнинг ўқувчиларга янги билим ва ахборот бериши, шу асосда уларнинг тафаккури, дунёқараши, нутқи, мантиқий мушоҳадаси, ижтимоий ахлоқи, муомала ва

кийиниш маданияти, диди, нафосати, ҳис эта олиш қобилиятиларини ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш лозим. Шундагина бошланғич синф ўқувчиларини узлуксиз ривожланиши учун қулай педагогик имконият вужудга келади. Ўқув материалларини давлат таълим стандартлари талаблари ва ўқувчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларига мос равишда танлаш натижасида ўқув дарсликлари ва дастурларидан ортиқча эскирган ўқув материалларини чиқариш, уларни истиқболга йўналтирилган янги дидактик воситалар билан бойитиш имконияти туғилади.

Ўқув адабиётларини яратишда республикамизда орттирилган бой тажрибалар билан бир қаторда, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари татбиқан ўрганилиб, улардан фойдаланиш усуллари ёритилмоқда. Жумладан, халқ таълими тизимида замонавий дарсликлар яратиш бўйича Осиё Ривожланиш Банки (ОРБ), Британия Кенгаши, Германиянинг Гёте институти билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Тақдим этиладиган ўқув материалларининг интерактив методлар, техник воситалар билан уйғунлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ўқувчининг узлуксиз ривожланиши ўқув коммуникатив ҳаракатларнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқдир. Бунинг учун ўқувчида китоб билан ишлаш кўникмаси шаклланмоғи лозим. Шундагина уларнинг эгаллаган билимлари мустаҳкам ва сифатли бўлади. Ўқув қўлланмада биринчи навбатда, ўқувчи яшаётган муҳит акс этиши керак. Чунончи, математика дарсликларида бу муҳит сенсор эталонлар, ўқиш ва она тили китобларида эса қадимги дунё эртаклар олами кабилар мисолида акс этади. Буларнинг барчаси ўқувчининг билим сифатини кўтаришга имкон беради. Ўқувчилар билан ўзаро ҳаракатни моделлаштиришни амалга ошиши бевосита педагог – аналитик, башоратчи, турлича омилларни ва ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини олиб бориш шартларини ҳисобга оладиган, нафақат модел яратувчилик қобилиятига, балки ўз ижодий имкониятларидан ва ўрганувчиларнинг ички интеллектуал кучларидан амалиётда сифатли фойдаланиш маҳоратга эга бўлиш керак.

Ҳозирги кунда бошланғич таълим учун тузилган дарсликлар замонавий эҳтиёжларга ҳам жавоб бериши билан бир қаторда, давр талаби билан ҳамнафас бўлиши талаб этилмоқда. Жумладан, дарсликлар ўқувчиларда мустақил ишлаш фаолиятига оид кўникмаларни шакллантириши, уларнинг эркин, ижодий фикрлашларини ривожлантириши, таълимнинг турли хил методикаларини тақдим этиши, олинган билимларни кундалик амалиётга тадбиқ эта олиши ва бошқалар.

Шунингдек, дарсликларда ўқувчиларни билимларни ўзлаштиришга йўлловчи топшириқлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу топшириқлар муайян тавсифномага жавоб бера олиши кўзда тутилади:

– у етарли даражада мураккаб бўлиб, ўзида ўқувчиларни нотаниш тузилмалардан фойдаланишга йўлловчи янги вазиятни ифодалаши, ҳамда айни вақтда ўқувчиларнинг кучи ва имкониятига мос бўлиши керак ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтилса, улардаги мавжуд билимларни янада кенгайтириши;

– ўқув вазияти имкониятидан келиб чиқиб, топшириқ ўқувчига яқин бўлган дидактик масалалар асосида белгиланиши;

– у ўқувчиларни таълимнинг асосий мақсадига элтувчи йўлга йўналтириши;

– топшириқнинг шакли эса ихчам бўлиб, мақсад ва унга эришишнинг йўллари аниқ баён қилиниши зарур [2.75].

Дарсликларда ўқувчиларни билимларини ўзлаштиришга тайёрлаш машқлари ҳам мавжуд. Улар ўқувчилардаги мавжуд билимлар билан янги материал ўртасидаги алоқани юзага келтириш имконини берувчи илк машқлардир.

Бундан ташқари, ҳар бир дарсликнинг ўзига хос мақсади ва вазифалари мавжуд. Масалан, бошланғич синфларнинг «Ўқиш китоби» дарслиги ўқувчиларда ўқиш кўникмаси ва малакаси, матн юзасидан иш олиб бориш ҳамда нутқ кўникмаларини ўргатади. Ушбу дарслик «Алифбе» дарслигининг бевосита давоми ҳамда уни

тўлдирувчиси ва бойитувчи ҳисобланади. Таълим олувчилар «Алифбе» дарслигидан ўрганган ҳарфлар воситасида сўзлар тузадилар, кичик (атиги бир неча сўзлардан иборат) матнларни ўқий бошлайдилар. «Ўқиш китоби» дарслиги билан ишлаш жараёнида улар матнларни мустақил ўқий бошлайдилар, шеърлар ёд оладилар. Шу тариқа ўқувчиларда саводхонлик билим, кўникма ва малакалари бойиб боради. Бундай ўқувчилар ҳар жиҳатдан ҳам руҳий, ҳам қалбдан дунёни, ўзлигини тўлиқ англай олади, мустақил ва эркин фикрлайди ҳамда тўғри хулоса чиқара олади.

Бошланғич синфларнинг ҳар бир дарслиги орасида изчиллик бўлиши, ўқув материаллари аста- секин мураккаблашиб бориши, юқори синф ўқув адабиётлари билан узвий боғлиқ бўлиши ҳамда муайян истиқболга қаратилган бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор ёшларни нимага ва нимани ўқитишни аниқлаб олишга қаратилади.

Дарсликнинг муҳим жиҳати шундаки, у ўқувчиларга муайян даражадаги билим, кўникма ва малакаларни сингдириб уларни кратив фикрлашга хизмат қилади. Бошланғич синф дарсликларидаги ҳар бир шеър, масал, эртак, ҳикоялар ўқувчилар учун қизиқарли бўлиб, бир мақсадга, яъни, жамиятда баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиши, шу билан бир қаторда, улар ўқувчиларда руҳан тетиклик, ақлан комиллик, ахлоқан покликни таъминлаши лозим. Бир сўз билан айтганда, таълимнинг асосий ўқув воситаси сифатида дарсликларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Адабиётлар:

1. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. – Тошкент: Шарқ, 2013.

2. Р. Сафарова ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари.-Тошкент, Фан, 2005.

3. Мусаев П. Замонавий дарслик моделининг моҳияти. – Т, 2001.

4. Яковлева Н.О. Проектирование как педагогический феномен // Педагогика. 2002, № 6.

ОРГАНИЗАЦИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Юлдашева Гулшад Тилеуовна.
Чирчикский государственный педагогический институт
Ещанова Шадыгул Бекбергеновна
г. Нукус, Школа № 37.

Процесс творчества рассматривается как продуктивный процесс личностного роста и психического развития, обеспечивающий возможности открытия окружающего мира и самовыражения личности через творчество, актуализацию жизненного и литературного опыта, как потребности в поиске, возможности развертывания исследовательской активности, направленный на использование знаний в нестандартной ситуации, поиски и открытии нового; выражение нового как решение проблемы в форме художественного интеллектуального и вещественного продукта. В результате решения продуктивных задач создается система внутренней стимуляции самого широкого спектра взаимодействий, отношений, общения; система внутренних мотивов переориентирует процесс решения репродуктивных учебных задач за счет сознания целостного смыслового поля в пространстве творческих взаимоотношений. Использование продуктивных задач возможно на любом из этапов урока и после уроков в зависимости от задумки учителя. При решении продуктивных задач приоритетной становится групповая работа, так как побуждение ребенка к сотрудничеству со взрослыми и со сверстниками вместе с тем побуждение

к максимальной мобилизации и актуализации личного опыта дает возможность решать продуктивную задачу группы учащихся, задачу, которую не под силу решит одному ребенку. А учителю при этом нужно быть хорошим режиссёром и организатором групп, потому что удачно сформированная группа-50 % успеха в решении продуктивной задачи. Следовательно, процесс формирования группы не просто прихоть учителя, а сознательный акт, направленный на улучшение качества работы. Творческий опыт должен быть нормальной составляющий того целостного личного опыта, который приобретает человек в образовательном процессе.

В основе сегодняшнего представления об эффективности образования лежит следующее положение: человек усваивает 10 %-информации при чтении; 20 %-на слух; 30 %-наглядно; 40 %-на слух и визуально; 60 %-при устном обсуждении темы; 80 %-при самостоятельном поиске и формирование проблемы; 90 %-при самостоятельном формировании и решении проблемы Значит, эффективнее всего учится делать что-то своими руками, а не по готовым рецептам. Что же касается информации, то её можно получить из других источников.

Мы живем в мире расширяющейся системы массовых коммуникаций, «информационного» взрыва. Соответственно, цель образования — формирование «личности, способной читать, анализировать, заниматься творческой работой. Поэтому использование инновационных технологий в учебном процессе является актуальной проблемой современного образования.

В проекте модернизации главная задача образовательной политики сформулирована как обеспечение современного качества обучения на основе сохранения его фундаментальности и соответствия актуальным и перспективным потребностям личности, общества и государства.

Среди принципов модернизации образования указаны: информатизация образования и оптимизация методов обучения; активное использование технологий открытого образования; углубление интеграционных и междисциплинарных программ, соединение их с «прорывными» высокими технологиями.

Цель данной статьи — определить место информационно-коммуникационных технологий в решении поставленных образовательных задач. Обобщить и систематизировать накопленный материал по использованию информационно-коммуникационных технологий на занятиях литературы. Предложить вариант методики использования информационно-коммуникационных технологий.

Задачи исследования —усилить практическую ориентацию и инструментальную направленность высшего образования, что означает: достижение оптимального сочетания фундаментальных и практических знаний; направленность образовательного процесса не только на усвоение знаний, но и на развитие способностей мышления, выработку практических навыков; изучение процедур и технологий, а не набора фактов; расширение различного рода практикумов, интерактивных и коллективных форм работы; привязка изучаемого материала к проблемам повседневной жизни и т. д. Изменить методы обучения, расширив вес тех из них, которые формируют практические навыки анализа информации, самообучения.

Повысить роль самостоятельной работы студентов. Обеспечить в университете необходимую базовую подготовку студентов по основным направлениям применения информационно-коммуникационных технологий, введение которых связано с необходимостью подготовки студентов к использованию их как средства повышения эффективности познавательной и практической деятельности студентов при изучении русского языка и литературы. Решить эти задачи позволяет использование разных форм организации образовательного процесса: это и активные формы занятий (исследование, конференция, защита проектов); и методы и приемы работы, активизирующие деятельность студентов; и выполнение студентами исследовательских заданий, творческих работ; и система дополнительного

образования студентов, когда решаются нестандартные задачи в поисковом режиме. Методы исследования.

Анализ программ курса информатики показывает, что студенты сегодня готовы к занятиям самых разных дисциплин, в том числе по русскому языку и литературы с использованием информационно-коммуникационных технологий. Для них не является новым и неизвестным ни работа с различными редакторами (например, с Word, Excel, Paint, PowerPoint), ни использование ресурсов Интернета, ни компьютерное тестирование. На занятиях информатики студенты получают как представление о возможностях тех или иных информационно-коммуникационных технологий, так и конкретные практические умения. Следовательно, применение знаний и умений, полученных на занятиях по информатике, необходимо и на других предметах для обеспечения единого подхода к решению предъявляемых университету задач. Для использования информационно-коммуникационных технологий, необходимо чтобы преподаватель умел:- обрабатывать текстовую, цифровую, графическую и звуковую информацию для подготовки дидактических материалов (варианты заданий, таблицы, схемы, рисунки), чтобы работать с ними на занятиях;- создавать слайды по данному учебному материалу, используя редактор презентации PowerPoint и демонстрировать презентацию на уроке;- использовать имеющиеся готовые программные продукты по своей дисциплине;-применять учебные программные средства (обучающие, закрепляющие, контролирующие);- осуществлять поиск необходимой информации в Интернете в процессе подготовки к аудиторным и внеаудиторным (СРС, СРСП) занятиям;-организовывать работу со студентами по поиску необходимой информации в Интернете;-самостоятельно разрабатывать тесты или использовать готовые программы-оболочки, проводить компьютерное тестирование. Опираясь на имеющиеся у студентов навыки, преподаватель постепенно вводит в свои занятия следующие формы информационно-коммуникационных технологий:- начиная с 1-го курса можно применять формы, требующие от студентов специальных знаний информационно-коммуникационных технологий, например компьютерные формы контроля (тесты).

В этот период преподаватель может проводить и занятия на основе презентаций, созданных им самим или студентами.- со 2-го курса можно практиковать работу с мультимедийными учебными пособиями по литературе на разных этапах подготовки и проведения занятия. Но в этот период диски по предметам и электронные энциклопедии воспринимаются студентами в основном как источники информации.

На нашей кафедре на занятиях по русскому языку и литературе студенты освоили программу PowerPoint. Это позволяет строить занятия на основе защиты СРС, СРСП студентов с использованием информационно-коммуникационных технологий. С помощью Word студенты учатся оформлять свои рефераты и исследования. На этом этапе важно, чтобы и преподаватели придерживались единых требований к оформлению студенческих работ. Информационно-коммуникационные технологии дают возможность студентам совершенствоваться и самоактуализироваться, размещать творческие и исследовательские работы в Интернете, защищать исследовательские и творческие работы с обязательным мультимедийным сопровождением, получать дополнительную информацию по интересующему вопросу через общение при помощи электронной почты, on-line, видеоконференций и др.

На данном этапе преподаватель — уже лишь помощник студентов, дающий возможность в полной мере проявлять и развивать их потенциал. На занятиях по литературе наиболее распространены такие формы информационно-коммуникационных технологий

Работа с мультимедийными пособиями дает возможность разнообразить формы познавательной деятельности на занятиях за счет одновременного использования иллюстративного, статистического, методического, а также аудио- и видеоматериала.

— Занятия с использованием компьютерной презентации — это и занятия объяснения нового материала в диалоговом режиме, и лекции, и семинарские занятия, и научная конференция, и защита курсовых проектов, и интегрированное занятие, и презентация, и дискуссия.

Защита курсовых и дипломных работ — уникальный способ реализации творческого потенциала студентов, способ творческого преломления их знаний и умений на практике.

Использование информационно-коммуникационных технологий подобного типа — одна из форм презентации материала, способ активизации слушателей, отражение структуры выступления. Занятие с использованием компьютерных форм контроля предполагает возможность проверки знаний студентов (на разных этапах занятий, с разными целями) в форме тестирования с использованием компьютерной программы, что позволяет быстро и эффективно зафиксировать уровень знаний по теме, объективно оценивая их глубину (оценку выставляет компьютер). Во всех случаях информационно-коммуникационные технологии выполняют функцию «посредника», «который вносит существенные изменения в коммуникацию человека с окружающим миром» [2, 4–8].

В результате преподаватель и студент не только овладевают информационными технологиями, но и учатся отбирать, оценивать и применять наиболее ценные образовательные ресурсы, а также создавать собственные медиатексты. На занятиях по литературе особо востребован прием яркого образного начала, для развития эмоциональной и интеллектуальной отзывчивости студентов. Живопись и музыка делают занятие живым, создают доверительную и комфортную атмосферу в аудитории, позволяют студентам настроиться на изучение творчества того или иного автора, вводят произведение в культурно-исторический контекст. Фотографии, портреты в единстве со словом преподавателя создают образ писателя; иллюстрации к текстам помогают представить персонажей произведения. Но преподавателю часто не хватает необходимого наглядного материала и оборудования для размещения имеющегося. На помощь приходят информационно-коммуникационные технологии.

Владея информационно-коммуникационными технологиями, преподаватель имеет возможность создавать и хранить дидактические материалы к занятиям (проверочные работы, раздаточный и иллюстративный материал). В зависимости от уровня аудитории, поставленных перед занятием задач единожды набранный вариант заданий может быстро модифицироваться (дополняться, сжиматься). Кроме того, распечатанные дидактические материалы выглядят более эстетично.

С появлением мультимедийных материалов (интерактивных CD-дисков) по литературе, истории и мультимедийных художественных комплектов (вместе с новыми компьютерными классами) открылась возможность включения в занятия фрагментов видеолекций. Например, при изучении творческих методов на занятиях по истории зарубежной литературы используются мультимедийные материалы с диска «Художественная энциклопедия западноевропейского искусства» («Классицизм», «Барокко», «Романтизм»), студенты могут самостоятельно получать биографическую и историографическую информацию в интересной современной форме. Совмещение видео-, аудио- и текстового материала, комплексное освещение темы обеспечивают более глубокое погружение в материал, способствуют его творческому осмыслению, повышают мотивацию учения.

Однако сложность технической организации такого занятия, большие временные затраты только на один вид работы свидетельствуют о необходимости поиска новых форм использования данного материала с большим эффектом. Одной из форм является работа с презентацией.

Презентация — форма подачи материала в виде слайдов, на которых могут быть представлены таблицы, рисунки, иллюстрации, аудио- и видеоматериалы. Для того чтобы создать презентацию, необходимо сформулировать тему и концепцию занятия, определить место презентации на занятии. Если презентация станет основой занятия, то необходимо выделить этапы, четко выстроив логику рассуждения от постановки цели к выводу. В соответствии с этапами занятия определяем содержание текстового и мультимедийного материала (тексты, таблицы, иллюстрации, аудио- и видеофрагменты). И только после этого создаем слайды, в соответствии с планом занятия, в программе PowerPoint.

Для большей наглядности можно ввести настройки, демонстрации, презентации. Можно также создать и заметки к слайду, отражающие переходы, комментарии, вопросы и задания к слайдам и материалам на них, т. е. методическое оснащение презентации занятия. Специфика подготовки занятия-презентации, безусловно, определяется типом занятия. В нашей практике используются: лекционные занятия, занятия анализа художественного текста, обобщающие занятия.

В работе с презентациями осуществляется индивидуальный подход к обучению, активнее идет процесс учения, развивается литературное, историческое, научно-естественное мышление.

Выводы. На первое место в информационную эпоху выходит «аудиовизуальная культура». Уже выросло поколение, для которого компьютер включен в бытовую сферу, формирующую, наряду с телевизором, сознание буквально с рождения.

Соответственно информационно-коммуникационные технологии в образовательном процессе становятся одними из главных посредников в формировании нового типа личности, готовой воспринимать и понимать аудиовизуальный язык.

Информационно-коммуникационные технологии не только отвечают нуждам педагогики в развитии личности, но и расширяют спектор методов и форм проведения занятий со студентами. Обучение с помощью информационно-коммуникационных технологий, в первую очередь, — исследовательский процесс: обеспечивается активное участие преподавателя и студента в поиске, структурировании и оценке информации. Решить эти задачи позволяет использование разных форм организации образовательного процесса: это и активные формы занятий (исследование, конференция, защита проектов); и методы и приемы работы, активизирующие деятельность студентов; и выполнение студентами исследовательских заданий, творческих работ; и система дополнительного образования студентов, когда решаются нестандартные задачи в поисковом режиме.

Литература:

1. Бородай А. А. Уроки на интерактивной основе: Методическая разработка. — Днепропетровск,2002. 96 С.

2. Раджабов Б.Ш.. Возможности и преимущества информационных технологий в образовательном процессе. ТУИТ.2010.

3. ТУИТ.5-часть.Информационные технологии в образовательном процессе: Методические материалы. — Ташкент, 2015. 120 С.

UZLIKSIZ TA`LIMNI RIVOJLANTIRISHDA, BOSHLANG'ICH TA`LIM METODIKASI VA TEXNOLOGIYASINING O'RNI

Аллаёрова Дилрабо., Қултоев Шавкат., Холмирзаева Дилрабо.
Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани 9-мактаб ўқитувчилари

Beshikdan to qabrgacha ilm izla
Hadisdan

Ilm insonlarni yorug‘likka yorqin kelajakka eltuvchi nurdir. Ilm bilan insonlar yuksaklikka parvoz qiladi desak mubolag‘a qilmagan bo‘lamiz. Insoniyat paydo bo‘lgandan buyon atrofni bilishga, uning sir–sanoatlaridan habardor bo‘lishga intilgan.Chunki insonda ongni rivojlanishi shuni taqozo qilgan. Ilm olish ushun, albatta, maktablar kerak bo‘lgan. Dastlabki maktablar eramizdan bir necha ming yillar oldin Misrda paydo bo‘lgan. Shu jumladan o‘zbek ta`lim tizimining taraqqiyoti ham ko‘p asrlik tarixga ega. O‘zbekiston hududida hukm surgan Turk hoqonligiga doir tarixiy manbalarda bolalarni maktablarda bilim olganliklari haqida ma’lumotlar bor. Movarounnahrning arab xalifaligi tomonidan istilo qilinishi jarayonida bosib olingan hududlarda, jumladan O‘zbekiston yerida maktabxonalarda, madrasalarda, Qur’on asoslari, hadislar o‘rganilganligi haqida ma’lumotlar bor (O‘z.Res.ensiklopediyasidan). VII-IX asrlarda Markaziy Osiyo xalqlarining dunyoqarashi va turmushi tubdan o‘zgargan. O‘sha vaqtlarda maktablarda mashg‘ulotlarni dastlab musulmon arablar o‘tkazardi. Keyinchalik tub millatlarning qobiliyatli kishilaridan o‘qituvchilar tayyorlana boshlandi va IX asrda islom bazasida milliy maktablar tashkil topdi. Xorazmiy, Marvaziy, Xosib, Javhariy, Ja’far va boshqalar Markaziy Osiyoda matematika, geometriya, astronomiya, tibbiyot, falsafa fanlari haqidagi bilimlarni tarqatuvchilari sifatida faoliyat ko‘rsatganlar. O‘sha paytlardagi buyuk mutafakkirlarning asarlarida o‘qitish va tarbiyalashni to‘g‘ri tashkil qilishning muhimligi qayta-qayta ta’kidlangan. Masalan, Beruniy maktabida o‘rganilishi lozim bo‘lgan fanlar qatorida matematika, tabiatshunoslik, fizika, kimyo, falsafa, mantiq, til va hakozalarning muhimligini qayta-qayta ta’kidlagan. U ta`limning eng zaruriy tarkibiy qismlari deb quyidagilarni ifodalagan: 1. Aqliy va axloqiy tarbiya. 2. Estetik tarbiya va mehnat tarbiyasi. 3. Oila tarbiyasi. 4. Do‘stlik tarbiyasi va baynalmilal tarbiya. Ibn Sino oilaning shaxsni kamol topishida roli muhimligini, bolalarni tug‘ilgan paytida tarbiyalash, avvalo, ularga chiroyli ism qo‘yishda ota-ona va kattalar ibrat ko‘rsatishi zarurligini uqtiradi. Buyuk olimning fikricha,bolalarga olti yoshdan boshlab qo‘llaridan keladigan mas’uliyatli vazifalarni yuklashi lozim.Ibn Sinoning o‘qituvchi–tarbiyachining umumiy ijtimoiypsixologik qiyofasini ta’riflab, uning jur’atli,halol,tarbiya ko‘rgan, har tomonlama tayyorlangan, bilimdon, namunaviy inson bo‘lishi kerakligini; bolalarni sevishi va hurmatlashi, yaxshi ishlari uchun o‘z vaqtida rag‘batlantirishi,nojo`ya qiliqlari ushun o‘z vaqtida jazolashi zarurligini uqtiradi. U Ta’limda jismoniy sog‘lomlashtirish ishlarini muntazam ravishda amalga oshirish kerakligini alohida ta’kidlagan (23;19-20). O‘zbekiston hududida rus istilochilari bosib olgunga qadar o‘qitish va tarbiyalash ishlari tabaqali yo‘nalishda amalga oshirilgan.

Hukmron sinflar bolalari mufti va mudarrislar boshchilik qilgan madrasalarda ta’lim olgan. Kambag‘al aholining bolalari uchun ta’lim, asosan, maktablarda amalga oshirilgan bo‘lib, o‘qitish jarayoni diniy maqsadlarga bo‘ysungan. Bunday maktablar masjidlarda, qabristonlardagi jilovxonalarda, xususiy uylarda ochilgan. O‘g‘il bolalar va qiz bolalar alohida ilm olganlar. O‘g‘il bolalar maktabxonalarda so‘ng madrasalarda tahsil olgan. Qizlarni otinoyilar uylarida o‘qitgan. Mashhur shoira Jahon otin Uvaysiy ham uyida qiz bolalarni o‘qitgan. Tekshirishlarga ko‘ra, inson axborotlarning 70 foizini 5 yoshgacha bo‘lgan davrda olar ekan. Shunday ekan, avvalo, bolalarni ilmli bo‘lishlarida uning tug‘ilib o‘sgan oilasining o‘rni juda muhimdir. Bu haqida O‘zbekiston Respublikasining birinchi prezidenti I.A.Karimov ham ta’kidlab o‘tgan: “Har qaysi millatning o‘ziga xos ma’naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda hech shubhasiz, oilaning o‘rni va ta’siri beqiyosdir”. Demak, ota-ona ilmli bo‘lsa, bola ham ilm olishga intiladi. Buni biz buyuk shoir Alisher Navoiyning hayotida ko‘rishimiz mumkin. Ilmli insonlar orasida o‘sganligi uchun u 5 yoshida she’r yozgan: Orazin yopqoch ko‘zimdin shochilur har lahza yosh Bo‘ylakim paydo bo`lur yulduz nihon bo‘lg‘och quyosh. Yuqorida aytib o‘tganimizdek, Turk hoqonligida ham bolalar 5 yoshda o‘qish va yozishni o‘rganganlari haqida ma’lumot bor (O‘z.Res.Ensiklopediyasi).

Olimlarni tekshirishicha bolaning ongi ham 5-7 yoshda shakllanadi. Bu asosan ,boshlang’ich tarbiya yoshi hisoblanadi. Shuning ushun bu davrda oila, bog‘cha va maktab

hamkorlikda ish olib borishi juda zarur. “Har qaysi ota-ona, ustoz va murrabiy har bir bola timsolida, avvallo, shaxsni ko‘rishi zarur“(I.Karimov ”Yuksak ma’na viyat yengilmas kuch“). Bir necha yillar boshlang’ich tarbiya muassasalariga e’tibor susayib ketgan edi. Chekka qishloqlarda boshlang’ich Ta`lim muassasalari yopilib ketgan, borlarida ham o‘rta ma’lumotli yoki ma’lumotsiz kadrlar ishlayotgan edi. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev boshlang’ich ta’limga juda katta e’tibor qaratdi. Shu jumladan, boshlang’ich ta`lim yo‘nalishida talabalar 3 yil o‘qishlari bunga yorqin misoldir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PQ-3305-son “O‘zbekiston Respublikasi Boshlang’ich va maktabgacha ta’lim muasassalari vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi. Prezidentimizni bu qarorlari natijasida boshlang’ich yoshdagi bolalarni 40,5% boshlang’ich ta`lim tashkilotlariga jalb etilishiga muvofiq bo‘lindi.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tashabbuslari bilan kitobxonlikka katta yo‘l ochib berildi. Chunki kitob o‘qimasdan bilimli bo‘lib bo‘lmaydi. Ilmsiz inson esa johil bo‘lib, taraqqiyotdan orqada qolib ketadi. Buni biz Mahmudxo‘ja Behbudiyning “Padarkush” dramasida ko‘rishimiz mumkin. Bu asar 1911-yilda yozilgan bo‘lsa-da, hozir ham o‘z kuchini yo‘qotmagan. Bu asarda bir boy bolasini o‘qitmaydi. O‘qimagan bola katta bo‘lgach, yomon yo‘lga kirib, o‘z otasini o‘ldirgani haqida hikoya qilinadi. Bu asarda ilm haqida shunday deyilgan: “…ilm-u va hunarsiz xalqni boyligi, yer-u va asbobi kundan-kun qo‘lidan ketgandek, axloq va obro‘yi ham qo‘ldan chiqar hatto dini ham zaif bo‘lur”. Behbudiy xalqni diniy va dunyoviy bilimlarni egallash kerakligini ta’kidlaydi. Bilimsizlik hamma zamonlarda ham insonni jaholatga yetaklaydi. Men bu asarni ota-onalar o‘qib, ibrat olishlarini tavsiya qilaman. Ular farzandlarining ilm olishiga mas’uliyatsizlik bilan qarasalar, dramadagi boyning ahvoliga tushib qolishlari mumkinligini his qilishlari kerak. O‘quv maskanlariga ota-onalar tez-tez kelib, mashg‘ulot va darslarda ishtirok etishlari kerak.

Hozirgi vaqtda ota-onalar har xil bahonalar bilan kelishmaydi. Shuning uchun haftada bir marta yoki bir oyda bir marta ota-onalar kunini tashkil etish kerak. Ota-onalar bilan quyidagi tartibda ish olib borish kerak: 1. Ota-onalarni qabul qilish. 2.Ularni darslarga yoki mashg‘ulotlarga olib kirish. 3.Kutubxona va oshxonaning ishlarini kuzatish 4.Kutubxonaga kitob sovg‘a qilishlarini taklif qilish. 5.Ota-onalarga kitob o‘qishlarini tavsiya qilish. Uyda ota-ona kitob o‘qisa, bola ham o‘qiydi. Farzandlari uchun fanlarga oid kitoblarni o‘qish yaxshi natija beradi. Shunda uy vazifalarini farzandlariga tushuntirib bera olishadi. Ta`lim jarayoni-tarbiyachi va bolalar faoliyatining yig‘indisidan iborat. Bu jarayon o‘qituvchi tomonidan ma’lum bir maqsadga yo‘naltirilgan bo‘ladi, doimo dinamik tarzda o‘zgarib boradi.Ta’lim davomida o‘quvchilarning shaxsiy xislatlari shakllantiriladi va rivojlantiriladi.

Ta’lim jarayonlarining asosiy vazifasi ilmiy haqiqiatlarni ijodiy o‘zlashtirish orqali yuz beradi. Bilim turlari, o‘rganilayotgan ob’yektlar bevosita ko‘rish yo‘li bilan emas, balki o‘qituvchining hikoyasi, tasvirlab berishi orqali idrok etish yo‘li bilan egallanadi. O‘quv jarayonini harakatlantiruvchi kuchlar qarama-qarshiliklar birligi va ularning o‘zaro kurashidan iborat. Bunga to‘xtovsiz ravishda mukammallashtirishga muhtoj bo‘lgan jarayonning muhim holatlari orasidagi qarama-qarshiliklar misol bo‘la oladi. Bulardan tashqari, o‘quv jarayonining ichki o‘ziga xos qarama-qarshiliklari mavjuddir. O‘quvchilarning o‘zlashtirishi va ko‘nikmalar hosil qilishi bilan ushbu ehtiyojlarni qondirishning haqiqiy imkoniyatlari o‘rtasidagi qaramaqarshiliklar bunga misoldir. Bunday qarama-qarshiliklarni turli pedagogik uslublar, shakllar, ko‘rgazmali vositalarni joriy etish orqali hal etish mumkin. Ta’lim-tarbiya jarayoni faqatgina bilimlar, ko‘nikma va malakalarni shakllantirib qolmay, balki o‘quvchi shaxsiga kompleks ravishda ta’sir etishga yo‘naltirilgan bo‘ladi. Ta’limning tahlili bilan bir vaqtda axloqiy tarbiya vazifalari ham amalga oshiriladi, ya’ni o‘quvchilarda axloqiy, estetik, etik qarashlar, tasavvurlar va shunga muvofiq xatti-harakatlar, munosabatlar, ehtiyojlar sistemasi shakllantiriladi.Ta’limning tarbiyaviy vazifasi ob’yektiv jarayonni belgilangan maqsadga yo‘naltirganlik bilan

belgilanadi. Har qanday axloqiy tarbiya ta’lim jarayonining borishiga ijobiy, foydali ta’sir ko‘rsatadi. Axloqiy tarbiya intizomga, uyushqoqlikka, faollikka undaydi va o‘z navbatida, ta’lim vazifalarini oson bajarish imkonini beradi. Ta’lim-tarbiya jarayoni uch qirralidir. 1-qirrasi – bilim, ko‘nikma va undan keyin malakaga aylanish jarayoni. 2-qirrasi - shaxsiy sifatlarni tarbiyalash. 3-qirrasi - shakllangan xislatlarni mustahkamlash. Ta’limning bu jarayonlari yonma-yon amalga oshiriladi, deb yondoshish mumkin emas. Bu qirralar juda murakkab bog‘liqlikda bo‘ladi, biri boshqasining davomi sifatida yuzaga chiqadi. Albatta, axloqiy tarbiya jarayoni to‘g‘ri tashkil etilgan holatda ta’limning borishi jarayoniga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Chunki bunday tarbiya intizom, uyushqoqlik, faollik va boshqa ko‘pgina fazilatni shakllantirish uchun shart-sharoit yaratadi.

O‘quv jarayonini tashkil etish davomida talabalarning bir-birini to‘ldirib borish vositalarini qo‘llash ta’limni sifat jihatidan yangi darajaga ko‘taradi. Ta’lim o‘qituvchi bilan o‘quvchining o‘zaro didaktik hamjihatligisiz ta’limni amalga oshirib bo‘lmaydi. O‘qituvchi qanchalik faollik ko‘rsatmasin, agar bilimlarni o‘zlashtiradigan o‘quvchilarning o‘zida ongli faoliyat bo‘lmasa, haqiqatan ham ta’lim jarayoni amalga oshmaydi. Shuning uchun ta’lim jarayonida pedagog har ikki tomon faolligini ta’minlashi kerak. Ta’lim jarayonida o‘qituvchi bilan o‘quvchi muloqotlari muhim ahamiyatga ega. Ta’lim jarayonidagi muloqot o‘rganish zarurligini ko‘rsatadi, o‘qish, o‘rganishga nisbatan ijobiy munosabatlarning shakllanishiga xizmat qiladi. O‘qituvchining o‘z faniga ishtiyoqmand bo‘lishi, o‘quvchilar bilan yaxshi munosabat o‘rnatishi, bir-biriga nisbatan o‘zaro hurmatni saqlashi, o‘quv jarayonida yordam qo‘lini cho‘zishi, o‘quvchilarning yutuqlari, muvaffaqiyatlari o‘qituvchi tomonidan o‘z vaqtida va adolatli baholanishi hamda og‘ir vaziyatlarda o‘zini tuta bilishi - bularning barchasi o‘zlashtirish jarayoniga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. O‘qituvchining mahorat bilan muloqot o‘rnatishi natijasida ta’limning tarbiyaviylik darajasi ortadi. Ta’lim va tarbiya faqatgina bir qolipdagi narsa emas, balki uni qurshab turgan muhit, ijtimoiy foydali mehnat, ommaviy axborot vositalari, jismoniy mashqlar va boshqa shunga o‘xshash darsdan tashqari mashg‘ulotlar yordamida ham amalga oshiriladi. Ta’lim jarayonining tarkibiy qismlari: -maqsadlilik -rag‘batlantirish -nazorat -to‘g‘ri yo‘lga solish -baholash bilimlaridan iborat.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевни таъкидлаганидек, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллаши табиийдир. Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ҳозирги кунда ижодий фикрлаш хусусиятига эга бўлган, турли муаммоларни мустақил еча оладиган мутахассисларни тайёрлаш Олий таълимни олдида турган асосий муаммолардан биридир. Инсоннинг хулқи, идроки, фикрлаши, онги ва барча рухий хусусиятлари олий нерв фаолияти ҳисобланиб, у бош мия яримшарлари ва улар пўстлоғида жойлашган нерв марказларининг фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир тарбиячи ва педагог ходим олий нерв фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлишлари керак. Юқоридаги талабларга жавоб берувчи талабаларни тайёрлаш учун «Олий нерв фаолияти ёш физиологияси» мавзусини ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш долзарб хисобланади**.**

Б/Б/Б жадвали. Биламан/ Билишни ҳоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар. Мустақил кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар.

Билмайман	Билишни хохлайман	Билиб олдим
Рефлекс	Биринчи сигнал системаси	
Шартли рефлекс	Иккинчи сигнал системаси	
Шартсиз рефлекс	Хотира	

Кластер методи. Кластер (тутам, боғлам**) –** ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.



Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради. Мазкур метод турли ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади.”Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади.Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Бу метод пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ўқувчилар томонидан билдирилаётган ғояларнинг умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади.

Венн диаграммаси - ушбу метод ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш(синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. Стратегия (метод) кичик гуруҳларни шакллантириш асосида схема бўйича амалга оширилади. Ёзув тахтаси ўзаро тенг тўрт бўлакка ажратилади ва ҳар бир бўлакка схема чизилади. Стратегия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билимлар, маълумотлар ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ушбу стратегиядан маълум бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. З.Т.Ражамуратов, Б.М.Бозоров, А.И.Ражабов, Д.Ғ.Ҳайитов. Ёш физиологияси ва гигиенаси. . – Тошкент, 2013.
2. С.Джалолова. Ёш физиологияси ва гигиена . – Тошкент, 2011.
3. Ў.Толипов, М.Ўсмонбоева “Педагогик технология назария ва амалиёт” Ўз.РФА нашриёти, 2012.

TA`LIM –TARBIYA TIZIMIDAGI KREATIVLIK YONDOSHUV

G.R.Kadirimbetova, A.B.Kamalov, S.U.Ashirbekova
Ajiniyoz nomidagi NDPI doktoranti;fizika-matematika fan doktori, dostent;
fizika-matematika fan nomzodi, dostent

Pedegogning kasbiy kompetentligining bir bo’limi kreativ kompetentlik hisoblanadi. Kreativlik mavzusiga yuz buradigan bo’lsak, bugungi kunda odam faoliyatining derlik barcha sohasida keng qo’llanilayotgan uslub bo’lib, ta’lim sohasida ham kreativlik yondoshub aktualdir. Nima uchun bunday? Kreativlikning qanday ustunligi borki uni amalda keng qo`llanish kuzatilmoqda?

Kreativlik nima? degan savoldan boshlaydigan bo’lsak, 1922-yilda D.Simpson ushbu termin bilan odamning o’ylash stereotip usullaridan voz kechish qobiliyatini anglatgan. Kreativlik – inglis tilidan olinib, create – yaratish, creative – ijodiy manosini anglatib, printsipial yangi g’oyalarni yaratish va muammolarning yechimini dasturiy bo’lmagan uslublar yordamida topish imkonini beradigan odamning ijodiy qobiliyatlardir. Adabiyotlar tahlilidan kreativlik ikkita yo`nalishda: 1-dan kreativlik psixik jarayon sifatida, 2-dan hayotga bo’lgan ijodiy munosabat sifatida o`rganilgan. Ijodni o’rganishda kreativlikni ijodning sub’ektiv determinanti sifatida sub’ektiv va ob’ektiv muhim ma’lumotlarni konstruktiv turlantirish jarayoni va innovatsion natiyjalar yaratishning tizimli psixik (ko’p o’lchamli, ko’p bosqichli) tuzilish deb o`rganiladi. Shaxs-jarayon-natiyja qaddisida odam ish faoliyatining barcha sohalaridagi innovatsion turlanishlarida kreativlik namoyon boladi. Kreativlik ijodiy potentsial tushunchasidan ancha keng ma`noga egadir. Kreativlik yagona yaxlit tizim sifatida ishlaydi. Uning shakillanib rivojlanishi ongli (aks ettiruvchi) va ongsiz (intuitiv) jarayonlarning o’zaro tasiri tufayli amalga oshadi.

Ta’lim tizimidagi bo’shliqlarni yoq qilish, ta’lim sifatini oshirishda kreativlik yondoshuv so’zsiz yaxshi natiyja berishi dunyo rivojlangan mamlakatlarning ta’lim tizimlarida o’z tasdiqini topgan.

Hech kimga sir emas bolaning ta’lim-tarbiyasi ona vujudidan boshlanadi. Shuning ushun ham bo’lajak ona o’zining homiladorlik davridan nafaqat o’ziga, balkim o’z vujididagi bolaning ham aqiliy, ham jismoniy rivojlanishi uchun psixo-fiziologik muvozanatda bo’lishi, ko’nglining to’q bo’lishini, hotirjamlikda yashashga harakat qilishi kerak. Bola tug’ilishi bilan uning nafaqat tibbiy to’liq ko’zatilishi, balkim bola bilan onaning va yaqinlarining so’zlashib borishi yaxshi natija berish tadqiqotchilar tomonidan

dalillangan. Bolani tarbiyalashda nemislarning tajribasi juda ham samarador ekanligi belgili. Bolaga yaxshi so'z, harakat bilan namuna bo'lish zarurdir.

Oila bilan bir qatorda ta'lim-tarbiya ishlarida bolaning birga o`ynaydigan ko'chadagi, bog'chadagi, boshlang'ich sinflardagi muhiti - katta tasir ochog'idir. Shuning uchun ham "bolani boshidan" - degan ota-bobolarimizning gapi haqiyqat. Bizning bosh maqsadimiz ta'lim-tarbiya tizimida bizning oldinga suradigan g'oyamiz milliy qadriyatlardan kelib chiqib bugungi zamon ilm-fan, texnika, texnologiya yutuqlarini qo'llash bilan birga insoniylik, mehr bilan, individuallik yondoshuvni amalga oshirishdir. Ushbu ġ`oyani amalga oshirish uchun talabalar, oquvchilar, ota-onalar o'rtasida so'roqnomalar o'tkazganimizda quyidagilarni aniqladik:

1.Har bir ta'lim muassasasidagi guruhlarda ta'lim oluvchilar soni 15 kishidan (boladan) oshmasligi;

2.O`quv qurollari rangli illyustratsiyaga ega va oddiy (murakkab bo'lmagan) tilda yozilishi;

3.Bog'cha, maktab psixologlari nafaqat bola bilan balki uning ota-onasi bilan ham ishlashlari;

4.Har bir bog'cha va maktab o'qituvchisi psixolog hujjatiga ega bo'lishi;

5.Bog'cha va maktablarda har xil to'garaklar tashkillashtirilishi;

6.Har bir o'tiladigan dars davomida jismoniy va musiqiy daqiqalar o'tkazilishi;

7.Barcha to'garaklar, darslar kesimida konkurslar o'tkazishi;

8.Bolaning psixo-fiziologik ko'satkichlaridan, qiziqishlaridan kelib chiqib qo`shimcha darslar tashkil qilish;

9.O`qituvchilar va o`quvchilar (tarbiyalanuvchilar) o'rtasida sog'lom raqobat bo'lishini taminlash zarurdir.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlar asosida biz quydagi yechimni oldik: ko'rsatilgan barcha talablarni amalga oshirish uchun albatda birinchi o'rinda mablag` zarur. Lekin odam bir narsaga erishishni qattiq xoxlasa u albatta bunga erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Mirzaxmedov, N.G`ofurov va boshqalar "Fizika o`qitish metodikasi" Toshkent-2010

2.B.Mirzaxmedov, T.Rizaev va boshqalar "Fizika o`qitishda pedagogik va axborot texnologiyalaridan foydalanish metodikasi" Toshkent-2008

ONA TILI DARSLARIDA LEKSIKOLOGIYA BO‘LIMINI O‘QITISH USULLARI

Xusnora Baxtiyorova
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU 3-bosqich talabasi
Klaraxon Mavlonova, p.f.d. (PhD) *Ilmiy rahbar*

O‘quvchilarning dunyoqarashi, tasavvur doirasiga ko‘ra og‘zaki va yozma nutqi rivojlanadi, ya'ni har bir o‘quvchi o‘zi ko‘rgan yoki eshitgan narsani tasavvurida har xil shaklda chizadi va tushunchasini yillar davomida boyitib boradi. Mana shu jarayon uning maktabgacha va undan keying davrlar mobaynida shakllanib boradi. Bu jarayonda o‘quvchilarning fikrlash doirasini kengaytirish, og‘zaki va yozma nutqidagi kamchiliklarni bartaraf etish uchun darsliklar va ulardagi mavzularning ketma-ketlik darajasi hamda mashq va topshiriqlarga alohida e'tibor berishimiz lozim.

Shu o‘rinda, birinchi navbatda, mavzular o‘rtasidagi uzviylikni ta'minlashimiz kerak. Masalan, leksikolgiya bo‘limi 5-sinf va akademik lektsiya darsliklarida umumiy holda berilgan. O‘rtadagi masofa ancha uzulishni talab etadi. Bunday jarayonda uzviylikni ta'minlash maqsadida har bir sinfda leksikologiya bo‘limiga doir topshiriqlar berib borilishi lozim, chunki leksikologiyani puxta o‘zlashtirish o‘quvchining so‘z boyligini orttirish va nutqining rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. Agar berilgan mavzularda ketma-

ketlik buziladi, mavzularda chalkashlik ro‘y beradi desak, xato o‘ylaymiz. Mavzularni o‘zaro integratsiya qilish orqali,ya’ni bir-birini to‘ldirgan holda topshiriqlar bersak bo‘ladi. Masalan: sintaksis bo‘limida leksikologiyaga oid quyidagi mashqni taklif qilamiz:

✓ **Mashq.** Quyidagi berilgan so‘z birikmalarining ma’nosini bir so‘z bilan ifodalang:

Namuna: Nonning kichkinasi – kulcha

1. Otamning singillari –

2. Nonning kichkinasi –

3. Echkining bolasi –


4. Hisoblash mashinasi –

5. Kengdala –

Mazkur topshiriqni bajarish uchun har bir o‘quvchi o‘zining so‘zboyligini ishga tushiradi va mantiqan o‘ylab, ma’nosiga oid so‘z topadi. Bundan tashqari,topshiriq orqali o‘quvchi **so‘z** va **so‘z birikmasi** o‘rtasidagi farqni ham tushunadi.

O‘quvchilar nutqining go‘zalligi, izchilligi, ta’sirchanligi, asosan, ularning lug‘at boyligi bilan bog‘liqdir. O‘zbektilini o‘qitishning asosiy maqsadlaridan biri o‘quvchilarga o‘zbektilidagi so‘zning ma’no va mohiyatini o‘rgatishdan, so‘zni his etishga yo‘llashdan iboratdir.

Hozirgi kunda akademik litsey darsligida “Lug‘at va uning turlari” haqida kengroq ma’lumot berilgan. Bu yaxshi, albatta. Lekin akademik litsey yoshigacha bola “Lug‘at va uning turlari” haqida ma’lumotga ega bo‘lishi lozim. 5-sinf ona tili darslarida bu mavzu juda qisqa berilgan. 5-sinf o‘quvchilari uchun “Lug‘at va uning turlari” mavzusini kengroq va tushunarliroq tarzda tushuntirilishi lozim,bu o‘quvchilarga boshqa fanlarni o‘zlashtirishida ham kerak bo‘ladi. Masalan: yuqori sinflarda o‘quvchilarga botanika, kimyo, fizika, geometriya va boshqa fanlar o‘tiladi. O‘quvchilar agar izohli yoki ensiklopedik lug‘at haqida ma’lumotga ega bo‘lsalar, o‘zlariga notanish bo‘lgan so‘zni qidirib topib, uning ma’nosini bilib oladilar. Bu ikkala fanni o‘zlashtirishida ham muammo tug‘dirmaydi.



Leksikolgiya bo‘limi yuzasidan o‘quvchilarga nazorat darslarini tashkil etishda quyidagi **“Mulohaza qil”** tarzidagi topshiriqlarni tavsiya etamiz. Bu topshiriqni amaliyotimiz davomida Toshkent shahrida joylashgan bir nechta maktablarda sinovdan o‘tkazdik. Bu topshirig‘imizni 6-7-sinlarga bajarishga taqdim etdik. Dars uchun ajratilgan 40 daqiqa yetarli bo‘ldi. Bu topshiriq o‘quvchilarga juda qiziqarli tuyuldi; ularni fikrlashga, izlanishga undadi.Har xil sinflardan turli xil natijalarga erishdik, ammo ularni umumlashtirib hisoblaganimizda, natija samarali bo‘ldi. Chunki o‘quvchilarning deyarli 60-70% topshiriqni a’lo darajada bajargan. O‘quvchilarning qolgan qismi ham harakat qilgan, ammo so‘zboyligi kam bo‘lganligi uchun kerakli o‘rinlarda so‘zlarni to‘g‘ri qo‘llay olmagan, barqaror birikmalar o‘rnida oddiy gaplardan foydalanib topshiriqni bajargan. Agar bu mashqni takomillashtirib, nazorat darslariga kiritilsa,albatta, samara berishi isbotlandi.

“Bu mening xulosam” metodi.

Topshiriq. Quyidagi berilgan hikoyalarni o‘qing hamda har bir hikoyadan chiqargan xulosangizni barqaror birikmalar orqali izohlang.

PASHSHA VA BOLARI

Bir pashsha qir tarafdan uchib kelayotgan bolarini ko‘rib: “Oh birodar! Bir boshing uchun buncha harakat qilasan! Sen ham men kabi rohatda yashasang bo‘lmaydimi, chunki

mening hayotimda hech bi rmashaqqat yo‘q. Insonlar tomonidan hozirlangan dasturxonlardan har xil taomlarni yeb-ichib, umr o‘tkazaman. Ba’zi vaqtlarda sen yig‘gan bolingdan ham to‘ygunimcha yeyman. Yashamoq mana! Umr kechirmoq uchun olamda bundan yaxshi sharoit bo‘ladimi? Menda na bol tayyorlamoq mashaqqati va na uya solmoq kulfati bor”, –dedi.

Bu mening xulosam:

1. *Ayyorga tayyor.*
2. *Menat, mehnatning tagi– rohat.*
3. *Yotib yeganga tog‘ ham chidamaydi.*
4. *Tirmashgan tog‘dan oshar.*
5. *Ahmoqning aqli – to‘pig‘ida.*

YOMONLIKNING JAZOSI

Bir kishining Qosim ismli o‘g‘li bor edi. Ota-yu onasining so‘ziga kirmasdan har xil yomon ishlarni qilar edi. Bolalar bilan urishib, yoqalashib, kiyimlarini yirtib kelar edi. Uyda mehmon uchun asrab qo‘ygan taomlarni yegan vaqtda onasi: “Qosim, o‘g‘lim! Taomni sen yedingmi?” –desa, “Men yeganim yo‘q! Mushuk yegandir”, –der edi. Bora-bora otasining pulini ham o‘g‘irlaboladiganbo‘ldi. Otasibilib: “O‘g‘lim, pulnikimoldi?” –desa, “Onam olgandir”, –deb onasini o‘g‘ri qilar edi. Bir kuni otasi stol ustiga bir tanga qo‘yib o‘zini uxlaganga solib yotdi. Qosim kelib, sekin tangani og‘ziga soldi. Shu vaqt otasi uni ushlab qolmoqchi bo‘lgan edi, Qosim tangani yutib yubordi. Tanga uning halqumiga tiqilib, jonberdi.

Bu mening xulosam:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____

Bu kabi topshiriqlar darslarni mazmunli va samarali bo‘lishiga, o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishga xizmat qiladi.O‘z navbatida,bu kabi topshiriqlar o‘quvchilarda mustaqil o‘qib tushunish malakasini oshiradi. Zero, “Tilning emotsional-ekspressiv vositalari, estetik qurilishi uning cheksiz xazinasiga tayanadi. Ana shu xazinani qadam-baqadam egallab borish o‘quvchilarni ruhlantirib, o‘z nutqini yanada boy, ta’sirchan, tinglovchidaestetikzavquyg‘otishgaqodirqilish sari undaydi. Ona tilining boyligini anglash, so‘z san’atini egallash asta-sekin, sinfdan sinfga, yangi dasturiy materialni o‘rgangan sayin ortib boradi”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Xolmonova Z., Yusupova T. O‘zbektilinio‘qitishmetodikasi. –T.: Navoiyuniversiteti, 2019.
2. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgio‘zbekadabiytili. 2-qism. –T. :Ilmziyo, 2015.
3.Mahmudov N., Nurmonov A. vaboshqalar. Ona tili. 5-sinf uchundarslik.–T.: Ma’naviyat, 2015.
4. Мавлонова К. Она тили фанини адабиёт фани билан бадиий матн орқали интеграциялаб ўқитиш методикасини такомиллаштириш. Пед.ф.д.дисс...(PhD).– Тошкент, 2019.

IQTISODIY BILIM VA MADANIYATNI BELGILOVCHI FAZILATLAR

Quchqorova Nargiza
UrDU katta o‘qituvchisi

Bugungi kunda mamlakatimiz shiddat bilan rivojlanib, xalqimiz o‘z oldiga qo‘ygan ezgu va ulug‘ maqsadlarga erishishga intilmoqda.Bu maqsadlarga yetish uchun ota-bobolarimiz asrlar davomida to‘plagan hayotiy tajribasi,diniy,axloqiy,ilmiy, adabiy, qarashlarini ifoda etadigan ma’naviy meros, madaniy boyliklar, bemisl ilmiy-ijodiy kashfiyotlariga tayanamiz. Bu bebaho merosimizdan qanchalik yoshlarimizni ko‘p bahramand etsak, milliy ma’naviyatimizni yuksaltirishda,jamiyatimizda insoniy fazilatlarni kamol toptirishda qudratli marifiy salohiyatga ega bo‘lamiz.Bular yoshlarimizni milliy o‘zligini anglaydigan, shu bilan birga dunyoni chuqur o‘rgangan,zamon bilan hamnafas qadam tashlaydigan yetuk insonlar bo‘lib yetishishiga yordam beradi. Sharq donishmandlari aytgandek Eng katta boylik- bu aql-zakovat va ilm,eng katta meros- bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik-bu bilimsizlikdir” Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o’zlashtirish,chinakam ma’rifat va yuksak madaniyat egasi bo’lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak. [1,2]

Yuksak ma’naviyatli shaxs modelini shakllantirishda iqtisodiy bilim va madaniyatni belgilovchi fazilatlarni yoshlarda bosqichma –bosqich shakllan-tirish, tarbiyalash hamda rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. Bunday fazilatlarga quyidagilarni kiritishimiz mumkin:

1.**Iqtisodiy bilimdonlik, mushohadalilik va onglilikni** yoshlarda shakllantirish uchun uzluksiz ta’lim tizimiga tayangan holda quyi pog‘onalarda bolalarga boshlang‘ich bilimlarni berishdan boshlab , bosqichma-bosqich ta’lim- tarbiya jarayonini murakkablashtirib,yuqori bosqich-larga kelganda yoshlarga zamon talablariga javob beradigan bilimlar majmuasini berib, zaruriy ko ‘nikmalarni shakllantirib,vijdonli,iymonli,irodasi baquvvat komil inson, yetuk mutaxasis bo‘lishiga erishish vazifasi qo‘yiladi.

2. Ushbu fazilatlarning asosiy negizlaridan biri **Iqtisodiyot,uning obekti, qonuniyatlari va hodisalarini anglash va mushohada etishni** bolalarga singdirish uchun boshlang‘ich davrda ularga oila xo‘jaligi,undagi ro‘zg ‘or ishlari to‘g‘risida ilk tasavvurlar beriladi va ularning ongiga mamlakat boyligining asosi insonlarning mehnati orqali yaratilishi singdirib boriladi. Maktab yoshidagi bolalar iqtisodiyot to‘g‘risida boshlang‘ich tushunchalar olib,oila faravonligi mamlakat iqtisodiyoti bilan chanbarchas bog‘liqligini anglaydilar. 18-19 yoshlilar iqtisodiyotning mazmuni,mohiyati, iqtisodiy qonunlar asoslarini bilib,ro‘y berayotgan hodisalarni mushohada etib, ularni nisbatan ma’lum bir munosabat bildirish qobiliyatiga ega bo‘ladilar. Keyingi bosqichda yoshlar jamiyat iqtisodiy tizimini har tamonlama chuqur anglab, sodir bo‘layotgan iqtisodiy hodisalarni o‘rganish,ularga ta’sir etuvchi omillarni tashkil etish hamda kelgusida biznesning istiqbolli rivojlanishi uchun to‘g‘ri qarorlar qabul qilish qobiliyatiga ega bo‘ladilar. Umr mobaynida o‘z ilmiy solohiyatini boyitib borib, malaka oshirish va qayta tayyorlash tizimlaridan o‘tib, muntazam mustaqil ishlash ko‘nikmalarini hosil qilib,jamiyatning faol a’zosi sifatida bilishi lozim bo‘lgan,mamlakatlarning iqtisodiy tarqqiyoti va resurs salohiyatlari, rivojlanish tendenshinlari va ularni harakatga keltiruvchi kuchlar, global va hududiy manfaatlarining o‘zaro bog‘liqligi va shu kabi boshqa bilimlarni egallab,hayotlarida uchraydigan barcha hodisalarga to‘g‘ri bahoberib, optimal qaror qabul qilish fazilatlariga ega bo‘ladilar.

3. Xuddi shunday uzluksiz ta’lim –tarbiya berish tartibi **Iqtisodiy ziyraklik** fazilatlarini yoshlar ongiga singdirishda amalda qo‘llaniladi.Ushbu fazilatning asosiy qisimlaridan biri **Milliy iqtisodiy manfaatlar va ularning ustivorligini tushunish va ularni himoya qila olish.**Yoshlarda ushbu fazilatni tarbiyalash uchun quyi boshlang‘ich pag‘onada bolalarga odob-axloq doirasini tushunish,ko‘pchilikni o‘ylash va unga bo‘ysinish,oila shaniga dog‘ tushirmaslik, oila mulkini himoya qilish kabi fazilatlar shakllantiriladi.

4.**Iqtisodiy masuliyatlilik** fazilatini tarbiyalashda quyi bosqichlarda tabiatni e’zozlash, shaxsiy masuliyat va intizom haqida tasavvurga ega bo‘lish,mulk shakllari, vatan to‘g ‘risida tasavvurga ega bo‘lish bo‘yicha boshlang‘ich bilimlar majmuasi beriladi. Ular

asosida 18-19 yoshlarda sadoqat hissiga ega bo‘lish, yurt tinchligi, vatan ravnaqi uchun masuliyatni his eta olish ko‘nikmalari hosil etiladi.

5. **Iqtisodiy madaniyatlilik** fazilatini shakllantirish quyi pog‘onalarda ota-ona va tarbiyachilar tamonidan berilgan ta’lim va tarbiyani qabul qilib, vazifalarni o‘z vaqtida bajarish,oiladagi kichik yumushlarni bajarib ,oila ravnaqi va faravonligi uchun o‘z hissasini qo‘shayotganligini his etish va shu kabi boshqa ijobiy hislatlarining shakllanishiga erishiladi. Uzliksiz ta’limning tizimining keying bosqichlarida yoshlar vaqtini qadrlashni o‘rganib,ishni rejali tashkil etish, tabiiy boyliklar va atrof –muhitni asrab avaylash ,mehnatsevarlik,tejamkorlik, saxiylik hislatlariga ega bo‘lib boradilar. Eng yuqori pog‘anada yoshlar ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni to‘liq anglash,ularni yechish uchun zaruriy qarorlarni qabul qila olish hislatlari va ko‘nikmalariga to‘liq ega bo‘la oladilar. Xulosa qilib autadigan bo’lsak, yuqoridagi fazilatlarni bo’lajak kadrlarda shaklllantirish orqali yoshlarimizni milliy o‘zligini anglaydigan, shu bilan birga dunyoni chuqur o‘rgangan,zamon bilan hamnafas qadam tashlaydigan yetuk kadrlar bo‘lib yetishishiga erishamiz.

Foydalanilgan adabiyot

O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.24.01.2020

ТАЛАБАЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Қучқорова Наргиза
ассистент ўқитувчи УРДУ

Иқтисодни ривожлантирувчи асосий куч – бу инсон. Шу боис, бугунги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида ҳар бир талаба,ўқитувчи,ишлаб чиқариш ходими, тижоратчи-ю, тадбиркор иқтисодий билимларга, иқтисодий тарбияга эга бўлиши зарур.

Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда инсон ижтимоий фаолиятини акс эттиради. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг кўникмаларини ўзлаштирмасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Олдимизда турган энг муҳим ва долзарб масалалардан бири – **юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат** эканини барчамиз яхши тушунамиз» [1.40 б] Шундай экан, ёшларни меҳнат бозори талабларига мос мутахассислар этиб тарбиялаш таълим-тарбия тизимига бир қатор вазифаларни юклайди. Шундай вазифалар сирасига ёшларда иқтисодий маданиятни шакллантиришни киритиш мумкин.

Иқтисодий маданият – бу шахснинг жамиятда иқтисодий фаолият ва хулқ – атворида ўз – ўзини англашига, ўзига мослашишига прогнозлашган ижтимоий – иқтисодий шароитларга интеграциялашувига имкон берувчи интеллектуал, ҳиссий ва амалий компонентлар, ахлоқий ва маънавий муносабатлар мажмуидир [2.167б]

Иқтисодий маданиятли шахс деганда - иқтисодий жараёнларни олдиндан кўра биладиган, тадбиркор, ҳалол ва ҳаромни ажрата оладиган б кишилар тушунилади.Ана шу иқтисодий маданиятнинг қуйидаги асосий тушунчаларига тўхталиб ўтсак:

Иқтисодий тарбия: бу тарбиянинг бир қисми бўлиб, унинг асосий мақсади шахсда иқтисодий тарбияни тавсифловчи (иқтисодий, ижтимоий – иқтисодий маданият, иқтисодий фикрлаш) каби фазилатларни шакллантириш, замонавий иқтисодий тарбиянинг энг муҳим белгиси бўлган маънавий асосга эга бўлган иқтисодий маданиятни шакллантиришдир.

Иқтисодий билим: бу иқтисодий таълимнинг аниқ – амалий компонентларини ўз ичига олади, шу билан бирга ўқитувчи ва ўқувчининг иқтисодий билимларини ривожлантиришдаги бир мақсадга йўналтирилган фаолияти. Иқтисодий билим беришнинг асосий компонентлари иқтисодий таълим мазмуни (иқтисодий компетенция), иқтисодиётни ўқитиш методикаси ва технологияси.

*Иқтисодий таълим:*бу таълимнинг мажбурий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади талаба шахсини шакллантириш, бозор шароитига мослаштира оладиган ва ўз фаолиятини иқтисодий жиҳатдан амалга оширишдир.

Иқтисодий билимдонлик,мушоҳадалилик ва онглилик шахснинг касби ва мутаҳасислигидан қатий назар, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида билиши лозим бўлган, мантиқан яхлит дунёқарашга эга бўлиши учун идрок эта олиши шарт бўлган, табиат ва жамиятнинг иқтисодий қиёфаси ва унинг динамикасини кўра олиши, тушуна олиши ва баҳолай олиш қобилиятидир.

Иқтисодий зийраклик эса, эгаллаган билим ва малакалардан маънавият меёрларига тўла риоя этилиши орқали фойдаланишни, жумладан, миллат, давлат, жамоа ва шахсий манфаатларини мунтазам уйғунлигини этироф этиш ва риоя қилиш деб баҳоланади.

Иқтисодий масъулиятлилик иқтисодий онглилик ва зийракликнинг маҳсули сифатида ва маълум маънода шахс эҳтиёжлари ва манфаатларини жамият эҳтиёжлари ва манфаатлари билан мувозанатловчи фазилатлар мажмуи сифатида намоён бўлади.

Давлат,хусусий ва бошқа мулкни қадрлаш-ҳозирги ҳамда келажак авлоднинг мавжуд ҳамда яратиладиган неъматларини шахсий ёки ижтимоий манфаатлар йўлида эзозлаш фазилати.

Тежамкорлик-ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча босқичлари ва даражаларида жамият аъзолари тамонидан иқтисодий ресурслар ва неъматларни исрофгарчиликка йўл қўймай, маълум меъёрларга мувофиқ сарфланишининг таъминланишидир. Ҳалоллик - юксак инсоний фазилат ҳисобланиб , ўз ҳаётининг барча жабҳаларини инсоният тамонидан эътироф этилган ижобий ахлоқий меъёрлар жумладан,тўғрилик, поклик, виждонийлик каби тамойиллар асосида ташкил этиш ва уларга қатъий амал қилиш.

Саҳийлик - инсоннинг ўз иҳтиёридаги моддий ва маънавий бойликларини жамият аъзолари билан баҳам кўриш, ўзгаларга ёрдам бериш ва мурувват кўрсатиш каби ҳислатларни намоён этувчи маънавий фазилат.Тадбиркорлик-инсоннинг даромад олиш мақсадида ўз куч ва билимларини, иҳтиёридаги ресурс ва маблағларни таваккалчилик, ташаббускорлик ва масулият асосида ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиб, ижтимоий фойдали фаолият турларини ташкил этиш ва бошқариш қобилиятлари.

Шундай қилиб, иқтисодий билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш иқтисодий маданиятдан маънавиятга, билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар дунёқарашини шакллантиришда иқтисодий тушунчаларни: халоллик,тежамкорлик, қаноатлилик,вақтдан унумли фойдаланиш, иқтисодий билимдонлик,мушоҳадалилик ва онглилик кабиларни бўлажак мутахассислар онгига амалий жараёнга боғлаган холда сингдириш эртанги баркамол шахсни вояга етказишнинг кафолатидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. / Тадбиркорлар ва ишбилармонларҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. // «XXI ASR», 2016 йил 21 октябрь, 44-сон.

2. Влазнева С.А. Экономическая подготовкабудущихпедагогов профессионального обучения в вузе: дис. канд. пед. наук / С.А.Влазнева. - Пенза, 2009. - 167 с.

БЎЛАЖАК ПСИХОЛОГЛАР АМАЛИЙ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТИ

Пўлатов Джавдат Абдужабборович
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мустақил тадқиқотчиси

Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш муҳимлиги эътироф этилган. Бунинг учун, бўлажак ўқитувчиларни давр талаблари асосида тайёрлаш, уларни ўз касбининг моҳир устаси, янгиликларни тез идрок этиб, ўз фаолиятида қўллайдиган ижодкор қилиб тарбиялаш олий мактаб ва педагогика фани олдида турган муҳим вазифаларидан бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак психологларнинг амалий компетентлигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ўқув жараёнидаги ўзига хос сифатлар мажмуи бўлиб, давлат, жамият ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган узлуксиз педагогик жараённинг натижаси ифодасидир. Республикада ижтимоий соҳада, айниқса, таълим - тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ.

Айтиш жоизки, бўлажак психологларнинг амалий компетентлилигини мониторинг қилиш, психологик хизматларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Бироқ таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини самарали ва сифатли ташкил этиш, шу жумладан, иш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш, юқори сифат ва самарадорликка эришиш имконини берадиган ўқитиш шакллари ва методларини такомиллаштириш, шахсни шакллантиришга оид фалсафий, социологик, психологик, педагогик билимларни уйғунлаштириш зарурияти кучаймоқда.

Олий таълим муассасалари бўлажак психологларнинг амалий компетентлиги ривожлантиришда мутахассис шахсига қўйиладиган замонавий касбий - малака талабларидан келиб чиқиб, амалий компетенциялар мазмуни қуйидаги аспектлар билан боғлиқ ҳолда баҳоланишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ саналади:

методологик – таълим-тарбия жараёнининг мақсади, дидактик тамойиллари, конуниятлари, таълимотлари, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари хусусидаги таянч компетенциялар;

-технологик - ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва ўқитишнинг шакл, метод ва дидактик воситаларини тўғри танлаш, болаларнинг ёш гуруҳларига қараб билиш мотивациясини шакллантириш, аниқ таълим шароитида педагогик вазифаларни режалаштирилган ўқув-тарбия жараёнини самарали амалга ошириш билан боғлиқ бўлган хусусий компетенциялар;

- инновацион - педагогик ва бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг янгича шакл, метод ва воситаларини яратиш билан боғлиқ метакомпетенциялар.

Фикримизча, бўлажак психологларнинг амалий компетентлилигини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

- дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи;

- таълим - тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараён эканлиги;

- амалий компетентлик йўналтирувчанлик вазифасини бажариши, яъни у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантиришга хизмат қилиши;

- амалий компетентлик муайян педагогик технологияларни таълим - тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар асосида ҳар бир педагог у фаолият юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндашувни амалга ошириш имкониятини бериши;

- амалий компетентлик ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти бирлигини ифода этиши.

- таълимнинг дидактик воситалари, ўқув - методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида бўлажак психологларнинг амалий компетентлигини ривожлантиришнинг қуйидаги индикаторларини аниқладик:

- малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари мазмунини билиш ва улардан фойдалана олиш;

- гендер стеротиплар, валеологик омилларни эътиборга олган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техник воситалари ва унинг қурилмаларини билиш, Microsoft Office дастурлари (Word, Excel, Power Point, Access) да ишлаш;

- ўқитиш сифатини оширишга хизмат қиладиган компьютер ва мультимедиа технологияларидан, рақамли таълим ресурсларидан, масофавий ва тармоқ технологияларидан фойдалана олиш;

- таълим дастурларини, дидактик-методик материаллар (ўқув дастурлари, ишчи фан дастурлари, кейслар банки, даражали ижодий топшириқлар, битирув ишлари банки)ни тайёрлай олиш;

- таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари (амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, таянч сигналлар орқали ўқитиш, истиқболли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ва бошқ)ни ўқув-тарбия жараёнларига татбиқ этиш;

-ўқитишнинг модулли таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;

-интерфаол таълим методлари, график органайзерлардан ўқув жараёнида фойдаланиш;

- махсус фанлар соҳасидаги илмий янгиликлар, ахборотлар ва илғор хорижий тажрибалардан таълим жараёнида фойдаланиш.

-мутахассислик фанларининг долзарб масалаларига бағишланган очиқ дарслар, мастер-класслар ташкил этиш ва модераторлик қилиш.

-талабалар билан замонавий АКТ воситалари асосида он-лайн семинарлар, вебинарлар, форумлар ташкил этиш;

-ўқув ресурсларини яратишда MOODLE дастурий платформасидан фойдаланиш;

-тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлиги, мутахассислик ёки тадқиқот мавзуи бўйича Web of Science, Scopus, Web of Knowledge, Astrophysics, PubMed, Mathematics, Chemical Abstracts, Springer, Agris GeoRef каби библиографик базалардан бирига кирадиган рейтинги юқори халқаро журналларда мақолалар чоп этиш, илмий-тадқиқотчилик ва педагогик тадқиқотчилик кўникмалари.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак психологлар амалий компетентлилигини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, креативлик кўникмаларининг ривожланганлиги, ўқув-тарбия жараёни, педагогик фаолиятини самарали ташкил этишга йўналтирилган инновацион ғоялар ва ташаббусларни олға суриш, инновацион фаоллик, инновацияларга нисбатан очиқлиқ, уларни қўллаб-қувватлаш, ўз касбий фаолиятида фойдалана олиш таълим сифат ва самарадорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси.2020

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 577-сонли “Ўқувчиларни психологик - педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2019

БИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАР

Авазметова Интизор
УРДУ “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда таълимнинг бош мақсади ҳар томонлама камол топган, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларга мослашган, таълим ва касб - ҳунар дастурларини онгли равишда танлаб пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш ҳисобланади. Бу эса ўқувчиларга билим бериш жараёнида уларни фикрлашга, мустақил изланишга йўналтирадиган ҳар хил усуллар ваўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш мухимлигини келтириб чиқаради.[1]

Жумладан,биологиядан давлат таълим стандартлари асосида, таълим тарбия жараёниҳамкорлик педагогикаси ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга ва мустақиллик принсипларига садоқат руҳида тарбиялаш, ўқувчилар томонидан билимларни онгли равишда ўзлаштириш, уларда мустақил ва ижодий ишлаш кўникмаларини таркиб топтириш, мустақил таълимни ташкил этиш, билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг самарали йўллари ишлаб чиқилди.

Ўқув дастуридан ўрин олган ҳар бир мавзунинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиқиб ҳамкорликда ўқитиш, дидактик ўйин, муаммоли таълим, модулли таълим технологияларидан фойдаланилган ҳолда тузилган дарс ишланмалари биология ўқитувчиларининг дарсларни ташкил этишлари учун катта ёрдам беради. [,2]

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган ўқитиш методлари:

1.Оғзаки баён методлари:

А) суҳбат, Б) ҳикоя, Д) маъруза

2.Кўргазмали методлар:

А) табиий ва тирик обьектларни намойиш қилиш,

Б) тасвирий кўргазмали воситаларни намойиш қилиш,

Д) иллюстрация, демонстрация, ўқув кинофильмлари, видеофильмлар, диафильмларни намойиш қилиш.

3.Амалий методлар:

А) кузатиш, Б) амалий ишлар

4. Муаммоли изланиш методлари.

5.Ўқитишнингмантиқий методлари:

А) индуктив Б) дедуктив Д) таҳлил

Е)бош ғояни ажратишФ)қиёслаш Г) умумлаштириш

6.Мустақил иш методлари:

А) кўргазма воситалари устида мустақил ишлаш,

Б)дарслик устида мустақил ишлаш,

Д) мултимедия воситасидамустақил ишларни ташкил этиш

7.Ўқишни рағбатлантириш ва асослаш методлари:

А) ўқишга бўлган қизиқишни орттириш

Б)дидактикД) ўқув мунозаралари

Е)ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятини шакллантириш

8.Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш

А)оғзаки ва ёзма назорат қилиш

Б)лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат қилиш

Д) ўз-ўзини назорат қилиш

Е)ўзаро назорат варағи ёрдамида назорат қилиш

Ф) тестлар ёрдамида назорат қилиш

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, биология фанини ўқитишда ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар, экскурсияларда Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлар олами ва қоплами , бойликлари улардан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётганишлар, мамлакатимизнингиқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ривожланиш тамойиллари, улуғ аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо бойлик лар, муҳофазага олинган махсус ҳудудлар ва уларда олиб бориладиган ишлар билан таништириш орқали миллий ғурурни вужудга келтириш зарур. Шунингдек, ҳар бир мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда ўқувчиларни халқимизнинг маънавий бойликлари дурдоналари бўлган ҳадислар, ривоятлар, ҳикматли сўзлар, афсоналар, мақоллардан, улуғ алломаларимиз ҳаётларининг ибратли томонларини ўрганиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.А. Тўхтаев ва бошқалар. “Инсон ва табиат (методик қўлланма). Т. “Ғ.Ғулом” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003. 39-б

2 .Ж.О.Толипова, А.С.Тўхтаев, Ў.Пратов “Ботаникани ўқитиш методикаси” Т. “Ўзбекистон” 2003. 87-б

ИЛМИЙ-ФАНТАСТИК АСАРЛАРНИНГ ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Уразметов Равшанбек Юлдашович,
Жуматов Рашидбек Янгибоевич
инглиз тили ўқитувчилари Урганч давлат университети

Илмий - фантастика бадиий адабиётнинг турларидан бири бўлиб, ушбу турдаги адабиётда фантастик компонентлар илмий асосга эга ва табиатнинг материалистик қарашларини инкор этмайди. Бироқ, айрим танқидчилар ва адабиётшунослар илмий-фантастикани илм - фан соҳасидаги айрим фаразларга асосланган адабиёт ва улар янги ихтиролар пайдо бўлиши, янги табиат қонунлари, жамиятнинг янги моделларининг яратилишидир, деб ҳисоблайдилар. Кўпинча илмий-фантастик воқеалар келажакда рўй беради ва бу илмий- фантастикани

футурология фани билан яқинлаштиради. Илмий-фантаст ёзувчилар ўз асарларини адабий футурологияга, ернинг келажагига бағишлашади. Илмий-фантастиканинг пайдо бўлишига XIX асрда саноат инқилоби сабаб бўлди. Илмий - фантастика техниканинг ривожланиши ва ютуқлари ҳақидаги адабий жанр ҳисобланди. Уларда, асосан, келажак олами тасвирланади.

Ҳозирги вақтда айрим назарий саволлар, яъни илмий-фантастикадаги чегара, илмий-фантастик жанр хусусиятлари, илмий-фантастиканинг ўрни ҳақида, илмий-фантастик ва ноилмий-фантастик тахминлар тафовути, бу тахминларнинг илмий-фантастикада кўплиги ва таҳлили ва улардаги мавзулар долзарблиги билан бу турдаги адабиётда янги номлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, илмий-фантастик адабиётнинг жанр, тур аспектларига боғлиқ баҳслар жуда қизиқарли. Илмий- фантастиканинг мураккаблиги шундаки, у жанр сифатида аниқ қоидалар асосида қурилади, формулали табиатга эга ва шу билан бир қаторда у жанрдан ҳам каттадир. Бу енгил жанрга айланувчи турдир. Илмий-фантастик адабиётларни таҳлил қила туриб, Т.Тодоров “фантастик” жанр ҳақида “тасвирланаётган воқеаларнинг табиий ё нотабиий тушунтирилиши бўйича фаразлар, ўқувчини персонажларни тирик одамлардай қабул қилишга тайёрлаш, асар матнини аллегория ва поэтик изоҳларнинг йўқлигига кўндириш” [1] деган тавсифни берган эди. Ушбу жанр билан бир қаторда у “ғаройиб” ва “мўжиза” жанрлар мавжудлигини ҳам таъкидлайди. Бу жанр ўз навбатида гиперболик, экзотик, қуролли ва илмий мўжизаларни ўз ичига олади. Кўриниб турибдики, Т.Тодоров томонидан фантастика жанри муаммолари адабиётшунослик руҳига мос бўлмаган тарзда ечиляпти. Илмий-фантастикани паранормал ҳодиса деб ҳисоблаш мумкин, чунки унда нотабиий ҳодисалар табиий ҳодисалардек қабул қилинади.Табиийлик соҳаси кенгайиб, ўз ичига ноёб қобилият эгалари билан биргаликда мос соҳага айланади. Бу ҳодисалар табиатдаги яширин ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Ғаройиб хусусиятлар инсоннинг бошқа тирик жонзотларнинг очилмаган туғма хусусиятлари сифатида қабул қилинади. Оддий оламнинг жисмоний қонунлари бузилмайди.

Бизнингча илмий - фантастикани ўқишда “мослашиш” жараёнидан ўтиш зарурлигини қизиқарли, деб топиш ўринли. Бу мослашув янги сўз ва объектларнинг ўрганилишини ўз ичига олади.

1980 йилларда компьютер ва бошқа электрон қурилмаларнинг ривожланиши, бугун уларнинг кундалик ҳаётимизга кириб бориши илмий- фантастик фаразларнинг янги оқимини пайдо қилди. Келажакда компьютер тармоқларида сунъий юксак онг пайдо бўлиши ва унинг айрим одамлар ёки бутун инсоният тақдирини ўзгартириш имконига эга эканлигини тасвирлаш илмий-фантастикада қизиқарли мавзуга айланди. Илмий - фантастиканинг яна бир тармоғи узоқ ёки яқин келажакдаги одамлар олдида юзага келиши мумкин бўлган реал муаммоларни тасвирлаш билан шуғулланади. Бу ерда фантастик компонентлар глобал келажак мақсадларни амалга ошириш усуллари сифатида ишлатилади, яъни қуёш системаси ресурсларини ўзлаштириш, юлдузлараро парвозлар, бошқа онг билан боғланиш, инсон организмини қайта қуриш, ҳаётни узайтириш, барҳаётлик ва бошқалар. Бугуннинг ўзида илмий-фантаст ёзувчилар ўз асарларида келажак авлодни саросимага солиши мумкин бўлган илмий - техникавий, этик, психологик, иқтисодий ва бошқа долзарб муаммолар ечимини ахтара бошладилар. Бу ҳали илмий фантастиканинг тахмин қилиш функциясининг бир томони. Кейинги юз йиллик одамлари муаммолари учун зарур бўлган ечим вариантлари илмий-фантаст ёзувчилари томонидан ишлаб чиқилмоқда. Тараққиётни инқирозга учраши, инсон ҳаётининг тубдан ўзгариши каби муаммоларнинг ечимини топиш олимлар олдидаги асосий вазифалар ҳисобланади. Янги асар яратаётган рассом ёки композитор хаёлида қандай сиймолар пайдо бўлади? Бунга ўхшаш саволларнинг ечими бўлмайди ва ёзувчи ўқувчига фақат ўз тахминларини, муаммо ечимларини

ўзича ҳал қилиб кўрсатади. Кўпгина олимлар илмий-фантастиканинг асосий мақсадини инсоннинг мўъжиза билан учрашувини тасвирлаш, яъни табиат ҳодисаларининг жамоа ёки якка онгга таъсири, коинотдан келганлар билан инсоннинг тасодифий учрашуви, ноқулай вазиятларда инсоннинг ҳаракатларини тасвирлашдан иборат, деб биладилар.

Илмий фантастиканинг қизиқарли бўлимларидан бири табиат сирлари, тарих муаммоларининг шу кунгача илм – фан томонидан очилмаган сир-синоатларини ўрганади: номаълум учувчи объектлар, экстрасеанс қобилият, чумолилар ва асаларилар ҳаёт тарзи ва бошқалар. Фантаст ёзувчилар бу сирларни илмий-фантастика услублари – мантиқий таҳлил ва аниқ далилларнинг адабий талқин қилиниши орқали топишга ҳаракат қилишмоқда. Илмий-фантастика кўпинча умуминсоний глобал муаммоларнинг ечими сифатидаги адабий услуб сифатида эмас, балки қандайдир вазиятларни моделлаштиришга имкон яратувчи усул сифатида қўлланилади. Одатда фантастик компонентларнинг бундай ишлатилиши саргузашт сюжетларда ҳам учрайди ва маълум табиат ҳодисаларига асосланган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Todorov T., Introduction a — la litterature fantastique, P., 1970 70

ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Н.Э.Сабирова
Хоразм ВХТХҚТМОҲМ

Хоразм минтақасида достонларни қироат билан ўқиб эшиттирадиган ёки оғзаки равишда гармон жўрлигида куйлайдиган яна бир ижрочилар борки уларни воҳада халфалар деб юритишади.

Хоразм воҳасида халфачилик анъаналари қадимдан бошлаб кенг оммалашган. Ҳозирги кунда халфа деганда дастлаб тўйларда хизмат қиладиган, гармон чалиб ашула айтадиган аёл ва унинг ёнидаги доирачи билан раққосадан иборат кичик ансамбл тушунилади. Қолаверса, тўй ва азаларда диний ва дунёвий китобларни қироат билан ўқийдиган аёллар ҳам халфа деб юритилади. Республикамизнинг бошқа минтақаларида учрамайдиган бу анъана хусусида кўпгина тадқиқотлар эълон қилинган[1].

Ушбу эълон қилинган тадқиқотларнинг аксарияти бир-бирини такрорлайди. Айримларида эса тўла кўчирмакашлик яққол кўзга ташланади. 2012 йилда Хивада чоп этилган китоб бунга мисол бўла олади. Халфалар ҳақида гап кетганда, асосан, Хоним халфа, Ожиза ва Анаш халфалар кўпроқ тилга олинади. Уларнинг соз чалиб достон ва достон қўшиқлари, термалар ижро қилганликлари ва ўзларининг ҳам шеър тўқиганликларига урғу берилади.

Айрим тадқиқотларда эса Хоразм халфалари ҳақида тахминий фикрлар баён қилинади. Жумладан, Ҳ.Абдуллаевнинг “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” рисоласида шундай фикрлар учрайди. Кўчирма келтирамиз: “Хотин-қиз санъаткорлар-халфалар революцияга (1920 йилги инқилоб назарда тутилмоқда) қадар чолғу асбоби ёрдамида эмас, балки икки пиёла ёки ликопчаларни бир-бирига уриб (чўқиштириб демоқчи), ундан чиққан овозга жўр бўлиб ишқий-романтик (романик) ва қаҳрамонлик достонларидан лирик ва социал мазмунга бой **баётларни**, шунингдек, Навоий ва Махтумқули каби классик шоирларнинг асарларини куйлаганлар[2].

Пиёлаларни чўқиштириб қўшиқ куйлаш қадим замонларда бўлган. Аммо Хива халфаларидан Хоним халфа Саидамат қизи 1895 йилдан бошлаб қўшиқ ва достонларни гармон жўрлигида куйлаган[3]. Анаш халфа (Онабиби Собирова) ҳам 1900 йиллардан бошлаб гармон чалиб ашула айтган.

Мазкур кўчирмада “баётларни... куйлаганлар” деган ибора ишлатилганки, унинг маъносини англаб бўлмайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Баёт” сўзининг икки маъноси берилган. Биринчиси, мақом куйларидан биттасининг номи. Иккинчиси, Баёт уруғининг номи (этноним). Аммо бу икки сўз маъноси ўша жумладаги фикрга мос тушмайди. Мабодо байт деб оладиган бўлсак, Хоразм достонлари ва қўшиқларида байт шакли йўқ. Шунингдек, С.Оллаберганованинг “Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни” мавзуидаги номзодлик диссертацирясида ҳам юқоридагиларга ўхшаш асоссиз фикрлар кўплаб учрайди[4].

Тадқиқотчи халфачиликни тасниф қилар экан, уларни шомон халфа, янга халфа, достончи-қиссахон халфа, хонанда халфа, шоира халфа каби турларга ажратади. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, халфачилик йўналишлари Ж.Қобулниёзов, Т.Мирзаев, Н.Сабуров ва биз томонимиздан тадқиқ қилинган. Барча олимларнинг таснифи бир-бирини тўлдиради. Аммо, С.Оллаберганова бу таснифларни бутунлай ўзгартирмоқчи бўлади. Унинг таснифида тилга олинган шомон халфа умумий гаплар билан тавсифланган. Хоразмда касалларни даволовчи аёлларни халфа эмас, балки пўрхон (парихон) деб юритишади. Улар доира жўрлигида турли айтимларни ижро қилиб, афсунгарлик қилишади. Бу тоифа аёллар ўтган асрнинг 50-йилларида ҳам фаолият кўрсатиб келишди. Ҳозирда бу касб барҳам топди. Халфаларни пўрхонлар билан аралаштирмаслик керак. “Янга халфа” атамаси янги “кашфиёт” бўлиб, ажабланиш туғдиради. Чунки янга янгалик вазифасини бажаради. Келин тушганда “Келин салом” айтиш вазифасини маҳалладаги истаган бир сўзга чечан аёл бажараверади. Бу тоифа аёлларнинг профессионал халфаларга алоқаси йўқ. Хонанда халфа, шоира халфа, достончи халфаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Масалан, Хоним халфада шоиралик, хонандалик, достончилик йўналишлари тўла мужассамлашган., Анаш халфа ва Ожиза халфалар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Халфачиликнинг тарихий илдизлари ҳақида ёш тадқиқотчи А.Матниёзовнинг кузатишлари ҳам эътиборни тортади. Унинг таъкидлашича *Xalpa*номи хоразмий тилига оид бўлиб, паҳлавийча “кичик коҳин” маъносидаги Hylpt, ‘slwn’n сўзига яқин туради. “Дадестан-и меног-и храд” китобида халпаларнинг (‘slwn’n (бирл.‘slwn) мажбуриятлари қуйидагича келтирилган: “Зарур йўсинда динини сақлаш; зарур йўсинда маъбудларни шарафлаш ва уларни алқаш; қоида, низом, одат ва удимларга риоя қилиш; одамларга ҳидоят йўлини кўрсатиш орқали уларни дўзах азобидан қутқариш”. Бизнингча, хоразмий тилидаги *Xalpa* ва паҳлавий тилидаги Hylpt, ‘slwn – авесто тилида “коҳин” маъносида келувчи karab сўзидан келиб чиққан. Авесто тилидаги karapan –эски қабилавий удум коҳинларининг номи бўлиб, “айтиб йиғламоқ, саннамоқ; марсия айтмоқ, йиғламоқ, йиғи-сиғидан иборат маросим қўшиқларини ижро этмоқ” ва “минғилламоқ, тушуниб бўлмайдиган тарзда сўзламоқ” маъносидаги karapäфеълидан ясалган.

Қадимги ҳинд тилидаги нола, ҳасрат қилмоқ; аза тутиб йиғламоқ’ маъноларидаги kärpanya сўзи ҳам юқоридаги асослардан ясалган[5].

Бинобарин, достончи-қиссахон халфалар энг қадимдан келаётган анъаналар давомчиларидир. Уларнинг ибтидоси “Авесто” гоҳларини ижро этган “Қалпа” ларга бориб тақалади.

Улар аза маросимларида “Иброҳим Адҳам”, “Бобо Равшан”, “Қул хўжа Аҳмад” каби достонларни ярим куйлаш оҳангида қироат билан ўқиб келганлар. Тўй маросимларида эса “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Асли-Карам”, “Тоҳир Зуҳра” каби ишқий достонларни мухлисларга ёқимли овозда ярим куйлаш оҳангида ўқиб эшиттирганлар. 1862 йилда Хоразмга келган Ҳерман Вамбери бу тоифа халфаларни тинглаган ва мазкур ижро анъанаси уларга Эрондан ўтган бўлса керак, дея таъкидлайди[6].

Ҳ.Вамберининг бу фикрига тўла қўшилиш мумкин эмас. Чунки бу анъананинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Чунки, ибтидоий даврнинг вокал музикаси

ритм ва речитативдан иборат бўлган. Куй эса анча кейинроқ пайдо бўлади[7]. Бундан уч минг йиллар олдин хотин-қиз халфалар “Авесто” “Гоҳ”ларини худди ўша ярим куйлаш (речитатив) охангида ўқиб эшиттиришган:

“Гоҳ”ни қироат қилиб,
Аслида ишонмаган
Ўзин имонда санаб,
Лекин “Гоҳ” куйламаган
На халажу на хотин
Менга эҳсон қилмасин[8].

“Авесто” китоби таржимони М.Исҳоқовнинг таъкидлашича, “Гоҳ”-Зардушт бадиҳа йўли билан яратган даъват сўзлари. “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ” қўшиқ сақланган. Уларни ёд ўқиш ўта савобли ҳисобланган[9]. “Гоҳ”ларни ёддан ўқийдиган хотин-халажлар ўша даврдаёқ “Қалпа” номи билан юритилган[10]. Албатта бу атама минглаб йиллар ўтиши билан фонетик ўзгаришга учраган ва “халфа”шаклига кирган.

“Халфа” атамаси ҳақида ҳам турли қарашлар мавжуд. О.Жуманиёзов ушбу атамани арабча “халифа” сўзидан келиб чиққан деган фикрни билдиради[11]. Ҳ.Абдуллаев эса биз юқорида тилга олган ишида бу фикрни қатъиян рад қилади. Бизнинг фикримизча, “халфа” атамасининг арабча “халифа”га бевосита алоқаси йўқ. Бироқ, бу атаманинг семантик доираси анча кенг бўлиб, шариат қоидаларини яхши биладиган, ўқимишли одам, мактабдор домланинг ёрдамчиси, ҳунар-касб ўрганувчи шогирдлар бошлиғи каби маънолари ҳам бор[12]. Ушбу нуқтаи назардан қараганда бу атама раҳбар, йўлбошчи тушунчаларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Туркман халқи орасида мураббийларни ҳозирда ҳам халипа деб юритишади[13].

Академик шоир Ғафур Ғулом атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифга халфа деб мурожаат қилар экан[14]. Араб тилига бу атама ўзлашма сўз сифатида санскрит тилидан ўтиб, раҳбар маъносида ишлатилган бўлиши мумкин. Санскрит эса хоразмийлар учун бобо тил ҳисобланади.

Хоразмда ҳозирда ишлатиладиган “халфа” атамасининг ўқимишли аёл, устоз маънолари ҳам бор. Шу жиҳатдан олганда, О.Жуманиёзовнинг фикрида озми-кўпми ҳақиқат элементлари мавжуд.

Бинобарин, халфачиликдаги устозлик-шогирдлик анъаналарининг тарихи ниҳоятда қадимийдир.

Агарда инсоният тарихига разм солсак, кишилар ибтидоий ҳаёт давридаёқ маънавий озиққа эҳтиёж сезганлар. Диннинг пайдо бўлиши ана шу маънавий эҳтиёжнинг қондирилишида дастлабки омиллардан бири бўлди. “Ибодат қўшиқ айтиш эҳтиёжини рўёбга чиқарган бўлса, маросимлар шеъриятнинг пайдо бўлишини, иноч ва сиғинишлар эса рақс санъатининг юзага келишини тақозо этди[15].

Демак, шеъриятнинг пайдо бўлиши ва қўшиқларнинг куйланишида ибодат ва маросимларнинг роли катта.

“Авесто” “гоҳ” ларининг куйланиши ҳам ўша омиллар билан узвий боғлиқдир.

Кўпгина қўшиқларнинг ва рақсларнинг диний маросимлар билан чамбарчас алоқадорлиги ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўтган асрнинг 90-йилларида машҳур санъаткор Бола бахши-Қурбонназар Абдуллаев биз билан суҳбатда қизиқ бир нарсани ҳикоя қилиб берган эди.

Ҳозирда “жоқу-жоқу” сўзларини айтиб ўйналадиган рақс бор. Бу рақс бахшининг айтишича, XXI аср бошларигача меҳржон байрами маросимида ижро этилган. Ундаги “жоқу” сўзи аслида “Аё Ку” дир. Яъни бу сўз “Эй қуёш” деган маънога эга “Ку” сўзи ҳозирда “Кун” шаклида қуёш маъносини билдиради. “Аё”-эй, деган мурожаат сўзидир. Бу сўз халқ орасида қўлёзма тарзда оммавийлашган достонларда мурожаат сифатида жуда кўп ишлатилади:

Аё шоҳим, эшит ушбу жавобим...[16]
Аё жоним, бу сўзлара қулоқ сол... [17]

Демак, бу қўшиқ зардуштийлик динига алоқадор қуёшга мурожаат тарзида ижро этиладиган ритуал (маросим) тарзидаги ашула ва рақснинг қоришиқ кўринишидир. Ислом дини пайдо бўлгандан кейин бу рақсдаги “Аё Ку” бирикмаси “Ёҳу” тарзида дарвешлар репертуарига ўтиб, яна диний ритуал сифатида истифода этилган. Бу сўзнинг “жоқу” шакли кейинги даврлар маҳсули бўлиб, унинг “ж” ловчи ўзбеклар талаффузига мослашувининг натижасидир. Бу қўшиқ ҳозирги санъаткорлар репертуарига халфалардан ўтганлигини ҳисобга олсак, масала янада ойдинлашади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш зарурки, рақсдаги ҳар бир тактда икки қўл осмонга кўтарилиб “жоқу” сўзи икки –уч марта такрорланади. Ушбу ҳаракат дастлаб қуёшга илтижо қилишга қаратилган. Ислом дини пайдо бўлгандан кейин осмонга-Оллоҳга мурожаат қилиш, илтижо қилишга мослаштирилган. Дарвешларнинг зикрга тушиб “Ёҳу”лаб қўлларини осмонга кўтаришлари ҳам ўша маъно билан боғлиқ. Хоразмда тарқалган “чиппиро далли”, “зумлоқ” рақслари ҳам ритуал характерига эга. Бу масала алоҳида тадқиқотни тақозо этади. Дарвоқе, халфачиликнинг дастлабки шаклланиши дин, ва маросим билан боғланади. “Авесто” “гоҳ”ларини, Қуръон оятларини қироат билан, қўшиқ оҳангида тингловчига етказиш анъаналари сал ўзгаришга учраган ҳолда ҳозиргача халфалар воситачилигида барҳаёт сақланиб келмоқда.

Халфачилик анъаналари Хоразмшоҳлар даврига келиб, созанда халфаларга ажралиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки бу даврда Хоразмшоҳлар саройида бахшилар, созанда ва хонандалар, раққос ва раққосалар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, ҳатто профессионал йиғловчиларгача бўлган. Мусиқа асбобларидан: дутор, рубоб, чанг, най, руд жуда оммалашган[18].Демак, санъат, маданият юксак даражада ривожланган. Афсуски, бу ривожланишни Чингиз босқини ер билан яксон қилган. Халфалар ижрочилиги ҳақида бирорта манба сақланиб қолмаган. Шу сабабли биз фақат Хоним халфа Саидамат қизининг 1895 йилдан бошлаб гармон чалиб, созанда халфа сифатида танилгани ҳақида юқорида маълумот бериб ўтдик. Хоним халфа ҳам илгари доира жўрлигида, ликув (ликоб), пиёла жаранги жўрлигида қўшиқ куйлаган. Дарвоқе, Хоним халфага фольклоршунос Ҳоди Зариф юқори баҳо беради: “Катта қобилият эгаси, санъаткор, шоира, халфа Хонимжон аядан “Асилхон” достонини ёзиб олдим[19]. Ўша йили ундан Буюк Каримий “Тоҳир ва Зуҳра” достонини ёзиб олган.

Руслар Хива хонлигини босиб олгандан кейин Янгиариққа кўчиб келган немислар таъсирида Хивага гармон, фотоаппарат, киноаппарат, патефон каби маданий моллар кириб кела бошлаган. Соз-гармоннинг санъат оламига кириб келиши халфачиликнинг ривожланишига юксак ижобий таъсир қилди. Ўша даврларда фаолият кўрсатган йигирмадан ошиқ талантли халфалар ҳақида маълумотлар мавжуд[20]. Бу халфалар орасида элга машҳур бўлган Ожиза-Онабиби Отажонова, Онажон Собирова (Анаш халфа) каби талант эгалари бор. Бу иккала халфа Хоним халфанинг шогирдлари бўлиб, айни пайтда шоиралик қобилиятига ҳам эга бўлишган. Шунингдек, “Ошиқ Ғариб”, “Ошиқ Албанд”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Асли Карам” каби ишқий-романик достонларни ҳам маромига етказиб куйлаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, халфачиликнинг дастлабки босқичи ибодат ва маросимлар билан қоришиқ ҳолда ёддан ўқиш тарзида шаклланган. Қўшиқ, шеърият, ва рақс билан синкретик тарзда бирлашган бу санъат асрлар оша такомиллашиб келган. Ҳозирги маълумотларга қараганда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб, халфалар репертуарига дунёвий достонлар кириб кела бошлаган. Аср охиридан бошлаб созанда, достончи халфалар фаолият кўрсатиб бошлайди. XX асрнинг 30-йилларидан эътиборан ҳозирги ансамблли созанда халфалар фаолияти оммавийлаша бошлайди. (Бу тоифа халфалар балки хоразмшоҳлар даврида шаклланган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас). Созанда халфа сифатида танилган дастлабки санъаткорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сорахон Оллабергановадир. Қироат билан диний ва дунёвий достонлар ўқийдиган саводхон-қиссахон халфалар ҳам ўз

йўналиши бўйича тўй ва азаларда хизмат қилишда давом этишади. Хоразмда қиссахон-қироатхон халфалар кўп бўлган. Буларга Ниёзжон Мусаева, Сўна Эшматова, Розия Оллаёрова ва бошқаларни киритиш мумкин[21].

Ҳозирда созанда халфалардан: Нодира Боғибекова, Санобар Қиличевалар эл орасида машҳурликка эгадир.

Халфачиликдаги бу икки йўналиш ҳозирги даврда ҳам ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Адабиётлар рўйхати:

1.Қобулниязов Ж. Хоразм халқ қўшиқлари. –Т.: Фан, 1965. –Б.23-27; Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. 1-китоб, - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б.239 – 241; Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Т.:Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.-Б.114-124;Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. – Т.:Фан, 1979; Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. –Т: ТДПУ нашриёти, 2005. – Б. 4-11; Рўзимбоев С. Халқ достонлари ва халфалар ижоди // Адабий мерос. – Т:Қўлёзмалар институти нашриёти, 1984. –Б.9-13; яна ўша Ожиза. –Т.:2003. – Б.3-8; яна ўша Анаш халфа. – Т.: Миллий кутубхона нашриёти, 2006. –Б.3-6; яна ўша Хоразм достонлари.- Т.:Фан, 1985. –Б.27-33; Жуманиязов О. Халпа //Илм сарчашмалари.Урганч, 2002, №4. – Б.71-72; Ражабова Х. Аёл бахшилар ҳам бўладими,//Маърифат газетаси, 2002 йил, 2 феврал.

2. Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабиёти. Т.: Фан, 1983, - Б.32.

3.Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1988. –Б.117.

4.Оллаберганова С. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни. НДА.- Тошкент, 2007.

5.Матниязов О. Халфа номининг этимологияси хусусида//Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси, 2016, №4.-Б.44.

6. Вамбери Ҳ. Чиғатой тили дарслиги. – Лейпциг, 1867. –Б.33-34.

7. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Т.: Фан.1960. –Б.180.

8. Авесто. Яшт китоби. –Т.: Шарқ, 2001. –Б.28.

9.Ўша саҳифа, ўша сонда.

10. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. –Т.: ТДПУ нашриёти, -Б.6.

11. Жуманиязов О. Халпа// Илм сарчашмалари. Урганч, 2002,№4. –Б.71-72.

12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдлик, 4-жилд. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2008. –Б.381.

13.Халыпа (методик журнал) Ашгабат, 2003. –Б.2.

14 Мирзаев Т. ҲодиЗариф суҳбатлари. –Т.: Шамс-Аса.2013. –Б.369.

15.Колер М., Ранке И., Ратцел Ф. История человечества (до исторический период) Санкт-Петербург, 2003. –С.78.

16. Ошиқнома, 4-китоб. –Урганч. Хоразм, 2009. –Б.43.

17. Ўша китоб. –Б.59.

18. Бу ҳақида қаранг: Тимофеев И. Бируни. Москва. Молодая гвардия. 1968. 41,42,88,107,167,198-бетлар.

19. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. –Б.262.

20. Қиличев Т. Хоразм халқ театри. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988-Б.117.

21.Қаранг: Ошиқнома, 4-китоб, 353-354 бетлар.

O`QUVCHILAR BILIMINI NAZORAT QILISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH


Abdunazarov Otabek

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU

O‘zbek tili va adabiyoti mutaxassisligi I kurs magistranti

Bugungi globallashuv jarayonida ona tili fanini o‘qitish har qachongidan ham muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. Mana shu maqsad va vazifalarni amalga oshirish uchun bugungi kunda ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari ta’lim jarayonida zamonaviy axborot kommunikatsiyalaridan unumli foydalanishmoqda. Sababi esa zamonaviy ta’limni tashkil etishga qo‘yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay, qisqa vaqt ichida samarali natijalarga erishishdir. Qisqa vaqt orasida muayyan nazariy bilimlarni o‘quvchilarga yetkazib berish, olingan nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘llash,

ularda ma’lum faoliyat yuzasidan ko‘nikma va malakalarni hosil qilish, shuningdek, o‘quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ular tomonidan egallangan bilim, ko‘nikma va malakalar darajasini baholash o‘qituvchidan yuksak pedagogik mahorat hamda ta’lim jarayoniga yangicha yondashuv, zamonaviy axborot texnologiyalarini qo‘llay olishni talab etadi.




Hozirgi ona tili ta’limi jarayonida o‘quvchilar bilimini nazorat qilishning asosan diktant, insho, bayon, test kabi usullaridan foydalanib kelinmoqda. Bu uslullarinig o‘ziga yarasha afzallik va kamchiklari bor. Butun dunyo shiddatlik bilan raqamli texnologiyalarga o‘tib bormoqda, ijtimoiy hayotning deyarli barcha sohalarida kompyuter texnologilaridan unumli foydalanishga o‘tildi. Shular qatori ona tili ta’limi jarayonida o‘quvchilar egallangan bilim, ko‘nikma va malakalar darajasini baholashda multimediali elekton o‘quv kurslarni yaratish imkoniyatini beruvchi pedagogik dasturiy vositalar ichida yuqori reytingga ega bo‘lgan Ispring kompyuter dasturidan foydalanish yaxshi samara beradi deb o‘ylaymiz. “Ispring Free dasturi. PPT, PPTX, PPS, PPSX formatdagi fayllarni Flash (SWF) va HTML5 formatiga konvertatsiyalash imkoniyatini beradigan mualliflik dasturi hisoblanadi” [2; 190] S.X.Muhamedova, M,D.Abdullayeva va boshqalarning “O‘zbek tili va adabiyoti ta’limida zamonaviy axborot texnologiyalari” nomli o‘quv qo‘llanmasida ushbu dasturning ona tili va adabiyot ta’limi uchun ancha qulaylikar yaratilishi haqida ma’lumot olishimiz mumkin. Lekin u va shunga o‘xshash manbalarda misollar orqali ko‘rsatib amaliy yondashilmagan.

Quyida aynan ona tili darsida ham qo‘l keladigan Ispring Suite8 dasturida tayyorlangan topshiriqlar va ularning an’anaviy topshiriqlardan afzallik jihatlarini ko‘rib chiqamiz. O‘qituvchi, eng avvalo, mavzuning ichidan yoki mavzuga aloqador savollarni tahlil qilib ularning tuzulishiga, mazmuniga, darajasiga moslab bir necha xilda o‘quvchilarga berishi mumkin. Biz ularning ba’zilarini ko‘rsatib o‘tamiz.


8-sinf ona tilidan 2-dars. Adabiy nutq me’yorlari. Nutqning ko‘rinishlari mavzusi bo‘yicha o‘quvchilar bilimini mustahkamlash va aniqlash bo‘yicha interaktiv test topshiriqlarini ishlab chiqqanmiz.

1-rasm. Test sinovi boshlanishini bildiradi. “Testni boshlash” tugmasi bosiladi.

2-rasm. 1-savol. Berilgan qatorlar va ustunlarni ma’nosiga qarab sichoncha bilan juftlaydi. O‘quvchilar bu shakldagi kabi topshiriqlarni bajarganda, eng avvalo, ularning topshiriqlarga qiziqishi oshadi, tushuncha va izohlarning bir-birdan farqini anglash osonlashib barchasini birjoyda ko‘rish imkoni bo‘ladi. An’anaviy testda esa o‘quvchi bunga o‘xshash testlarni chalkashtirib yuborishi kuzatiladi.




3-rasm. Ko‘rib turganimizdek, juftlarning to‘g‘ri joylashtirilishi natijasida "to‘g‘ri" degan natijani ko‘rsatmoqda. O‘quvchi ham, o‘qituvchi ham vaqtdan yutib natijani shu zahotiyoq biladi.




4-rasm. Bu topshiriqda berilgan matnning mazmuni to‘g‘ri yoki noto‘g‘riligi belgilanadi. Umuman bunday topshiriqlarda o‘quvchilarning e’tiborini savol matnining mazmuniga qaratiladi. Unda berilayotgan fikrda xato bor yoki yo‘qligiga diqqatli va sinchkov bo‘lish talab


etiladi.




5-rasm. Bu topshiriqda kerakli audio matn yuzasidan savol berishga mo‘ljallangan. Bu topshiriqdan o‘zbek tilining barcha bo‘limlarida foydalansa bo‘ladi. Ayniqsa, fonetika bo‘limida, matnlarni eshitib tushunishda yuqori samaradorlikka erishadi. To‘g‘ri javob variantlarini ham bir nechta qilish imkoni bor.

6-rasm. Bu topshiriqda kerakli videoni biriktirib shu videoga doir savollarni taqdim etish mumkin. O‘quvchilar ham ko‘rib, ham eshitib ko‘rgan videosiga munosabatlarini bildiradilar.







7-rasm. Bu topshiriq an'anaviy testga o'xshash, lekin bunda to'gri javob variantlari bitta yoki bir nechta bo'lishi mumkin.




8-rasm. Bu topshiriqda tushirib qoldirilgan so'zni yoki savol mazmuniga qarab kerakli so'zni kompyuter klaviaturalari yordamida imloqoidalarga mos holda yozishga mo'ljallangan. Bunday testlar o'quvchilarning kompyuterda yozish texnikasi oshishiga ham xizmat qiladi.



9-rasm. Butopshiriqtartibsizbo‘lgan, mazmunibuzilgangaplarni; tushunchalarni; salbiybo‘yoqdanijobiybo‘yoqqayokiaksinchabo‘lgansinonimlarnitartibbilanjoylashtiri shamalinibajarishmumkin. Natijada o‘quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyati rivojlanadi.



10-rasm. Topshriqlar tugagandan so‘ng yakunlash tugamsi bosiladi va ja’mi ballar yig‘indisi ko‘rsatiladi. Bu ham o‘qituvchining vaqtini anchagina tejaydi.



11-rasm. Yakuniy ballarni bilgandan so‘ng orqaga qaytib, agar xato variantlarni belgilagan bo‘lsa, to‘g‘ri javobni bilishi va tahlil qilishi mumkin.

Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, bunday testlarda an’anaviy testlarga qaraganda bir xillik bo‘lmaydi va o‘quvchilarga bir muncha qiziqarli hisoblanadi. Bundan tashqari,mazkur interaktiv testlarni rasm, ovoz va formulalar yordamida tuzish imkoniyati mavjudligi ularni yanada qiziqarli va qolaversa,o‘quvchilarni katta qiziqish bilan ishlashga chorlaydi.Shuningdek,o‘qituvchilarni ortiqcha qog‘ozbozlikdan ham qutqaradi. Sinfda 25 nafar o‘quvchi bo‘lsa, 25 xil variant bo‘ladi va ko‘chirmakashlikning oldi ham olingan bo‘ladi. To‘g‘ri, buning uchun maktablar kompyuter bilan taminlangan bo‘lishi kerak. Yaqin orada yuritimizdagi barcha maktablar zamonaviy kompyuter to‘plamlari bilan ta’minlanishiga ishonamiz va biz bu imkoniyatlardan unumli foydalanishimiz darkor.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Qodirov, H. Ne’matov va boshqalar. Ona tili. 8-sinf o‘quvchilari uchun darslik. – T.: Cho‘lpon. 2019.

2. S.X.Muhamedova, M.D.Abdullayeva, Sh.Sh.Yuldasheva, Y.B.Eshmatova. O‘zbek tili va adabiyoti ta’limida zamonaviy axborot texnalogiyalari.O‘quv qo‘llanma. – T.: Tafakkur bo‘stoni, 2015.

3. K.Qosimova, S. Matchonov va boshqalar. Ona tili o‘qitish metodikasi. – T.: Noshir, 2009. www.iSpring.ru

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ПЕДАГОГИК ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Б.Махмудов
ЖТМҚТМОМ (PhD) доцент

Узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ва янгилаш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўз устида ишлашлари, билим, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб боришлари, дунёқараш ва тафаккурни ривожлантириш йўналишларида ўзига хос талаблар белгилаб олинди.

Бу муҳим мақсад ва вазифаларни амалга оширишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнига инновацияларни татбиқ этиш, талабаларнинг илмий дунёқарашларини кенгайтириш, ижодий ва эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, инновацион жараёнларга қизиқишларини

шакллантириш, буюк алломаларимиз тажрибаси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихимиз, илмий меросимизни ўргатиш асосида уларда педагогик тафаккурини ривожлантириш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки тафаккур – инсонлар ақлий фаолияти ва онгли хатти-ҳаракатларининг юксак шакли ҳисобланиб, социум ва ижтимоий муҳит, мавжуд жараёнларнинг вужудга келиш сабаблари ва воқеликни англаш воситаси, шунингдек, кишиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш йўналишидаги фаолиятларини мувофиқлаштирувчи фикрлар, ғоялар ва қарашлар натижасида вужудга келган хулоса ёки қабул қилинган қарордир.

Бизнинг фикримизча, педагогик тафаккур “педагогика” ва “тафаккур” атамаларининг бирикувидан ташкил топган бўлиб, “Педагогика фанидан изоҳли луғат” китобининг муаллифлари педагогика атамасини қуйидагича ифодалайди: Педагогика – «Педагогика (юнонча, pais- бола, agagos – раҳбар) – тарбия ҳақидаги таълимот, тарбиялаш санъати, тарбия ҳақидаги фан.

Педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фан. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кишилар орттирган тажриба ҳамда табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларнинг бойиб бориши билан меҳнатда орттирилган тажрибаларни ёш авлодга ўргатиш жараёни мураккаблаша борди.

Педагогика тарбиянинг умумий қонуниятлари, жамиятда ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ҳамда ўқитишнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганадиган фан.

Тафаккур атамасига қўйидагича таъриф беради: Тафаккур – фалсафий тафаккур ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади.

Юқоридаги тушунчалардан хулоса ясаб педагогик тафаккурга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: *“Педагогик тафаккур бўлажак ўқитувчиларнинг ақлий фаолиятга киришиб кетишлари, яъни ниманидир билиб олишга ва ўрганишга йўналтирилган ақлий-таҳлилий хатти-ҳаракатлари жараёнидир”.* Ақлий фаолият ва ақлий-таҳлилий хатти-ҳаракатлар дейишимизга энг асосий сабаб, тафаккурнинг шаклланиш жараёнида инсон ўз тасаввури, тушунчалари ва дунёқараши воситасида борлиқ, ҳодиса ва воқеаларнинг вужудга келиш сабабларини таҳлил қилади ва хулоса чиқаради, натижада уларда янги тасаввурлар шаклланади.

Тафаккур жараёнида фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз шаклланар ва улар онгда тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида вужудга келар экан, педагогик тафаккурда нималар шаклланади? Мазкур жараёнда инсон онгида қандай ўзгаришлар амалга ошади? Педагогик тафаккурининг ўзи қандай тушунча ва у қандай хусусиятларга эга?” каби саволларга жавоб топиш зарур бўлиб, мазкур тушунча юксак малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги фикрларда кўришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тафаккури жараёнида ҳам фикр-мулоҳаза, ғоя, фараз шаклланади, фақат мазкур жараён оддий фикр, оддий мулоҳаза, оддий ғоя ва оддий фараз эмас, балки талабалар онгида вазиятларга кўра ҳаётни объектив баҳолашга имконият яратадиган тушунча ва хулосаларни, шунингдек, мустақилликкача бўлган даврларда она тили, миллий урф-одатлари ва қадриятларига нисбатан ҳурматсизлик авж олгани, миллий ғурури ва инсонлик шаъни тан олинмаганлигини эслаш ва англаш асосида мустақилликнинг аҳамияти ва зарурияти йўналишидаги бой тасаввурни, қўлга киритилаётган ютуқлар, энг асосийси, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги кундаги таълим жараёнидаги мавқеи ҳамда ривожланиши йўналишидаги тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шундай экан, бўлажак ўқитувчиларда педагогик тафаккурини шакллантириш жараёни Ватанга муҳаббат, садоқат ва эътиқодни, давлат рамзларига, умуминсоний қадриятлар ва миллий урф-одатларга ҳурмат, таълим-тарбияга оид тушунчаларни таркиб топтириш, мамлакатимизда таълимга оид амалга оширилаётган ислоҳотлар ва

ислоҳотларнинг натижаларига қизиқишни шакллантириш, уларда келажакка ишонч туйғусини тарбиялаш, тинчлик, мустақиллик, эркинлик ва бағрикенгликни қадрлашга ўргатиш, талабаларда педагогик қобилиятни шакллантирувчи жараён сифатида ташкил этилиши зарур.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида олий ўқув юрти талабаларида педагогик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини ва мазкур жараёнларда мотивлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётлар

1.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Р.Дадабоев
НамДУ тадқиқотчиси

Республикада охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтаза шуғулланишлари учун шарт-шароитларни яратиш, ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифатида шаклланишига хукуматимиз томонида қатор фармон ва қарорлар чиқарилмоқда. Шу аснода 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларида Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда уларни жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарга эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш….ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни маънавий-ахлоқий, эстетик, жиҳатдан тарбиялаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан ҳозирда умумий ўрта таълимнинг жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш устувор вазифалар сирасига киради.

Бизнинг олиб борадиган тадқиқотимизда жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий томондан талқин этиш бош мақсадимиз ҳисобланиб, унда бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир.

Жисмоний тарбия жисмоний маданиятнинг бир тури бўлиб, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, жисмоний маданиятга ижобий муносабат, қадрият йўналишлари, эътиқодлар, дидлар, одатлар ва мойилликларни ривожлантириш манфаатларида жисмоний машқларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш жараёни ҳисобланади.

Жисмоний тарбия жараёнида сотсиологик, гигиеник, биотиббиёт ва услубий таркибга оид жисмоний тарбия ва спорт билимларининг кенг доираси ҳам олинади.

Билим жисмоний машқларни бажариш жараёнини янада мазмунли ва шунинг учун янада самаралироқ қилади. Шундай қилиб, жисмоний тарбия - бу педагогик жараённинг барча белгиларига хос бўлган муайян таълим муаммоларини ҳал қилиш жараёни бўлиб, хизмат қилади. Жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у одамнинг жисмоний қобилиятларини тизимли равишда шакллантириш ва жисмоний ривожланишини таъминлайди, уларнинг умумийлиги унинг жисмоний қобилиятини қатъий белгилайди.

Жисмоний тарбия бу болаларнинг жисмоний ва спорт фаолиятининг мақсадли, аниқ ташкил этилган ва тизимли равишда амалга ошириладиган тизими. Бу ёш авлодни жисмоний тарбия, спорт, ҳарбий ва амалий фаолиятнинг турли шаклларида ўз ичига олади, болани ақли, ҳис-туйғулари билан уйғунликда баркамол ривожлантиради.

Жисмоний тарбия мақсади - бу бола организмининг ақлий, меҳнат, ҳиссий - ахлоқий, эстетик тарбия билан яқин, органик бирликда уйғун ривожланиши.

Тўғри жисмоний тарбия, спорт тадбирларида иштирок этиш шериклик, коллективизм, ўзини ўзи тарбиялаш, иродани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Жисмоний тарбия ўқувчиларга педагогик таъсирнинг кенгроқ доирасини қамраб олади.

Жисмоний тарбия мазмунида ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжини шакллантириш ва уларнинг жисмоний кучлари ва соғлиғини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашда умумий тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбиянинг умумий тамойиллари жисмоний тарбиянинг жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланиш билан ўзаро боғлиқлиги принтсипини ўз ичига олади. Булар:

- шахсиятни ҳар томонлама ривожлантириш тамойили;
- жисмоний тарбия йўналишини такомиллаштириш тамойили.

Жисмоний тарбиянинг жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик билан ўзаро боғлиқлиги принтсипи инсон ҳаётининг барча даврларида жисмоний тарбия муаммоларини ҳал қилишда қўлланилиши керак. Бу шуни англатадики, жисмоний машқлар жараёнида жисмоний сифатларни шакллантириш шароитида ишлатилиши мумкин бўлган моторли кўникма ва жисмоний фазилатларни ривожлантириш керак.

Ушбу жараёнда ўқитувчининг вазифаси мустақил ўқитиш режасини тузиш, бир йиллик мустақил ўрганиш учун маънавий ва спорт ютуқлари чегараларини белгилашга ёрдам беришдир.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2020 йил 24 январь, ПФ-5924-сон Фармони.

2. Abu Rayhon Beruniy.Tanlangan asarlar.T. 1968 yil.1t-488b.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Х.Бозорова

Низомий номидаги ТДПУ магистри

Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялаш бутун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги мактаб ўриндиқларида ўтирган ёш авлод эртанги бизнинг қўлимиздан иш оладиган, ҳаётимизни давом эттириб, ўзидан кейинги авлодга етказувчи ворисларимиз, Ўзбекистоннинг буюк келажагининг эгаларидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда умумий ўрта таълим

йўналишида тадқиқ қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар тизимида ўқувчиларни замонавий усуллар асосида жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини педагогик тизимини айнан бошланғич синфларда амалиётга татбиқ этишнинг янги услубий ёндашувларини жорий этишнинг амалий ишлаб чиқиш долзарб масалалар сирасига киради.

Ҳозирги кунда мактаб олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири ўқувчиларни жисмоний соғлом бўлиб ўсишга ва ўз соғлиғини сақлашга ўргатишдир. Соғлиқни сақлаш деган ибора ҳозирда жуда кенг маъно касб этмоқда, унинг замонавий маъносини фақат саломатлик маъносидагина тушуниб қолмай, балки ҳар томонлама етук ривожланган ва юксак ақлий ҳамда жисмоний ишлаш қобилиятига, ўзгарувчан иқлимга тезда мослашишга ўрганишдан иборат деб талқин қилиш мумкин. Айни техник юксалиш асри инсондан ҳаракатни тезкорлик билан моҳирона бошқара олишни, пухта жисмоний тайёргарликни талаба этмоқда. Бу нарсаларнинг барчасига асос эса кичик мактаб ёшдан бошлаб қўйилади.

Ўқувчи ва талабаларни жисмоний тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- соғлигини мустаҳкамлашга, чиниқтиришга ҳар томонлама гармоник ва жисмоний ривожланишига, ақлий ҳамда жисмоний иш қобилиятини оширишга ёрдамлашиш;

-ҳаёт учун зарур бўлган ҳаракат фаолиятларини: юриш, югуриш, сакраш, эмаклаш, тирмашиб чиқиш, отиш, илиш ва ирғитиш, сузиш, велосипедда юриш, қўлларни, оёқларни, танани, бошни ҳаракатлантириш, сафланиш ва қайта сафланишини шакллантириб бориш;

-жисмоний, аҳлоқий ва иродавий сифатларни, мустақиллик ва фаолликни тарбиялаш;

-болаларнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракат фаоллиги учун шароитлар яратиб бериш;

-ўйин фаолиятларини кенгайтириш;

-жисмоний машқларни аниқ ва нафис бажаришга ўргатиш, ҳаракат ифодалилигини тарбиялаш ва бўшашиш машқларини бажара билишга ўргатиш;

-ахлоқ маданияти кўникмаларини шакллантириш;

-жисмоний машқлар ва спорт билан мунтазам шуғулланишга бўлган қатъий қизиқиш одатни мустаҳкамлаш;

-тўғри қадди-қоматни шакллантириш ва ясси оёқлиликка қарши курашишга ёрдамлашиш;

-жисмоний машқ ва ўйинлар билан шуғулланиш ҳамда асосий гигиеник талабларнинг аҳамияти ҳақидаги тушунча ва билимларни шакллантириш;

-жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг ҳамма шаклларида ва жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг ҳамма турларида дастлабки кўникмаларни шакллантириш.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун жисмоний тарбия бўйича ишларни шундай ташкил этиш керакки, болалар ўзларидаги меҳнатсеварлик, чидамлилик, жасурлик ташаббускорлик хислатларини тўла намойиш қила олиш ҳамда ҳаракатли ўйинлар ва жисмоний машқларни янада севиб, ўз ютуқларини янада такомиллаштира олиш имконига эга бўлсинлар. Булардан ташқари, зарур бўлган гигиеник шароитларни яратиш, болаларнинг етарли даражада очиқ ҳавода бўлишларини таъминлаш, ўз вақтида овқатланишни ташкил этиш зарурдир. Ҳаракат сифатларини ривожлантириш ва ҳаракат кўникмаларини шакллантириш жисмоний тарбия дарсларида, мактаб учун кун тартибида қўйилган жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари асосида амалга оширилади. Катта танаффусларда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар, дарс бошлангунча ўтказиладиган гимнастика, сайрлар, синфдан ташқари олиб бориладиган ишлар; спорт тўгаракларида, умумжисмоний тайёргарлик тўгаракларида БЎСМ тайёрлов гуруҳларида, мустақил ҳаракат фаолиятлари, шунингдек, спорт

байрамларида, спорт мусобақаларида, учрашувларда олиб бориладиган тадбирлар шулар жумласидандир.

Жисмоний тарбия бўйича машғулотлар очиқ ҳавода, залда ёки шу мақсадга мувофиқ ажратилган хоналарда ўтказилади. Ўзбекистоннинг иқлим шароити машғулотларнинг кўпини очиқ ҳавода ўтказиш имконини беради. Машғулотлар залда ўтказиладиган бўлса, мўлжалланган хона озода ва шамоллатилган бўлиши керак. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар албатта спорт кийимида бўлишлари керак. Жисмоний тарбия машғулотларида ҳамма ўқувчилар иштирок этишлари керак. Дарсдан вақтинча озод қилинган ўқувчилар бўлса, улар ҳам албатта иштирок этишлари керак, улар дарсда даволовчи жисмоний машқлар билан шуғулланадилар. Дарс жараёнида болалар қўл, оёқ, тана мускуллари учун умумривожлантирувчи машқларни бажарадилар ва ўрганадилар, оддий сафланиш ва қайта сафланиш малакаларини эгаллайдилар, тўғри, енгил юриш ва югуришни, акробатик машқларни, сакраш ва ирғитишни, тирмашиб чиқиш ва ошиб ўтишни, турли ҳаракатли ўйинларни бажаришни билиб оладилар; сайр жараёнида велосипед ҳайдашни, ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил этиш ва ўтказишни ўрганадилар. Жисмоний машқлар ўргатилаётганда тўғри тушунтириш ва кўрсатишга эришиш, машқларнинг мураккаблиги ва кетма-кетлигини ҳисобга олиш, машқни онгли равишда бажаришга одатлантириш зарур.

Агар бола бирор ҳаракатни бажаришда орқада қолаётган бўлса, унга шу машқни куни узайтирилган гуруҳда, уйда ота-оналар билан бажариш тавсия этилади, аммо мазкур ҳаракат олдиндан синфда тўғри кўрсатилиб берилиши шарт. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларида соғломлаштириш жараёнида ижобий натижаларга эришади.

Адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Акрамов Р.А. Футбол. Дарслик. ЎзДЖТИ нашриёти. Тошкент-2006 й.

3. Azizova R.I. “Sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi” O`quv qo`llanma T.: 2010 y.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛИШ МУАММОЛАРИ

Халимова С.

Низомий номидаги ТДПУ магистри

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва унинг истиқлол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий соҳаларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маълумки, бу жараёнларни ҳозирги кун талаблари асосида ташкил қилиш ва бошқариш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги бош ғояларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мактаб ўқувчиларида ахлоқий фазилатларни миллий ҳаракатли ўйинлар орқали шакллантириш жамиятимиздаги маданий-маърифий соҳаларда илгари босилган қадам бўлиб ҳисобланади.

Миллий тавсифга эга бўлган жисмоний машқлар, спорт ва ҳаракатли ўйинларнинг хилма-хиллиги уларни ўқув-тарбия жараёнининг жуда кўп соҳаларида қўллаш имконини беради.

Бошланғич синф ўқувчиларига жисмоний тарбия бериш мақсади ҳар томонлама етук: чиниққан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, келажакда Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришдан иборат.

Чех педагоги Ян Амос Коменский “Жисмоний тарбиянинг ўқувчилар ривожланишига таъсири” рисоласида жисмоний тарбиянинг мактаб ўқувчилари соғлигини сақлаш, машғулотлар вақтида чарчаб қолишнинг олдини олиш сингари вазифалари ҳақида фикр билдиради. Педагогика тарихида биринчилар қаторида у ўқитиш дастурига жисмоний машқларни киритади. Сўнгра у инглиз мактабларида биз ҳозир ҳам кўплаб учратадиган ҳолларни югуришдан, сакрашдан, дарслар ўртасидаги танаффусларда ўйинлардан фойдаланишни таклиф қилади. Булар эса бизда ҳозиргача унча–мунча фойдаланиб келинади. Ниҳоят у жисмоний машғулотлар учун тушликдан кейинги вақтнинг бир қисмидан фойдаланишни тавсия қилади. Буюк педагог болаларни ҳаракат қилиш ва чаққонликка ўргатиш учун машқ қилиш фаолиятини имкони борича вақтлироқ бошлашни, бошлаганда ҳам буни чинакамига, иштиёқ билан ва эринмасдан бажаришга ўргатилиши лозим, деб уқтиради.

Мактаб ёшидаги болаларнинг қадди-қоматини тўғри мутаносиб шакллантириш, суяк-бўғинларни ва мускулларни уйғунлашган тарзда ривожлантириш, юрак-қон томир ҳамда нафас олиш аъзоларини, асаб толалари мажмуасини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишни талаб қилади.

Ҳаракатли ўйинлар бошланғич синфларнинг Жисмоний тарбия дарсларида анча кенг ўрин эгаллайди. Бу синфлардаги ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия дарсларида ҳосил қилинган ҳаракат кўникмаларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли-миллий ўйинлар («Соққа», «Кес-Кес», «Қирқ тош», «Дурра солди» ва бошқалар) ақлий, ахлоқий ва эстетик камолотнинг мезонлари бўлса, халқ анъанавий спорти (“Тўплар пойгаси”, “Овчилар ва ўрдаклар”, “Чир айланма”, “Отишма” ва бошқалар) – фарзандлар бақувватлиги ва етуклигининг гаровидир. Ҳаракатли ўйинлардан кўзда тутиладиган асосий мақсад ўқувчиларни спорт ўйинларига тайёрлашдир. Бундай ўйинларда муайян спорт ўйини техникаси ва тактикасининг элементлари такомиллаштирилади.

Куни узайтирилган жуда кўп гуруҳларда, бошланғич синф ўқувчилари билан ҳар хил ўйинлар уюштириш, махсус гуруҳларда қизиқарли ва бажарилиши осон бўлган машқлар ташкил этиш ўқувчилар ҳаракат фаолияларини тўғри шакллантиришга катта ёрдам беради. Ҳар бир ўйиннинг ўзига хос сифатлари мавжуд, бироқ улар қатор умумий хусусиятларга эгадирлар.

Ҳаракатли ўйин-бошланғич синф ўқувчиси фаолиятининг тури. Шундай экан, барча фаолиятда бўлгани каби унга ҳам қатор хислатлар:мақсад ва мазмуннинг узвийлиги, сабаблар, амалга ошириш воситаларининг режали ҳаракатлар, натижанинг мавжудлиги кабилар хосдир.

Ҳар қандай кўринишдаги ўйин тушуниб олинган ва мақсадга қаратилган фаолият тарзида кечади. Ҳар бир ўйинда бола учун аҳамиятли бўлган мақсад мавжуд: қувлашмачоқ ўйнаётганда ўйин қатнашчисига қўл теккизиш, қопқондан» қутулиб чиқиш, байроқни қўлга киритиш, арқонга тирмашиб чиқиш ва бошқалар. Бунда мақсадлар доимий ҳисобланмайди.

Демак, ҳаракатли ўйинлар орқали бошланғич синф ўқувчисида қатор ижобий фазилатлар шаклланадики, бу “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида баркамол инсонни камол топтириш ғоясига ҳамоҳанг равишда кечади. Шу билан бир қаторда махсус усул ва техника асосида ўқувчиларнинг соғликларини, ҳар бир индивидуал шахс камолоти савиясини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1.Arjan Egges, Arno Kamphuis, Mark Overmars “Motion in Games” First International Workshop, Utrecht, MIG 2008. 236 year.

2.Edwards M.A. Gymnastics, London, The Royal Navy, 1999. P 39.
3.Жуков М.Н. Подвижние игри: Учеб. для студ. пед. вузов. М.: Издателский центр «Академия» 2000. - 160 с.

МУСТАҲКАМ ОИЛА ВА СОҒЛОМ ТУРМУШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҲАМДА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Исабеков *– НамДУ*

Жамият тараққиёти ва ижтимоий турмуш маданиятининг шаклланиши, ривожланиши хамда барқарорлашишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўзига хос хусусиятлари, мохиятлари муҳим ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинишига 26 йил тўлиши билан (2017 йил) ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев маърузаси барча соҳалар қаби оила тарбиясида ҳам кенг ва чуқур маъноли фикр – мулоҳазаларини изҳор этган эди. Яъни, азал-азалдан халқимиз учун мукаддас бўлмиш оилани хаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг хал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-мохият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор.

Таъкидлаш жоизки соғлом оила деганда энг аввало барча оила аъзларининг жисмоний баркамоллиги ва маънавий-маърифий маданият жиҳатдан бой, мустаҳкамлиги ҳамда доимий равишда барқарорлиги тушунилади. Бунинг учун эса катта ёшдагиларнинг самарали меҳнатлари, кичик ёшдагиларнинг эса яхши ва аъло ўкиб, касб-хунарни эгаллашга астойдил интилишларини ҳаёт, турмуш такозо этади. Бу йўлда эса жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спорт, саёҳат ва халк миллий ўйинлари билан мунтазам шуғулланиш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолининг ижтимоий турмуш маданиятини янада такомиллаштириш, мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш ҳамда барқарорлаштириш йўлида мамлакатимизда бир қатор туб ислоҳотлар ўтказилди ва улар ўз самараларини бермоқда. Бу каби муҳим тадбирлар эса обод турмушни кенгайтиришга йўл очиб бермоқда.

Уларнинг таркибнда жисмоний тарбия ва спортга қаратилган улкан тадбирлар мустаҳкам оила қуриш, болалар ва ўқувчи ёшларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялаш билан бевосита боғлик бўлган жараёнлар эътиборга лойиқдир, яъни:

“Жисмоний тарбия ва спорт туғрисида” қонун қабул қилиниши (1992 й 14 январь, янги таҳрир 2000 - 2015 й ва унинг ҳаётга изчил равишда тарбия қилиб борилиши;

“Таълим туғрисида”ги қонун (1997) асосида таълимнинг узлуксизлиги, давлат таълим стандартлари мазмунида жисмоний тарбияга алоҳида ўрин берилиши;

Барча фанлар қатори жисмоний тарбиянинг барча тур ва тоифадаги ўкув муассасаларида педагогик таълим сифатида дарсга айланиши;

Иқтидорли болаларни спорт тўгараклари ва махсус спорт мактабларига жалб этиб, уларни тарбиялаб, Республика ва Халкаро спорт мусобақаларида иштирок этишга тайёрлаш;

Узлуксиз таълим негизида уч босқичли (“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”) спорт уйинларини ташкил этиш ва уларга ўқувчи ёшлар ва талабаларни оммавий равишда жалб этиш;

Турли халқаро спорт мусобакалари, айниқса жаҳон биринчиликлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида спортчиларимизнинг қатнашиши ҳамда гапабаларга эришиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берилиши;

Миллий курашларимизнинг халқаро спорт таркибига киритилиши ва Осиё ҳамда жаҳон биринчиликларини ўтказишда Республика Президенти, ҳукумати ва спорт ташкилотларининг бевосита ғамхўрлиги, амалий сай-харакатлари;

Хотин-қизларнинг спорт турлари билан шуғулланишларининг ижтимоий-тарбиявий салоҳияти ҳақидаги илмий-назарий ва оммавий ахборотларнинг кенг тарқалиши, бунда телерадио, оммавий ахборот воситалари ҳамда маҳалла фаолларининг сермазмунли фаолиятлари;

Фақат спорт билан шуғулланиш учунгина емас, балки оммавий соғломлаштириш жисмоний тарбия, жисмоний маданият ва спорт ишлари учун ҳам спорт иншоотларининг кенгайтирилиши, соғломлаштириш марказларини кўпайиши, Тошкентда “Узбекистон”, “Жар”, “Бунёдкор” каби спорт мажмуаларининг қурилиши, барча вилоят марказлари ҳамда шаҳарларига янгидан спорт иншоотларининг қад кўтарилиши;

Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг (2013й) сермазмунли ва оммавий фаолиятлари фақат шаҳар шароитигагина эмас, ҳатто узоқ қишлоқларда ҳам наъмунали хизматлар амалга оширилмоқда.

Бу каби тилга олинадиган эътиборли тадбирлар сон-саноксиз деса муболаға бўлмайди. Аммо ечимини кутаётган баъзи бир муҳим муаммолар ҳам мавжуд. Биргина мисолни кўзда тутишни ўзи кифоядир, яъни барча корхоналар, ишлаб чиқриш ва турли муассасалар ҳамда аҳоли истиқомат (махалла) жойларида спорт майдонларини кўпайтириш, ундаги хизматлари учун махсус ходимлар (штатлар) билан таъминлаш ҳозирги давр тақазосидир.

Хулоса қилиб айтилганда, мустаҳкам оила қуриш ва уни барқарорлаштиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс каттадир. Шу сабабдан аҳолининг жисмоний тарбия воситалари, айниқса севимли спорт турлари билан астойдил шуғулланишларини таъминлаш зарурдир.

Бунинг учун эса спорт иншоотларини янада кўпайтириш, улардан мақсадли фойдаланиш, мутахассис кадрларни илмий-назарий савияси ҳамда амалий фаолиятларини доимий равишда такомиллаштириш асосий вазифа ҳисобланади. Бу йўлда телерадио ва оммавий ахборот воситаларининг ижодий фаолиятини янада кенгайтириш давр тақозо этаётган талабдир.

Адабиётлар:

1.Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

2.Maxmudov B.A. Sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi (harakatli o‘yinlar). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

YOSH O`QUVCHILAR BILAN BADIIY GIMNASTIKA MASHG’ULOTLARINI TASHKIL ETISHNING O`ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Abdullayev N. – NamDU

Barkamol inson tarbiyasini tashkil etish azal-azaldan xalqimizning ezgu orzusi, ijtimoiy jamiyatning muhim talabi va asosiy maqsadi, millat ma’naviyatining uzviy bir qismi bo‘lib kelgan. Bu g‘oya nafaqat alohida shaxslarni, balki butun xalqlarni yuksak taraqqiyot sari boshlagan, ularni ma’naviyat va ma’rifat sohasida ulkan yutuqlarga erishishga undagan. Komillikni orzu qilmagan, barkamol avlodni tarbiyalab voyaga yetkazish haqida qayg‘urmagan xalqning, millatning kelajagi yo‘q.

Hech kimga sir emaski, sport bilan shug‘ullanish nafaqat salomatlikni saqlash va tiklash, balki insonning har tomonlama go‘zal bo‘lishi uchun ham xizmat qiladi. Chunki, endilikda yosh sportchi qizlar jahon talablariga javob beradigan, zamonaviy zalda shug‘ullanish imkoniyatiga ega bo‘ldilar. Maktabda isitish, suv bilan ta’minlash, havo almashtirish, energiyani tejashning yangi tizimi o‘rnatildi. Kiyim almashtirish xonalari isitilgan pol va dush qabul qilish mumkin bo‘lgan joylar bilan ta’minlandi.

Badiiy gimnastika bilan guruh bo’lib yoki mustaqil shug’ullanish mumkin. Albatta, guruh mashg’ulotlari harakatlarni bor kuch bilan ijro etishga undaydi, o’zaro fikr almashishdan kishi rag’batlanadi. Mustaqil mashg’ulotlar shaxsiy intizomni talab etadi.

Mashg’ulotlarning samarasi shug’ullanuvchilar katta xoxish, yuqori shiddat bilan, ko’tvrinki ruxda mashqlarni ijro etish orqali erishiladi.

Ilmiy tekshirishlar orqali tasdiqlangan badiiy gimnastikaning samarasiga erishish uchun, mashg’ulotlar xaftasiga 5-6 marta 15-20 minutdan, yoki xaftasiga, 3 marta 30-45 minutdan yoki 2 marta 45-60 minutdan o’tkazilishi kerak. 3-4 oy mashg’ulotlardan so’ng ko’rinarli natijaga erishish mumkin: Ish qobiliyati oshadi, tana og’irligi kamayadi, kuchi, bo’g’in harakatchanligi oshadi.

Yosh xususiyatlarini hisobga olgan xolda mashg’ulotlar 90 minutdan davom etish mumkin. Badiiy gimnastika bilan ishdan so’ng shug’ullangan maqsadga muvofiq. Siz uchun qulay bo’lgan bo’sh vaqtda ham shug’ullanish mumkin, faqat mashg’ulotdan keyin biroz dam olish zarur.

Badiiy gimnastika mashg’ulotlarini turli yoshdagi kishilar: maktab o’quvchilari talabalar, ishchilar, xizmatchilar, xotin-qizlar singari erkaklar bilan ham o’tkazish mumkin. Badiiy gimnastika mashg‘ulotlari, жисмоний daqiqa, badan tarbiya (10-15 minut) yoki dars (25-30, 45-60 minut) shaklida o’tkaziladi. Har qanday majmuas o’tkazishda 15 yoki 60 minutlik mashg’ulot bo’lsa ham ma’lum struktura saqlanadi. Ya’ni, tayyorgarlik asosiy va yakunlovchi qismlar.

Birinchi – tayyorgarlik qism 5-10 minut davom etib, terlagan xolatgacha yaxshilab badan qizdirishni xal etadi. Bunda o’tirib turishlar, engashishlar va qo’l harakatlari, engashib oyoqlar bilan tashlanishlar, yurish, yugurish qo’llaniladi.

Ikkinchisi – asosiy qism uzoqroq davom etadi. Mashg’ulot uchun ketgan vaqtning 80-85% ni olib birnecha qismdan (odatda 2 tadan 6 tagacha) iborat bo’ladi. Mashq serialarining soni mashg’ulotning davom etish, shug’ullanuvchilarning tayyorgarligi, yoshiga bog’liq bo’ladi. Mashg’ulot 15-20 minut davom etganida ikki qismli shakl qo’llaniladi. Birinchi qism bo’yin, qo’l, yelka bo’g’ini, gavda va oyoq uchun belgilangan mashqlar.

Ikkinchi qism yugurish mashqlari.

Darsning yakunlovchi qismida musqo’llarni bo’shashtirish, nafasni rostlash mashqlari qo’llaniladi. Organizm tiklashning psixologig metodlari masalan, autogen trenirovka qo’llaniladi.

Tayyorgarlik qismda YuQT (yurak qisqarish tezligi) maksimal yurak urishining 60-65% tashkil etadi. Asosiy qiismda maksima yurak urishining 80-85% tashkil etadi, ayrim xollarda esa, maksimal yurak urishga yaqinlashadi.

Badiiy gimnastika mashg’ulotlari muayyan shug’ullanuvchilar uchun tavsiya etiladigan maksimal yurak urishining 65-90% ga teng keladigan shiddatdagi nagruzka bilan o’tkazilishi kerak tabiatli, shug’ullanishni endi boshlovchilar uchun nagruzkaning xajmi maksimal yurak urishidan 60% ni yaxshi tayyorgarlikga ega bo’lganlar uchun 75-80% tashkil qiladi. Mashg’ulot xaftasiga 2-9 marta 30-45 minutdan, nagruzkaning shunday shiddatligida o’tkazilsa, yarim yildan so’ng aniq ijobiy samara beradi.

Mashq davomida jo’r bo’layotgan musiqaning ritmliligi qon va to’qimalarda modda almashinuviga yaxshi ta’sir ko’rsatadi, ish va dam olishning baravar almashib turishini ta’minlaydi, qatnashuvchilarning faolligini oshirib, ularning charchog’ini yozadi.

Badiiy gimnastika jarayonida muntazam meditsina nazorati va doimiy o’z-o’zini kuzatib borish majmuasiga tuzatishlar kiritishga imkoniyat beradi.

Keksa kishilar uchun mo’ljallangan badiiy gimnastika mashg’uloti metodikasiga uzluksiz bajariladigan mashq muddati 3–6 minutdan oshmasligi, mashq sur’atining unchalik yuqori emasligi, pauzasiz, nafas harakati hisobiga bir mashqdan ikkinchisiga o’tish, mashg’ulot jarayonida doimo meditsina nazoratida bo’lish, kun davomida o’z-o’zini kuzatish kabilar kiradi. Pulsning o’zgarib turishini e’tiborga olib badiiy gimnastika zo’riqishida quyidagi ko’rsatkichga rioya qilish kerak: ertalabki pulьs minutiga 60–70 urishi, kunduzgi, puls – 68–72; zo’riqish paytida maksimal pulьs minutiga 110–120 urishi, zo’riqish yo’qolgandan so’ng tiklanish muddati – 3 minut davom etishi kerak.

Xulosa tariqasida umumiy o‘rta ta’limning jismoniy tarbiya darslari jarayonida badiiy gimnastika mashg‘ulotlarini tashkil etishda yuqorida keltirilgan ko‘rsatmalarni inobatga olgan holda o‘tkazish maqsadga muvofiq.

Адабиётлар:

1.Maxmudov B.A. Gimnastika va uni o‘qitish metodikasi. O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

2.Маслякова В. Массовая физическая культура в вузе. М., «Высшая школа», 1999.

МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТАСВИРИЙ САВОДХОНЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

К.Х.Ходжаханова

ЎзХИА тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи бўғини сифатида эътироф этилиб, унинг 11-моддасида мактабгача таълим болаларни жисмоний, маънавий, ақлий, ахлоқий, хуллас, ҳар жиҳатдан таълимнинг кейинги турида, яъни мактабда ўқишга тайёрлаши лозимлиги таъкидланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қайд этилганидек, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш; мактабгача таълимнинг самарали педагогик-психологик услубларини излаш ва жорий этиш; болаларни оилада тарбиялашни ташкилий-психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш; замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар, ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш; мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш; мактабгача таълим муассасаларининг барча турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мазкур соҳанинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш; мактабгача таълим ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш каби долзарб ташкилий-педагогик муаммоларни ҳал этиш шу йўналишда махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистоннинг келажак тараққиёти, салоҳияти маълум маънода болаларга мактабгача таълим ёшиданоқ мақсадли равишда таълим-тарбия бериш, ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга боғлиқдир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, «мактабга тайёргарлик» тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг жисмоний, шахсий (руҳий), ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишларини ўз ичига олади. Жисмоний тайёргарлик эса боланинг соғломлиги, ҳаракат кўникмалари, кўриш-мотор ва қўл мушакларининг ўзаро мувофиқ тарзда ривожланиши билан изоҳланади. Шахсий тайёргарликда эса боланинг оилада ёки бирор бир таълим-тарбия масканида тарбияланганлигига кўра турлича бўлиши мумкинлиги назарда тутилади.

Махсус тайёргарликнинг асосий кўрсаткичлари бу – фаолиятнинг тушуниб етилиши ва эркинлиги, ижодий тасаввурларнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Ақлий тайёргарликда мактабгача ёшнинг илк давридан бошлаб болаларда сенсор, мантиқий тасаввурларни ривожлантириш, қуриш-ясаш, расм чизиш, лойдан нарсалар ясаш орқали кўникма ва малакалар шакллантириб борилади.

«Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастурида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш уч йўналишда (болаларни жисмоний ривожлантириш, нутқи ва тафаккурини ривожлантириш, маънан ривожлантириш) мужассам машғулотлар орқали олиб борилиши жорий этилган бўлиб, тасвирий фаолият (расм чизиш, лой иши, қуриш-ясаш, қирқиб елимлаш) машғулотлари бир қатор хусусиятлари билан ўзига хослик касб этади. Тасвирий фаолият машғулотларининг мақсади - болаларда атрофдаги нарса ва ҳодисаларга эстетик муносабат билдириш, гўзалликка дахлдор нарсаларни яратиш(чизиш, ясаш)нинг

элементар асосларини шакллантиришдан иборат. Зеро, болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш орқали улар нафақат бошланғич таълимнинг “Тасвирий санъат” таълимига тайёр бўлиб борадилар, балки шу фаолият воситасида ўз халқининг турмуш тарзи, мавжуд бадиий анъаналарини онгли ҳис эта бошлайдилар. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотлари эстетик тарбиянинг дастлабки босқичи сифатида болаларни ақлий ривожлантириш ва уларнинг бадиий дидини тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятини ўстириш, теварак-атрофдаги ва табиатдаги гўзалликларни кўра билиш, ундан завқланиш ва унга нисбатан тўғри муносабатда бўлишни ва ниҳоят, тасвирий саводхонлик элементларини тўғри шаклланган бўлишининг педагогик кафолатидир.

Демак, бу жараён нафақат бадиий-эстетик тарбия жиҳатидан, балки болаларни ҳар томонлама ривожланиб боришлари учун комплекс таъсир этиш воситасидир, яъни тасвирий фаолият билан шуғулланиш жараёнида болаларнинг нарса ва буюмлар, ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари шаклланиб боради, муайян даражада жисмоний ривожланиш таъминланади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатни психологик, педагогик, методик ва физиологик томондан тадқиқ этиб бориш, амалиётни жамиятни тараққиёт босқичи, таълимий ва тарбиявий эҳтиёжлари, талаблари асосидаги хулосалар, илмий асосланган ишланмалар билан таъминлаб бориш тақозо этилади. Шу маънода мактабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантиришнинг педагогик-психологик асосларини ишлаб чиқиш мамлакатимиз мактабгача таълим педагогикасининг муҳим масаласидир. Зеро, ҳозирги кунда республикамиздаги мактабгача таълим муассасаларида болаларни тасвирий фаолиятини ташкил этишнинг илмий асосланган мазмуни ва методикаси, модернизациялаштирилган дастурлар, такомиллаштирилган қўлланмалар, тавсиялар етарли даражада эмас. Ҳозирги кунга қадар республикамизда мактабгача таълим ёш даври бўйича тасвирий фаолият муаммоларига доир илмий тадқиқот ишлари қилинмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини таъкидлайди.

Мавжуд ҳолатни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, кузатиш ва тажриба-синов натижалари мактабгача таълим педагогикасида ҳозирги кунда бир қатор муаммолар, жумладан болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш муаммоси мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, тасвирий фаолият туркумига кирувчи фаолият турларининг маълум тизимга солинмаганлиги ҳам бу борадаги муаммолар сирасига киради. Мактабгача катта ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллаштиришга қаратилган машғулотлар орқали болалар мактаб таълимига етарли даражада тайёр бўлиб чиқишларини инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларида бундай ишларни тўғри ташкил этиш бўйича ҳозирда қатор муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

- мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг етарли бўлмаганлиги;
- тарбиячиларнинг тасвирий саводхонлик бўйича етарли билимга эга эмасликлари;
- ота-оналарнинг таълим-тарбия ишига жалб этилмаганлиги;
- тасвирий фаолият туркумига кирувчи машғулотларни ташкил этиш, олиб бориш бўйича адабиётларнинг етишмаслиги;
- бу борада олиб борилаётган ишлар назоратининг сустлиги;
- малака ошириш курсларида тарбиячилар етарлича янги маълумотлар, иш методларини ўзлаштирмаганликлари.

Мактабгача ёшдаги болаларда тасвирий саводхонлик элементларини шакллантириш ва таълимнинг кейинги босқичида муваффақиятли амалга ошириш учун аввало, мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим.

Адабиётлар:

1.Миняев Б. Основы методики физического воспитания. М., «Высшая школа», 1999.
2.Morgunova I.I. Gimnastika va uni o‘qitish metodikasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. «ILM ZIYO» Toshkent – 2011 y.

JISMONIY TARBIYA JARAYONIDA HARAKATLI O‘YINLARDAN FOYDALANISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Xojimirzayev A. *– NamDU*

Jamiyat rivojlanishining hozirgi bosqichida barkamol insonni tarbiyalash eng asosiy, kechiktirib bo‘lmaydigan muhim vazifalardan biridir. Prezidentimiz SH.Mirziyoyevning 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasining rivojlantirishning harakatlar strategiyasi 4.4. bandida o‘quvchilarni jismoniy rivojlanishi borasida qator asosili fikrlar keltirilgan. Shu jihatdan olganda, mamlakatimizda sog‘lom avlod dasturi harakatining keng tus olgani, ta’lim-tarbiya tizimining tubdan isloh etilayotgani ham ana shu ulug‘vor vazifani amalga oshirish yo‘lidagi muhim qadamlardandir.

Huquqiy demokratik davlatimiz, ochiq fuqarolik jamiyatining eng ustuvor yo‘nalishlaridan biri sanalmish ta’lim sohasida olib borilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi, bu jarayonning sifati va samaradorligini oshirishga karatilgan tadbirlar majmuasidan iborat. Shu boisdan, mamlakatimizda yosh avlodning tarbiyasiga, sog‘ligiga alohida e’tibor qaratila boshlandi. Prezidentimiz tomonidan 5 ta tashabbusni ilgari surilishi o‘quvchilarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli o‘tkazish va foydali mashg‘ulotlar bilan ta’minlash, yoshlarning jismoniy kamoloti masalasiga alohida e’tibor qaratilgan.

Kuzatish va tajribalarning tahlillari shuni ko‘rsatadiki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilari uchun jismoniy tarbiya yosh avlodni taraqqiy ettirishda muhim vosita hisoblanadi. Tana a’zolarining mo‘tadil faoliyati uchun harakat juda zaruriydir. Buyuk hakim, mutafakkir Abu Ali ibn Sino: «Badan tarbiya-sog‘liqni saqlashda ulug‘vor usuldir» - deydiki, bu fikr xalq pedagogikasidagi: «Kimki qilsa harakat-sog‘ligida bo‘lar barakat» degan naqlni eslatadi.

Jismoniy tarbiyaga e’tiborni kuchayganligini umumiy o‘rta ta’lim maktab o‘quvchilari o‘rtasida «Umid nihollari» sport musobaqalarining tashkil etilganligi va muntazam o‘tkazilib kelinayotganligida, yoki sportning ko‘plab turlari bo‘yicha O‘zbekistondan Olimpiada va jahon chempionlari yetishib chiqib, mamlakatimiz dovrug‘ini butun dunyoga tarannum etishida ham ko‘rish mumkin. Bundan tashqari barcha maktablarda, mahallalarda ham turli sport musobaqalari tashkil etilmoqda, ayrim oilaviy musobaqalar ham o‘tkazish yo‘lga qo‘yilib borilmoqda.

Jismoniy tarbiya-bu sof sport musobaqalaridan iborat bo‘lgan soha emas. Bu tarbiya orqali bolalarda ko‘plab axloqiy-irodaviy xislatlar tarkib toptiriladi. Mashqlarni bajarish davomida bolalarda iroda, tezlik, chaqqonlik, chidamlilik tarbiyalanadi, ularning sog‘ligi mustahkamlanadi, ish qobiliyatlari, aqliy faolligi oshiriladi, jasurlik, halollik, qat’iylik, mustaqillik kabi axloqiy xulq meyorlari tarkib topadi, yetuklik sari qadam tashlanadi.

Maktab o‘quvchilarida axloqiy fazilatlarni harakatli o‘yinlar orqali shakllantirish jamiyatimizdagi madaniy-ma’rifiy sohalarda ilgari bosilgan qadam bo‘lib hisoblanadi.

Milliy tavsifga ega bo‘lgan jismoniy mashqlar, sport va harakatli o‘yinlarning xilma-xilligi ularni o‘quv-tarbiya jarayonining juda ko‘p sohalarida qo‘llash imkonini beradi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga jismoniy tarbiya darslarida harakatli o‘yinlardan foydalanishning maqsadi har tomonlama yetuk: chiniqqan, sof fikrli, mard, sabotli, qat’iyatli, kelajakda Vatanni himoya qila oladigan shaxslarni kamol toptirishdan iborat. Shu nuqtai nazardan, umumiy o‘rta ta’lim maktablarining boshlang‘ich sinflarida harakatli o‘yinlardan foydalanishning didaktik asoslarini yaratish ta’lim-tarbiya mazmunini yangilash va boyitish mavzui doirasida muhim ahamiyat kasb etadi, xususan, jismoniy tarbiya darslarida xalq pedagogikasida keng talqin qilingan milliy harakatli o‘yinlardan foydalanish masalalarining bugungi kunda salmoqli ahamiyatga ega bo‘lib borishi qonuniy va zaruriy bo‘lib, uning dolzarbligi quyidagilar bilan izohlanadi:

-*birinchidan,* ijtimoiy hayotimizning barcha sohalaridagi singari ta’lim tizimining barcha bosqichlarida, jumladan, umumiy o‘rta ta’lim maktablarining boshlang‘ich sinflarida o‘quvchilarga zamon talablari va jahon andozalari asosida jismoniy sifatlarni shakllantirish bilan birga, ularda yuksak ma’naviy madaniyat, axloq va ma’rifat fazilatlarini singdirish va tarbiyalash muammolarining yechimini davr taqozo etishi;

-*ikkinchidan,* jismoniy va ruhiy jihatdan sog‘lom, Vatan sarhadlarini himoya qilish uchun jismonan chiniqqan, fidoyi insonni tarbiyalash, ta’lim va maorif tizimini takomillashtirish, milliy istiqlol g‘oyasi asosida ma’naviy va ruhiy jihatdan yangi avlodni voyaga yetkazishga ijtimoiy zarurat tug‘ilishi;

-*uchinchidan,* milliy ma’naviyatimizni tiklash borasida olib borilgan, davom etayotgan ishlar, xalq ta’limining tubdan isloh qilinayotgani jamiyatimizda har tomonlama barkamol, sog‘lom avlod tarbiyasiga keng e’tibor qaratilishini kuchayishi;

-*to‘rtinchidan,* ta’lim jarayonida qo‘llaniladigan harakatli o‘yinlarning o‘quvchilar yoshi va ularning gerder xususiyatlarini inobatga olish zaruratining tug‘ilishi.

Xulosa tariqasida shuni ta`kidlash joizki boshlang`ich sinf o`quvchilarini harakatli o`yilar mexanizimini ta`komillashtirishda nafaqat o`quvichilarning jismoniy rivojlanishi va jismoniy tayyorgarligiga, shuningdek, ularning gender xususiyatlarini hisobga olish muhim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilagn adabiyotlar

1.Насриддинов Ф.Н., Қосимов А.Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. 1-тўплам. – Т.: 1998. – Б. 27.

2.Nigmanov B.B, Xo‘jaev F, Raximqulov K.D “Sport o‘yinlari va uni o‘qitish metodikasi” o‘quv qo‘llanma Ilm-Ziyo nashriyoti Toshkent 2011 y.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ СОҒЛОМ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

И.Джумабоев

Низомий номидаги ТДПУ талаба

Ҳаммамизга маълумки, давлатимиз президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон Фармонида “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш” каби вазифалар белгилаб қўйилган.

Бунда бошланғич таълимнинг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, шу жумладан, улардаги таълим сифатини тубдан янгилаш, уларни ва жиҳозлашга йўналтирилган аниқ вазифалар белгиланган. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга билим бериш бўйича мутлақо янги дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши белгиланган бўлиб, уларда ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Бугунги кунда аҳолининг барча қатламини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан қамраб олиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудида жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг инсон ҳамда оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва

маънавий соғломлик ҳамда етукликнинг асосий шартларидан бири эканлигини фаол тарғиб этиш, ёшларга ўз қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан спорт соҳасида алоҳида иқтидор эгаларини саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби масалалар тизимли асосдаги ечимини кутмоқда.

Кичик мактаб ёшидаги болалар тарбиясида оиладаги маънавий ҳаёт муҳим аҳамиятга эга бўлади. Оила қанчалик тартибли, уларнинг ўртасидаги муносабат самимий бўлса, оиладаги тарбия ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади. Бунинг учун оиладаги ота-она педагогик билимларга эгали муҳим ўрин тутади Болаларнинг одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида оила тарбиясининг ҳиссалари кўпроқ бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ҳар бир саволига эринмасдан аниқ ва тушунарли жавоб бериш, уларнинг тафаккури ва нутқини ўстириш, улар билан турли хил савол-жавоблвр ташкил қилиб, ҳар хил топишмоқ, эртак, масал, афсоналар айтиш билан ўқувчиларнинг маънавий оламини кенгайтириб боради. Бу даврда болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун йўналтирилган таълим-тарбия амалга ошиирилади.

Тарбия жараёнида оиланинг қуйидаги функциялари мавжуд:

1) оилада авлодлар давомийлигини таъминлаш функцияси, яъни оилада болалар туғилиши каби табиий қонуниятни амалга оширади;

2) оилада фарзандларни тарбиялаш функцияси, яъни болаларни ҳар томонлама етук шахс қилиб тарбиялаш масъулиятини амалга ошириб, болаларининг соғлом, ахлоқ-одобли бўлишига эришишдир;

3) Оилада урф-одатлар ва анъаналар орқали умуминсоний қадриятларни тарбиялаш.

Оила тарбиясида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тарбиясига эътибор билан қараб, уларнинг ҳар биридаги мавжуд қобилият, қизиқиш ва имкониятларни аниқлаб, ўша қобилият билан қизиқишни рағбатлантириб рўёбга чиқаришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий тарбиясида оиланинг ўзига хос хусусиятларини ва мавжуд имкониятларини аниқлаш, оиладаги асосий вазифани халқ, одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасини эмас балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота – оналарнинг касб – ҳунари, оила аъзоларининг маънавий, руҳий муносабатлари хам баркамол авлод тарбиясига таъсир этишини ҳар бир ота – оналар тушуниб етишлари зарурдир.

Оилавий тарбиянинг мураккаблиги яна шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, жамиятнинг ўзига хос кичик уюшмаси бўлиб, тарбия ишида ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш ва унга бирон – бир тавсиялар бериш ноқулай ва қийиндир. Ота – оналар қанчалик маънавий бой, эътиқодли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услуб орқали ўз фарзандларини баркамаол шахслар қилиб тарбиялайдилар.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти ҳисобланади.

Адабтётлар:

1.Nigmanov B.B, Xo‘jaev F, Raximqulov K.D “Sport o‘yinlari va uni o‘qitish metodikasi” o‘quv qo‘llanma Ilm-Ziyo nashriyoti Toshkent 2011 y.

2.Пулатов А.А, Исроилов Ш.Х. Волейбол назарияси ва услубияти. Ўқув қўлланма. ЎзДЖТИ нашриёти. Тошкент-2007 й.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ МУАММОСИ

Р.Дадабоев

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда таълим жараёнида ёш авлодни соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда уларни қатор тарбиявий сифатларини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, мактаб бу - таълим-тарбия ўчоғидир. Аммо, тарбиявий вазифалар асосан одобнома дарслари ёки дарсдан ташқари шароитларга мўлжаллаб амалга оширилади, тўғри, бу педагогик шарт-шароитлар, тарбия воситалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдирувчи жараёнлардир. Ваҳоланки, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ҳал этишда асосий ташкилий шакл – бу дарсдир.

Ўқувчиларни тарбиялаш вазифаларини фақат одобнома дарсларида эмас, ҳар қандай фанни ўтиш жараёнида амалга ошириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, таълим ва тарбия бу яхлит, бир бутун педагогик жараёндир.

Бошланғич синфларда барча фанларни ўқитишда дидактик мақсадлар билан бир қаторда ўқитувчи тарбиявий мақсадини ҳам аниқ белгилаб олиши ва уларни ҳал этиши лозим. Масалан, жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни фақат жисмоний сифатларини эмас, балки бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳам маънавий, ҳам ахлоқий, ҳам эстктик сифатларини тарбиялаш воситаси сифатида амалга оширилади. Шунингдек, бошқа тарбиялар билан ҳам яқин алоқадор бўлиб, бир-бирларини тўлдирадилар.

Жисмоний тарбия жараёнида болалар кучли иродали фазилатларни ривожлантирадилар (қатъиятлилик, чидамлилик, жасорат, қатъиятлилик ва бошқалар). Бунга жасорат талаб этадиган жисмоний машқлар (гимнастика деворига кўтарилиш, югуришни бошлашдан баланд сакраш, пастга тушиш ва ҳоказо) ёрдам беради. Шу билан бирга, қоидаларга риоя қилиш зарурати, ўртоқларнинг намунаси, болаларни қўрқувни энгишга, вазминликни намоён этишга ундайди.

Бошланғич мактаб ёшининг бошланиши. Бу давр - бу боланинг психофизиологик ривожланиши, мактабда тизимли таълим олиш имкониятини беради. Аввало, мия ва асаб тизимининг иши яхшиланмоқда. Физиологларнинг фикрига кўра, 7 ёшга келиб, мия ярим кортекси аллақачон этук бўлган. Шу билан бирга, ушбу ёшдаги болаларда ақлий фаолиятнинг мураккаб шаклларини дастурлаш, тартибга солиш ва назорат қилиш учун жавоб берадиган миянинг энг муҳим, хусусан инсон бўлимлари ҳали шаклланишини тугатмаган, бунинг натижасида кортекснинг субкортикал тузилмаларга тартибга солувчи ва инҳибе қилувчи таъсири этарли эмас. Кортекснинг тартибга солиш функтсиясининг номукаммаллиги бу ёшдаги болаларга хос бўлган хулқ-атвор, фаолиятни ташкил қилиш ва ҳиссий соҳада намоён бўлади: ёш мактаб ўқувчилари осонгина чалғишади, узоқ вақт консентратсия қила олмайдилар, ҳаяжонли, ҳиссий.

Бошланғич мактаб ёшида турли болаларда психофизиологик ривожланиш нотекис бўлади. Ўғил ва қизларнинг ривожланиш суръатларидаги тафовутлар давом этмоқди Тизимли (ўқув машғулотларини оддийдан мураккабга қараб) таълимга ўтиш болаларнинг ақлий ривожланишига юқори талабларни қўяди, бу ҳали ёш ўқувчиларда беқарор ва чарчоққа қаршилик даражаси паст бўлади.

Бошланғич мактаб ёшида боланинг ақлий ривожланишида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй беради: билим соҳаси сифат жиҳатидан ўзгартирилади, шахс сифатида шакллантирилади, тенгдошлар ва катталар билан муносабатларнинг мураккаб тизими шаклланади.

Мактабда ўқишни бошлаш боланинг ривожланишидаги ижтимоий вазиятни тубдан ўзгартиришга олиб келади. У "жамоат" субьектига айланади ва ҳозирда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мажбуриятларга эга бўлади. Уни амалга оширган ишлар жамоатчилик томонидан баҳоланади.

Бошланғич мактаб ёшидаги этакчи ўқув фаолияти. Тизимли таълимга ўтиш болаларнинг янги билим эҳтиёжларини ривожлантириш, атрофдаги воқеликка фаол қизиқиш ва янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш учун шароит яратади.

Кичик мактаб ёши - бу интенсив ривожланиш ва билим жараёнларининг сифатли ўзгариши даври: улар билвосита характерга эга бўлишни бошлайдилар ва онгли ва ўзбошимчалик билан ҳаракат қилади. Бола аста-секин унинг ақлий жараёнларини ўзлаштиради, идрокни, эътиборни, хотирани бошқаришни ўрганади.

Ушбу даврда хатти-ҳаракатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш қобилияти сифат жиҳатидан ўзгаради.

Бошланғич мактаб ёшида атрофдаги одамлар билан муносабатларнинг янги тури бошланади ва шаклланади. Вояга этган кишининг шартсиз обрўси аста-секин йўқолади, тенгдошлар бола учун тобора муҳим аҳамият касб этиб ва болалар жамоасининг роли тобора ўсиб боради.

Бошланғич мактаб ёшидаги боларда қуйидагилар сезилади:

- ўрганиш мотивларини шакллантириш, барқарор билим эҳтиёжлари ва қизиқишларини ривожлантириш;
- самарали иш услублари ва амалий иш кўникмаларини, тарбия кўникмаларини ривожлантириш;
- индивидуал хусусиятлар ва қобилиятларни очиб бериш;
- ўзини ўзи бошқариш, ва ўз жамоадошларини бошқариш кўникмаларини ривожлантириш;
- ўзини ўзи муносиб баҳолашни ўргатиш, ўзига ва бошқаларга нисбатан танқидийликни ривожлантириш;
- ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш, ахлоқий ривожлантириш;
- тенгдошлар билан мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантириш, кучли дўстона алоқаларни ўрнатиш.

Ушбу жараёнда ўқув фаолиятининг этакчи роли ёш ўқувчининг бошқа машғулотларга (ўйин, меҳнат элементлари, спорт ўйнаш, санъат ва бошқалар) фаол равишда қўшилишини истисно этмайди, бу даврда боланинг янги ютуқлари яхшиланади ва мустаҳкамланади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарори.

2.Возрастная и педагогическая психология: Хрестоматия: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений / Сост. И.В.Дубровина, А.М.Прихожан, В.В.Зацепин. – М.: Издательский центр «Академия», 1998. – 231 с.

3.Abu Rayhon Beruniy.Tanlangan asarlar.T. 1968 yil.1t-488b.

МАХСУС ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР МАЖМУАСИ ЁРДАМИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МУВОЗАНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Рузметов Неъмат Каландарович

ЎзДЖТСУ тадқиқотчиси

Жаҳон мамлакатларининг таълим амалиётида ўқувчиларни жисмоний тарбия машғулотларида мувозанат қобилиятларини шакллантириш ва бу жараёнда қўлланиладиган жисмоний фаолият турларининг асосини махсус жисмоний машқлар ташкил этади ва у орқали ўқувчиларнинг мувозанатини сақлашга ўргатиш асосида уларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожланиши долзарб муаммолардан бири сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни ҳаракат мувозанат қобилиятларини махсус жисмоний машқлар воситасида тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия тизимидаги таълимнинг умумий тан олинган шакли машғулотдир. Машғулот туридаги дарсларнинг асосий хусусияти малакали ўқитувчининг мавжудлиги бўлиб, у аниқ белгиланган вақт давомида белгиланган жойга нисбатан доимий ва бир хил талабалар гуруҳининг ҳаракат фаолиятини уларнинг хусусиятлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда йўналтиради. Шу билан бирга, машғулотнинг таркиби, уларнинг частотаси, давомийлиги ва муносабатлари қатъий тартибга солинади. Таълим тури машғулотнинг уч босқичли тузилиши жисмоний тарбиянинг турли муаммоларини ечишга имкон берадп.

Мувозанатни қўллаб-қувватлаш қобилиятини такомиллаштирилишига қаратилган машқларни ўз ичига олган машғулотлар тизимини тузишдаги асосий методик тенденция мазкур машқларни изчил, аста-секин мураккаблашиши ва уларни тўсқинлик қилувчи омилларга қарамасдан мувозанатни сақлашга зарурий барқарорликни берувчи барқарор бўлмаган ҳолат (поза)ларда оптимал тарзда балансни сақлаш қобилиятини янада кўпроқ мобилизациясини талаб қилган йўналишда бажариш шароитларини яратишдан иборатдир.

Янги ҳаракатларни эгалллашга бўлган қобилият спортнинг мураккаб координацияланган турларида ҳамда кичик мактаб ёшидаги болаларни жисмоний тарбия машғулотларида айниқса, муҳимдир. Яъни ҳаракат фаолияти катта хилма-хиллик ва координацион мураккабликнинг юқори даражаси билан тавсифланадиган дарслар ҳисобланади.

Мувозанатни сақлаш қобилиятини такомиллаштириш учун қуйидаги методик мисоллар асос бўлиб хизмат қилади.

Мувозанатни сақлаш қобилиятига талабларни ошириш услуби асослари	Мисоллар (ҳаракатларда услубни амалга ошириш)
Барқарор бўлмаган ҳолатни сақлаш вақтини чўзиш	“Қалдирғоч” ҳолати битта оёқда, тайяниб турган ҳолда танани горизонтал тарзда эгиш ҳолати, қўллар ёнга керилган танани эгиш ҳолати ва ҳ.к. шу каби туриш холатида танани ҳаракатсиз фиксация фазасини узайтириш
Кўриш каби ўзини-ўзи назорат қилишни вақтинчалик истисно қилиш ёки чеклаш	Гимнастик ёғочда статик машқлар ёки (ва) бурилишлар ёки кўзини боғлаган ҳолда жуфт ёки гуруҳ акробатик машқлар
Таянч юзани кичрайтириш	Гимнастик ўриндиғида ёки торайтирилган ёғочда статик ва динамик машқлар битта оёқда сакраш ва бошқа ҳаракатлар
Тана вазни марказидан таянч юзагача масофани ёхуд таянч юзанинг баландлигини ошириш	Ёғоч оёқда ҳаракатланиш ва тўхташ ҳолатларни фиксация қилиш; баландроқ бўлган гимнастик ёғоч ёки брусяда машқларни бажариш
Барқарорсиз бўлган таянч юзани киритиш	Қимирлаб турган ёғочда горизонтал тарзда илинган арқонда, роликларга қўйилган юзада машқларни бажариш

Мувозанатни сақланишига тўсқинлик қилувчи дастлабки ва йўлдош ҳаракталарни киритиш	Айланиш ҳаракатлари (полда, гимнастик ёғочда ва ҳ.к.) бажарилгандан сўнг статик ҳолатларни фиксация қилиш; барқарорсиз ҳолатда (бир оёқда турганда, “қалдирғоч” ҳолатда) тўп ёки бошқа предметларни отиб ўйнаш (жонглирование)
Шерикнинг ҳаракатларига қарши ҳаракатларни бажариш	Нисбатан барқарорсиз ҳолатда бўлган шерикни тортиб олиш; ҳолат барқарорлигини сақлаш вазифали яккакураш услубларини қўллаш; “Хўрозларнинг жанги”
Ҳаракатланишда мувозанатни сақлашни мураккаблаштирувчи табиий муҳит шартларидан фойдаланиш	Текис бўлмаган жойларда, йўлнинг турли ҳолатида, қийинчилик туғдирувчи об-ҳаво шароитларида югуриш, велосипедда юриш

Тана мувозанатини қўллаш қобилиятига қўйилган талабларни оширишда изчилликни машқлар статик ҳолатда бажарилганда таъминлаш осонроқдир. Бу мувозанатни сақлашнинг мураккаблаштирилган шароитларига мослашувнинг биринчи босқичларида бундай машқларни кўпроқ қўлланилиши шу билан асосланади. Шартларни мураккаблаштиришнинг энг кенг тарқалган услублари таянч юзасини кичрайтириш, ҳаракатчан таянч юзадан фойдаланиш, биомеханик барқарорсиз ҳолатда статик ҳолатни сақлаш вақтини узайтиришдир. Мувозанатни қўллаб-қувватлашда “мушак ҳиссиётини” фаоллаштириш учун барқарор бўлмаган ҳолатни аниқлашда кўриб ўз-ўзини назорат қилишни вақтинча чеклаш ёки йўқ қилиш услублари қўлланилади.

Мувозанатдаги машқлар. Ҳолат барқарорлигининг таъминлови уларнинг биомеханик имкониятлари ва ташқи шароитлари билан қийинлашган ва шу сабабли мувозанатни қўллаб-қувватлаш қобилиятига ғайриоддий талаблар (бошқа машқ ва талаблардан кўра аҳамиятлироқ) ни қўювчи машқлар шу атама билан аталади. Амалиётда бундай машқлар аксарият ҳолларда ўз ичига қуйидагиларни киритади:

тананинг статик ҳолатида олдиндан белгиланган ҳолатни фиксация қилиш ҳамда мувозанатни сақлашга тўсқинлик қилувчи кичрайган, ҳаракатчан ёхуд ўзга таянч юзада ҳаракатлар билан уйғунлашган машқлар (гимнастик ёғочда, горизонтал илинган канат, муз ва бошқа.);

тана бўғимларининг ўзаро жойлашуви барқарорлик учун биомеханик жиҳатдан ноқулай бўлган ҳолатларда мувозанатни сақлаш (масалан, қўлда таяниш, брусларда, горизонтал ва ақил);

аввалги ёки ҳамроҳлик қилувчи ҳаракатлар туфайли (айланиш, сакраш ва ҳ.), шерикнинг таъсири (жуфт ва гуруҳ машқлари)да ва бошқа омиллар туфайли яратиладиган тўсиқлар шартида статик ва динамик ҳолатларда мувозанатни сақлаш.

Демак, юқоридаги фикрларга таянган холда болаларнинг мувозанат қобилиятларини шакллантиришда нафақат уларнинг физиологик ҳолатлари, шунингдек, уларнинг жисмоний сифатларига ҳам эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1.Пулатов А.А, Исроилов Ш.Х. Волейбол назарияси ва услубияти. Ўқув қўлланма. ЎзДЖТИ нашриёти. Тошкент-2007 й.

2.Raximqulov K.D. “Milliy harakatli o‘yinlari” O`quv qo`llanma T: 2012

ПОДГОТОВКИ ГАНДБОЛИСТОВ ВОЗРАСТНЫЕ ЭТАПЫ ДЛЯ НАЧАЛЬНЫЕ ВОЗРАСТЕ

Ботиров С. – НамГУ

Гандбол – это особый вид спорта. Дело в том, что в гандболе все игровые движения максимально приближены к естественным действиям человека, которыми он овладевает с самых первых лет жизни. Это – ходьба, бег, прыжки, метания (броски) мяча.

Физическая подготовка – Базовая тренировка должна обеспечивать в первую очередь развитие опорно-двигательного аппарата и создавать фундаментальные предпосылки для дальнейшего развития силовых, скоростно-силовых способностей и скоростной выносливости на последующих этапах. Направленность базовой тренировки преимущественно на повышение общего уровня физического развития, совершенствование выносливости, гибкости наиболее целесообразна, поскольку показатели этих качеств имеют в пред пубертатном периоде наибольшие темпы прироста. На начальном этапе можно развивать быстроту реакции, быстроту движений, ловкость.

Мышцы детей до 13 лет, особенно у не занимавшихся ранее спортом, развиты не равномерно. Мышцы спины, передней поверхности бедра, живота, косые мышцы туловища, отводящие мышцы конечностей развиты слабо. Кроме перечисленных основных, у детей слабо развито множество мелких мышц.

Группы мышц, на которые приходятся основная нагрузка в гандболе, будут работать более эффективно, если их окружает соразмерно развитая мускулатура. Поэтому впервые два-три года занятий в силовая подготовка должна быть всесторонней направленности. Ведь организм ребенка растет и развивается.

Функциональные возможности нервно-мышечного аппарата возрастают быстрее опорно-связочного. У более одаренных юных гандболистов не редко появляются ранние травмы, так как они способны проявлять усилия на тренировке и соревнованиях, к которым их кости, хрящи, связки, суставы еще не подготовлены. Наиболее подвержены травмам высокорослые и сильные от природы дети. Поэтому в первые годы тренировки необходимо особенно щадить и укреплять опорно-связочный аппарат юного игрока, ибо на протяжении всего спортивного пути его возможности определяют величину и характер нагрузки.

Надо подбирать упражнения, которые редко встречаются в жизни и мало применяются на уроках физкультуры в школе. Акробатические, гимнастические упражнения, парные и групповые единоборства, силовые игры прекрасно воздействуют на множество мелких мышц.

Техническая подготовка – Нилучший возраст для обучения двигательным действиям 8-12 лет. В эти годы легко осваиваются новые ранее неизвестные занимающимся движения. Достаточно показа и объяснения, чтобы новое упражнение было ими выполнено.

На этом этапе необходимо обучить основам техники. Основные задачи обучения состоят в том, чтобы:

а) создать общее представление о двигательном действии и дать установку на овладение им;

б) сформировать общий ритм двигательного акта;

в) предупредить ошибки;

г) устранять только грубые ошибки.

Овладевая техникой на данном этапе, занимающемуся достаточно освоить правильную структуру движений, выполнять прием без напряжения. Не следует требовать идеальной точности и быстроты движений, на этом этапе они еще недоступны занимающимся.

Задачей начального этапа технической подготовки является приобретение «школы» техники движений. Главное в постановке «школы» - это формирование

структуры движения с соблюдением общих закономерностей выполнения основных элементов.

Юные гандболисты должны осваивать биодинамическую структуру двигательных навыков в режиме, который требуется в будущей соревновательной деятельности. Для решения этой задачи на занятиях с юными гандболистами необходимо пользоваться специальным инвентарем и оборудованием.

Высота ворот не должна превышать 170 см. Этого можно добиться, загородив верхнюю часть обычных ворот. Уменьшение размера ворот положительно скажется на совершенствовании техники вратаря, так ему чаще придется вступать в контакт с мячом, и на совершенствование техники нападающего, поскольку уменьшение цели стимулирует меткость броска. Размер мяча должен соответствовать развитию антропометрических и силовых характеристик юного гандболиста. Это позволит с самого начала формировать структуру движения, так что ее не нужно будет менять.

Дети 9-10 лет производят метание теннисного мяча весом 200 г толчкообразным способом. Они еще не могут перепрограммировать сложные действия, а потому после разбега останавливаются и выполняют бросок почти с места. В 11-12 лет появляется хлесткость движений, обеспечивающее нарастание силовой волны.

Тактическая подготовка – Основная задача на этом этапе – воспитание игрового мышления. Оно заключается в умении реагировать на смену обстановки, выбирать наиболее рациональное решение несложной задачи, ориентироваться на сигнал. Основными средствами являются обще подготовительные упражнения. Применяются различные игры со звуковыми и зрительными сигналами, с выбором вариантом решения простейших игровых задач. Передача мяча в различных перестроениях (по кругу, в треугольнике, встречном) помогает воспитывать необходимую гандболисту ориентировку. А включение в упражнения нескольких мячей одновременно значительно усложняет решение задачи. Кроме того, применяются упражнения в передаче мяча, где направление движения игрока не совпадает с направлением полета мяча. Ведение активного и пассивного сопротивления условного противника значительно усложняет упражнения и делает их более эффективными.

На этом этапе начальной подготовки необходимо вводить и специально-подготовленные средства – знакомить учеников с простейшими схемами перестроения, изображенными на плакатах, просматривать вместе с ними игры старших ребят и мастеров гандбола, заострять внимание на сложнейших действиях игроков.

Для того чтобы увеличить игровую площадку, можно разрешить игрокам заходить в зону вратаря, но броски производить только с площадки вне зоны. Это позволит игрокам разнообразнее комбинировать тактические действия. Чтобы не мешать игре вратаря, нужно, обозначить, коридор напротив ворот, в который игроки не имеют права заходить.

Литературы:

1.Жуков М.Н. Подвижние игри: Учеб. для студ. пед. вузов. М.: Издателский центр «Академия» 2000. - 160 с.

2.Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ДАВРЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

Иминжанов Р. *- НамДУ*

Мустақил Ўзбекистонда юз бераётган туб ислоҳотлар жамиятимизнинг фақат ҳозирги кунини эмас, балки унинг келажагини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу ғояни амалга оширишга қаратилгандир. Ана шу эзгу ғояни амалга ошириш учун аввало салоҳиятли, ижодкор, жамият олдида ўз масъулиятини ҳис эта оладиган, истиқлол ғояларига садоқатли шахсни шакл-лантиришни тақозо этади.

Кейинги йилларда қилинган ишларида, танлаш ташкилий жиҳатларини кўриб чиқишда, айрим муаллифлар фикрига кўра, ёш спортчиларни танлаш тўрт даврга ажратилади:

1. Болалар ва ўсмирларни дастлабки танлаш (бирламчи);
2. Танлаб олинган шуғулланувчиларни танланган спорт турида мувафаққиятли ихтисослашишига қўйиладиган талабларга мослигини чуқур текшириш даври (иккиламчи танлов даври);
3. Спорт йўналиши даври;
4. Терма жамоаларга танлаш даври. Танлаш ушбу даври, спорт мактабларидан ташқарида амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир босқичга, мана шу босқичда ҳал этиладиган масалаларга қараб, ўз хусусиятларига эга бўлади.

Шунинг учун ҳатто илмий методларга асосланган танлашда ҳам, кўпчилик хатоларга айнан мана шу даврда йўл қўйилади. Шунинг учун дастлабки танлов жараёни, ташкилий мазмунда энг мураккаб ҳисобланади. Ва мураббийдан танловнинг назарий, методологик, педагогик, ташкилий ҳамда методик жиҳатларини билишни талаб этади. Қайси хусусиятлар ва уларнинг бирлиги волейболчилар учун жуда хос бўлишини билиш керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, танлаш амалиётида методлар тўпламини танлаш ўрганилаётган кўрсаткичларга расмийлик ва муҳит омиллари, инсон ривожланиш турли даврларидаги таъсирлари ва аҳамияти бир хил даврли омилларни ҳисобга олиб амалга ошириши керак.

Ёши ўсиб бориши билан муҳит омиллари роли ортиб боришини, бу биринчи навбатда, спорт тайёргарлигига мослашиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини эсда сақлаш керак. Танловни амалга ошириб, ҳатто генетик асосдаги хусусиятлари ҳам албатта, мерос бўлиб ўтмаслигини ҳам эсда тутиш керак. Шу билан бирга кўп сонли тадқиқотлар натижалари асосида ва кўп сонли адабиётлар маълумотларини умумлаштириб қатор омиллар мерослилик ҳолатларини худди спорт машқларига бўлгани каби ёки ҳатто кўпроқ аҳамият бериш кераклиги тўғрисидаги хулосага келдилар. Бу танлаш ва тайёрлашнинг дастлабки даврларида айниқса, муҳимдир. Шу билан бирга, спортнинг бир туридан, спортчининг асаб тизимига қаттиқ талаблар қўйилишини, бошқа турларида эса, куч-қувватни таъминлаш системасига, учинчи ҳолатда морфологик хусусиятларига, тўртинчисидан, организмнинг комплекс имкониятлари тизимига талаблар қўйилишини эсдан чиқармаслик керак. Баъзи тадқиқотлар спортчиларнинг морфологик хусусиятлари кўп томондан чидамлилиги, ҳаракатлари тезлиги, кучи имкониятлари ва бошқалар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Бироқ волейбол ва бошқа спорт ўйинларида фойдаланиш мумкин бўлган ўйин фаолияти учун алоҳида, ўзига хос тестлар ушбу муаммо бўйича умумий қабул қилинган тасаввурларни анча кенгайтиради. Мана шу мазмунда ҳаракатли ўйинлар, ўйинли машқлар катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ёш волейболчиларни тайёрлаш биринчи ва иккинчи босқичларида фойдаланиладиган воситалар тайёрлаш учунчи ва тўртинчи босқичига қараганда, камроқ хосликларга эгалиги бошланғич тайёрлаш давринининг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Шу билан бирга бошланғич давр учун ёш волейболчиларга меъерий талаблар фақат жисмоний ва техник тайёргарлик бўйича кўзда тутилган. Фақатгина анча кейинги босқичларида асосан, мусобақалашиш фаолияти натижалари бўйича тактик ҳаракатларни баҳолашдан фойдаланилади.

Бошланғич ўргатиш даврида спорт тайёргарлиги мазмуни хусусан жисмоний сифатларини ривожлантиришга (тизимли, координацион қобилияти, эпчиллиги ва бошқалар) шу жумладан, волейбол ўйини техникаси асосларини эгаллашга қаратилган махсус жисмоний сифатлари ва қобилиятларини тарбиялашга ёрдам берувчи воситалардан фойдаланишдан иборат бўлиши керак. Мана шу масалаларни ҳал этиш учун қатор мутахассислар жисмоний машқлар билан бир қаторда халқ

ҳаракатли ўйинлардан волейбол спорт турига тайёргарлик сифатида фойдаланишни тавсия этадилар.

Адабиётлар:

1. Маслякова В. Массовая физическая культура в вузе. М., «Высшая школа», 1999.

2. Миняев Б. Основы методики физического воспитания. М., «Высшая школа», 1999

BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARINI KASB-HUNARGA YO‘NALTIRISH USULLARI

Iminjonova N.I.
Namangan viloyati Uychi tumani 35-sonli UO`TM o`qituvchisi

Inson bolasi kamolga yetgani sari ilmga, ma’rifatga talpinadi. Dastlabki saboqni ham u maktabdan oladi. Ammo kelajagimiz egalari bo`lgan yoshlarga ta’lim berish, ularni o‘qitish bilan bog‘liq ayrim muammolar bugungi kunda kishini o‘ylantirib qo‘yayotgani tabiiy. Prezidentimizning “Biz o`z iste’dodli fidoyi bolalarimizni kasb va bilim cho`qqilarini zabt etish uchun qanot berishimiz kerak” deb aytgan da`vatlari barcha o`qituvchi murabbylar ma`suliyatini yanada kuchaytirdi desak mubolag`a bo‘lmaydi.

O‘quvchilarni kasb-hunarga yo‘naltirish hozirgi kunda umumta’lim maktablarida ta’lim-tarbiya ishlari bilan birgalikda olib boriladigan uzliksiz jarayondir. Boshlang‘ich sinflarda kasbga yo‘naltirish ishlari dars va darsdan tashqari soatlarda o‘quvchilarning yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda kasb turlari bilan tanishtirish hamda o‘yinlar orqali ularda turli kasblarga bo‘lgan ilk qiziqishlarini aniqlashdan, shuningdek, ko‘rgan va eshitgan ma’lumotlarni yodda saqlash va qayta tiklashning oddiy va murakkab operatsiyalarni (kasbiy ma’lumotni qabul qilish bilan bog‘liq), umumiy o‘quv, mehnat va komunikativ malaka va ko‘nikmalarini (biror bir kasb uchun ahamiyatli bo‘lgan o‘quv fanlarni o‘zlashtirishi bilan bog‘liq) rivojlantirishdan iborat.

Kasbga yo‘naltirish ishlarini boshlang‘ich sinfdan boshlab olib borish o‘quvchining kelajakda to‘g‘ri kasb tanlashiga, hayotda va mehnat faoliyatida o‘z o‘rnini to‘g‘ri aniqlashga yordam beradi. Boshlang‘ich sinfdan boshlab kasbga yo‘naltirish ishlarini olib borishda, avvalo, shu davrga xos bo‘lgan yosh xususiyatlari inobatga olinsa mashg‘ulotlar samarali bo‘ladi.

Shu o`rinda kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarning yosh xususiyatlariga ozroq ta`rif berib o`tsak. Bola boshlang‘ich sinfga kelar ekan, ma’lum muddatga o‘yin uning yetakchi faoliyati hisoblanadi. O‘yin orqali bolaning qo‘l harakatlari va tafakkur operatsiyalari yanada takomillashadi. Shuning uchun birinchi sinflarda kasbga yo‘naltirish mashg‘ulotlari o‘yin tarzida tashkil etilishi lozim. Olti –yetti yoshga kelib bola predmetlarni qismlarga bo‘lib, ularni yana qayta yig‘a oladigan bo‘ladi. Ammo bu qobiliyatning rivojlanishi boladagi badiiy, ijodiy faoliyatning paydo bo‘lishi bilan bog‘liq. Bu yoshda bolalar predmetlarning tuzilishini, ularning makondagi xususiyatlarini, buyumlar qismlarinig mosligini ajrata oladilar. Agar bolada bu qobilyatlar yetarli darajada shakllangan bo‘lsa, bola ma’lumotlarni osonroq esda saqlab qoladi. Maktabda o‘qishning boshlanishiga yaqin so‘z-mantiqiy tafakkur shakllana boshlaydi. Bu esa bolalarda so‘zlar bilan ishlash, o‘z fikrini bayon eta olish va uni asoslash malakasini yuzaga keltiradi. Birinchi sinf o‘quvchilari qaysidir tushuncha bilan ishlashda eng avvalo uning yuzaki, tashqi alomatlarini anglaydilar, ular obektning harakatini (u nima qilyapti?), uning vazifasini (u nima uchun?) aniqlay oladilar, lekin bu predmetning ichki moxiyatini aniqlamaydilar, uni qandaydir guruhga ajrata olmaydilar. Masalan, “traktor”ni ular-“dalada yer xaydash uchun” kerak deb biladilar, lekin “qishloq xo‘jalik mashinasi”degan tushunchaga ega emaslar. Bolalar bu yoshda ma’lumotlarni mexanik, uyushmagan xolda eslab qolishadi. Ularga biror bir mavzuning

umumiy ma’nosini aytib berishdan, matnni yodlab olish osonroq. Diqqat barqaror emas. Bolalar oson chalg‘iydilar, tez charchaydilar. Shuni inobatga olgan holda mashg‘ulotlarni bolalarni qiziqishlariga qarab rejalashtirish lozim. Bolalarga o‘yin, ertaklarni tinglash va muhokama qilish, o‘zi haqida gapirib berish, rebus, krassvordlarni yechish, o‘qituvchidan shaxsiy, aniq maqtov olish juda yoqadi.

Kasbga yo‘naltirish mashg‘ulotlarida yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda, mavjud psixologik o‘yinlarning turli modifikatsiya (turli ko‘rinish)larini qo‘llash lozim. Masalan, sezgi va idrokni rivojlantiruvchi “Sexrli xaltacha” o‘yinidan foydalanish mumkin. Xaltachaga turli kasblar bilan bog‘liq bo‘lgan predmetlar solinadi. Bola xaltachaning ichiga qaramasdan – faqatgina ushlab ko‘rib, predmetning nomini va uni qaysi kasbga tegishli ekanini topishi lozim.

Bu yoshda bolalar ko‘pincha o‘ylamasdan, impulsiv harakat qiladilar, ular qo‘yilgan maqsadga erishishda qiynaladilar. Ularga o‘qish faoliyati, yani yangi bilimlar olish emas, balki o‘qituvchi tomonidan unga qo‘yiladigan baho ahamiyatliroq.

2-4-sinflarda o‘quvchilarning idroki ancha rivojlanadi.Agar 1-sinf o‘quvchilari harflarni va sonlarni adashtirsalar, 2-3– sinflarda bunday xatoliklarda yo‘l qo‘ymaydilar. 3-4- sinf o‘quvchilari endi predmetlarni nafaqat shunchaki nomini aytishlari, balki uni tariflashlari, uning qismlarini inson hayotidagi vazifa va ahamiyatini aytib berishlari mumkin.

2-4-sinflarda rasm asosida hikoya tuzib berish, ko‘rganlarini so‘z bilan tasvirlab berish qobilyatlarini rivojlantirish juda muhim. Bolalarga rasmda qanday voqealar sodir bo‘layotganini tushuntirish, ularni ko`zatilayotgan predmet va hodisalar orasida ichki bog‘liqlikni o‘rnata olish, vaziyat, predmetlarni o‘zaro taqqoslay olish hamda o‘z nuqtai nazarini asoslashga o‘rgatish lozim.

Kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarning yosh xususiyatlaridan siz shunday xulosaga kelishingiz mumkinki, bu yosh davri uchun ko‘rgazmalilik va faoliyat turlarini o‘zgarishi juda muxim. Bu xususiyatlar mashg‘ulotlar majmuasida o‘z aksini topishi kerak.

Masalan, bolalarni oshpaz kasbi bilan tanishtirish uchun quyidagilar kerak: A4 formadagi qog‘oz, rangli qalamlar, “Oshpaz mehnat qurollari”

Tarqatma materiallari, “Krasvord”, “chizishni yakunla”, o‘yini uchun kartochkalar, oshpaz kiyimi.

Mashg‘ulot davomida o‘qituvchi o‘z nutqida bolalarga mos bo‘lmagan so‘zlarning qo‘llamasligi, umumiy tarif esa aniq ifodalangan bo‘lishi, ko‘rgazmali qurollarni tanlashda ham sxema va grafiklarni qo‘llamaslik, ammo, beriladigan tavsiyalar foydali bo‘lishi uchun, mashg`ulot izohlangan (sharxlangan) bo‘lishi muhim hisoblanadi.

Mashg‘ulotlar imkon qadar ko‘rgazmaliroq (fotosuratlar, rasmlar, mehnat qurollari va boshqalar) o‘tkazilib, kasb haqida umumiy ma’lumot 5-7 daqiqadan oshmasligi kerak. Kasb haqida so‘zlab berish uchun mutaxassisning bir kunlik ish faoliyatini misol qilib olish mumkin.Biroq tanlangan shaklga qaramay, ma’ruza boshlang‘ich sinf o‘quvchilari tilida bo‘lishi va o‘zida quyidagi vaziyatlarni qamrab olishi kerak.

- mehnat sharoitlari;
- mehnat qurollari;
- kasb tarixi (kasbning nomi, ushbu kasb qayerdan kelib chiqqan va boshqalar);
- bu kasb bilan ishlashdagi cheklovlar;
- qiziqarli vaziyatlar.

Shuningdek, o‘quvchilar kasb haqida qanday tasavvurga ega bo‘lganlarini baholash uchun rasmli metodikalardan ham foydalanish mumkin, yani u yoki bu kasb egasi, o‘z faoliyatini qanday bajarilayotganini chizib berishlarini so‘rashimiz mumkin. Rasmni mashg‘ulot yakunida chizishlari so‘raladi. Taqqoslash analizi mashg‘ulotni samaraliligini baholash imkonini beradi.

Yoshlarning kasb tanlash muammosi umumiy o‘rta ta’lim boshlang‘ich sinflarida katta o‘rin tutadi. “Mening orzuim”, “Kim bo‘lsam ekan”, “Men sevgan kasb”, “Kasbning yomoni yo‘q”, “Kasbim faxrim” kabi mavzular har bir o`g`il va qiz uchun asosiy

muammolardan biridir. O‘quvchilarning o‘qishga bo‘lgan chaqqonligini qondiruvchi birinchi ziyo – chashma bu maktabdir. O`qituvchining kasb tanlashga yo‘llashdagi vazifasi – har bir o‘quvchini, uning kasbga va bilimga qiziqishlarini, moyillik, ehtiyojlari, atrof-muhitni, oilaviy ahvolini yaxshi va har tomonlama o‘rganishdan iborat bo‘lishi kerak. Abu Nasir Farobiyning kasb borasida “Har bir kishi kasb-korini mukammal bilmog‘i, yaxshi tarbiya olmog‘i va yaxshi hulq fazilatlarga ega bo‘lmog‘i kerak”,- deb aytgan fikrlari juda o`rinli aytilgan fikrdir.

Bizning vazifamiz kelajagimiz bo‘lgan o‘quvchilarni kasb-hunarga, ijtimoiy-iqtisodiy bilimga ega bo‘lgan, bozor sharoitini biladigan har tomonlama tushunadigan, ma’lumotli yigit - qizlarni tayyorlashdan iboratdir.

Foydalanilagn adabiyotlar

4. Muslimov N.A., Sharipov Sh.S., Qo’ysinov O.A. Mehnat ta’limini o’qitish metodikasi, kasb tanlashga yo’llash. – T.: “START-TRASK PRINT” XK. 2014.
5. Эргашев П.С. Ўқувчининг креатив салоҳиятини аниқлашда симметрияга муносабат диагностикасидан фойдаланиш: илмий асослар ва услубий воситалар (услувий қўлланма). // «Maktab va hayot». 2015. №1.

ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Латипов Р *– Низомий номидаги ТДПУ доцент,*
Исмайилова С *– Низомий номидаги ТДПУ магистр*

Мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий хаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Қисқача қилиб айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир. Бу ютуқларимиздан руҳланган ҳолда ўқувчи ёшларни жисмонан соғлом руҳан тетик, ватанга садоқатли шахс сифатида вояга йтказмоғимиз лозим.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратилди. “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди.

Ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугунги авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги кунда ўзбек халқ миллий ўйинлари бўйича ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишларни олиб борилишини юқоридаги қонун ва дастур талаблари даражасида ташкил қилинганлиги, ёш авлод тарбиясига ва кундалик ҳаётга татбиқ қилиниши шу кун талабига жавоб бериши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Термиз шаҳрида Алпомиш ўйинлари фестивали, уч босқичли “Умид ниҳоллари,” “Баркамол авлод” ва “Универсиада ”спорт мусобаларини ўтказилиши, “Алпомиш” ва “Барчиной” жисмоний баркамоллик меъёрини ишлаб чиқилиши, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан берилаётган эътибордир. Дунёга машҳур полвонлар ва буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобурларни тарбиялашда ўзбек халқ миллий ўйинларини ўрни катта эканлигини ўзи, ўзбек халқ миллий ўйинларига бўлган қизиқишни оширади.

Миллий ўйинлар ҳам жисмоний машқлар сингари ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний чиниқтириш ва соғломлаштириш воситаси сифатида ўрни беқиёсдир.

“Қувлашмачоқ”, “Учинчиси ортиқча” “Бўш жой”, “Кун ва тун” ўйинлари ёшларни жисмоний сифатларини тарбиялаш билан ўзаро дўстлик, рақибини ҳурмат қилиш маданиятини оширади.

Ҳозирги кунда ўтказиладиган “Икки аёз”, “Қувноқ болалар”, “Оқ теракми кўк терак” ўйинлари болаларни хотирасини, нутқ маданиятини ривожлантириш, ўзаро бирлик, дўстлик алоқаларини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Байрамларда ўйналадиган “Дор” ўйинлари болаларни ҳаракат малакаларини мустаҳкамлаш билан бирга уларни жасур, қўрқмас ва довюрак бўлишларида, “Кўз боғлағич” ўйини эса атроф муҳитни, ҳавф-ҳатарни сезги аъзолари орқали ҳис қилишни ривожлантиради.

Ўзбек халқ миллий ўйинларини ўргатилиши ва уларни зарурий илмий-услубий тавсиялар, кўргазмали қуроллар ва адабиётлар билан таъминланиш ҳусусида ўтказилган сухбат натижасида қуйидагилар аниқланди.

1. Ҳозирги кунда ўзбек халқ ўйинлари ҳақида илмий-услубий адабиётлар ва кўлланмалар сони етарли эмас.

2. Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида халқ миллий харакатли ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишга етарли эътибор берилмайди .

3. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мутахассис чиқарувчи йўналиш, ўқувчи ва талабалари учун халқ миллий харакатли ўйинларга ажратилган соат кам.

Ўзбек халқ миллий ўйинларини ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

1. Ўзбек халқ миллий ўйинлари, уларни ҳаётга тадбиқ этиш услублари бўйича илмий изланишларни ташкил этиш, услубий қўлланмалар ва адабиётлар сонини етарли даражада чоп этиш.

2. Мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрти учун алохида қилиб узвийликни сақлаган ҳолда дастурлар ишлаб чиқиш.

3. Миллий халқ ўйинлари бўйича мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида, аҳоли яшаш жойларида мусобақалар ташкил этиш.

Юқорида таклиф этилган тадбирлар амалга оширилса ўзбек халқ миллий ўйинларини баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти янада ортади.

Адабиётлар:

1.Жуков М.Н. Подвижние игри: Учеб. для студ. пед. вузов. М.: Издателский центр «Академия» 2000. - 160 с.

2. Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

3. Maxmudov B.A. Sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi (harakatli o‘yinlar). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИГА САРАЛАБ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шукурллаев Ж. *- ТДПУ магистри*

Дунё давлатлари орасида спортнинг ўз ўрни ва моҳияти жуда катта салоҳиятга эга бўлиб келмоқда. Шу билан бир қаторда бизнинг Давлатимиз ҳам ўз ўрнига эгадир. Айниқса, мустақилликка эришгандан кейин спортчиларимиз натижалари яққол кўзга ташланиб қолди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуслари жисмоний тарбия ва спортни ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасидан жой олди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисидаги” PQ-3031-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги “Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 864-сонли каби қарорлари қабул қилинди. Йилдан йилга Республикамизда ҳалқаро ва жахон миқёсидаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанавий тадбирлар таркибидан жой олмоқда. Ушбу қилинаётган самарали ишлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида улкан ислоҳатлар, беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имкониятларини яратди. Бу борада барча устувор спорт турлари каби қайд этилган оммавий спорт мусобақалари ва Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган, энг оммавий деб танилган волейбол спорт турига ҳам аълоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки волейбол спорт турига қўйиладиган талаблар биринчи навбатда танлашда олинган маълумотларга таяниш имконини беради. Ёш волейболчиларни босқичма-босқич танлаш ва тайёрлашнинг бошланғич даври мазмуни махсус аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчилари ичидан ёш волейболчиларни саралаб олиш жараёни умумий тайёргарликка, мунтазам равишда шуғулланишга ундашга, ҳаракат малакаларини такомиллаштиришга, қийинчиликларни енгиб ўтишга ва мусобақаларга тайёрлаш, қачонки бир неча мусобақаларда ёки ушбу мусобақада қарши курашишга энг юқори тайёргарликни яратиш бўйича иш ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади ёки замин яратади.

Бошланғич синф ўқувчилари ичидан ёш волейболчиларни саралаб олишнинг мазмуни узоқ келажакни олдиндан кўра билиш, келажакда юксак натижаларга эришиш хусусан жисмоний сифатларини ривожлантиришга (тизимли, кординацион қобилиятли, эпчиллиги ва бошқалар) шу жумладан, волейбол ўйини техникаси ва тактикаси асосларини эгаллашга қаратилган махсус жисмоний сифатлари ва қобилиятларини тарбиялашга ёрдам берувчи воситалардан иборат. Саралаб олиш жараёнида спортчиларни махсус кузатишлар ёрдамида волейбол ўйинига кўникмалари ва малакаларини муваффақиятли эгаллашга қобилиятлари тўғрисида фикр юритиши мумкин бўлган маълумотлар олинади. Уларнинг соғлиқларини ҳисобга олиб ёш спортчининг қизиқишлари уларнинг волейбол билан шуғулланишларига ота-оналарнинг муносабатлари, шуғулланувчининг меҳнатсеварликлари ва иродавий сифатлари ва шу кабилар аниқланади. Бошланғич синф ўқувчилари ичидан волейбол спорт турига танлаб олиш шу жумладан уни танлаган спорт йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинган ҳар бир шахс сифатида шаклланиши, касбий педагогик билим, кўникма ва малакаларни чуқур ўзлаштириш билан бир қаторда, юксак маънавий ва маданий ҳисларга эга бўлиши, ақлан теран, мустақил фикрловчи, ижодкор, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида жо қилган, мураккаб вазиятларда ташаббус ва маъсулиятни ўзига олишга қодир, кенг дунёқарашга эга бўлган инсон бўлиб этишиши тақдим этилаётган мақоланинг устувор мақсади қилиб белгиланган.

Бошланғич синф ўқувчилари ичидан волейбол спорт турига саралаб олиш жараёнида қуйидаги усулларни амалга ошириш лозим:

-ўқувчилар ичидан волейбол спорт турига мойиллиги бор, генетик қобилиятли ва чидамли, тез ва тўғри қарор қабул қилишлиги, ҳиссий сезувчанлигига эга бўлган болаларни аниқлаш;

-бошланғич синф ўқувчиларига мос бўлган ҳаракатли ўйинлар тизимини ишлаб чиқиш ва улардан фойдалиниш самарадорлигини ўрганиш;

-жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигидаги ўзини камчиликларини бартараф қилиш устида ишлашга, ўйинда кўзланган кўрсатмани тайёрлашга белгиланган режаларни амалга оширишда ўзларининг кучларида ишонч ҳосил қилишни яратиш ёки шакллантириш;

-янги ҳаракатни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган турли қийинчиликларни енгиш, ностандарт машқлардан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш.

Бу усуллар ёрдамида ёш волейболчиларни саралаб олиш ва тайёрлаш жараёни спортчиларнинг сифат даражасини билишга асосланади. Волейбол ўз моҳияти, мазмуни ва хусусияти билан бошқа спорт ўйинларидан фарқ қилади.

Адабиётлар:

1.Маслякова В. Массовая физическая культура в вузе. М., «Высшая школа», 1999.
2.Миняев Б. Основы методики физического воспитания. М., «Высшая школа», 1999.

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ УЗЛУКСИЗ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Матниязов Х. *– Ургенч давлат утиверситети*

Республикамизда ижтимий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини мамлакатнинг кадрлар сиёсати борасидаги эҳтиёжлари аосисда янгилаш ва такомиллаштириб боишни талаб этади. Шу боисдан таълим тизмини замонавий ижтимоий-таълимий эҳтиёжлари асосида ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган ҳар томонлама етук ва юксак маънавиятли комил инсонлар этиб тарбиялаш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири хисобланади.

Яқин ўтмишда мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган бўлса-да, бу тизимда кадрларнинг назарий тайёргарлигига устувор тарзда аҳамият қаратилиб, бу йўналишда айрим камчиликлар ҳам мавжуд бўлган. Бу камчиликлар тизимида жараённинг миллий характердаги имкониятлари ўз аксини топмаганлиги; назарий билимларни амалиётда қўллаш масаласига, шунингдек, бу жараёнда таълимнинг замонавий метод ва технологияларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланмаслик; даврнинг устувор соҳаларига жадал суръатларда мослашимаслик каби масалаларда камчиликлар мавжуд бўлган. Шунингдек, таълим тизимининг айрим соҳаларининг илмий-педагогик асослари тўла ишлаб чиқилмай туриб, бир таълим тизимидан иккинчисига ўтиш ҳолатлари ҳам юз бердики, уларнинг барчаси таълимнинг айрим соҳаларида ислоҳларни амалга ошириш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикасида кучли демократик ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши кейинги йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларида янгиланишлар учун замин яратади. Бу эса, ўзида юқори маънавий-ахлоқий, мустақил ижодий фикрлаш сифаталарига эга, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ислоҳотлар шароитида муваффақиятли фаолият юрита оладиган, юксак касбий компетенцияга эга бўлган мутахассисларни тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифани белгилаб берди. Бу долзарб муаммонинг ечими сифатида соғлом, жисмоний баркамол шахсни тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритар экан: “Келажак бугундан бошланади, ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади.

Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз! Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг замирида тарбия ётади”, - деб таъкидлаган эди. Ва бу фикрлар билан бугунги кунда жамиятнинг янгиланиши, ҳаёт тараққиёти ва истиқболи, барча соҳадаги ислоҳотлар самарадорлиги юқори малакали, онгли мутахассислар тайёрлашга боғлиқ эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Жисмоний тарбия ва спорт шахсни жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан такомиллаштириб боришнинг муҳим омили ҳисобланади. Зеро, спорт иродани

мустаҳкамлайди, инсони ўз мақсадига эришишга бўлган интилишни, ғалабага бўлган ишончни, ўз ватани шуҳратини бутун жаҳон олдида юксакларга кўтарадиган ютуқлардан ғурурланиш ҳиссини тарбиялайди.

Ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий соғлиққа эришиш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Ёшларда фаол ҳаётий дунёқарашни шакллантириш, ахлоқий сифатларни, меҳр ва мурувватлилик ғояларини тарбиялашга қаратилганлик жисмоний тарбия ва спортнинг турли восита, шакл ва методларини қўлланиши бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоғи лозим.

Айни пайтда мактабда ўқувчиларни жисмоний баркамол шахс сифатида тарбиялашни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш бугунги кун педагогикасининг долзарб муаммоларидан биридир. Мазкур йўналишда амалга оширилган миллий ва хорижий тадқиқотларнинг таҳлилларидан аён бўладики, бу борада ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд, яъни мактаб жисмоний тарбияси муаммоларига оид изланишлар етарлича амалга оширилмаган.

Бевосита бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда бу жараёнда талабаларнинг педагогик амалиётини ташкил этишга оид айрим хорижий манбаларнинг таҳлилларида аён бўлдики, бизнинг тадқиқотимиз нуқта назаридан муаян қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.Н.Двоеглазовнинг педагогик амалиёт шароитида касбий-педагогик малакаларини шакллантириш, В.П.Каргаполовнинг жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий шаклланиши, В.П.Беликнинг педагогика институтларида жисмоний тарбия факультети талабаларини касбий тайёргарлигининг айрим масалалари, О.А.Аяшевнинг педагогик олий ўқув юртларида жамоатчи жисмоний тарбия кадрларини тайёрлаш тизими масалалари тадқиқ этилган бўлса-да, бу тадқиқотларда бевосита бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг узлуксиз педагогик амалийтини ташкилий-педагогик хусусиятлари масалалари ўрганилмаган.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, бевосита алоқадор бўлмаса-да, бизнинг тадқиқотимиз учун ўзига хос йўналиш берувчи, методологик асос вазифасини ўтовчи тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Бу борада Л.К.Антоновнинг жисмоний тарбия институтлари талабаларида касбий малакаларни шакллантириш, С.Ю.Балбенконинг жисмоний тарбия ўқитувчисининг шахсияти ва уни олий таълим тизимида шакллантириш, С.А.Гараниннинг жисмоний тарбия ўқитувчисини ўзининг касбий маҳоратини баҳолаши унинг профессионал онгини ривожланганлик даражасининг белгиловчи омил эканлиги ҳақидаги илмий ғоялар соҳада бир қатор йўналишларни такомиллаштириш учун назарий манба вазифасини ўташи мумкин. Шунинг учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим.

1. Тадқиқот мавзуга оид илмий-методик манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

2. Олий таълимда анънанавий тарзда қўлланиб келинаётган педагогик амалиёт тизимини танқидий ўрганиш таҳлил қилиш.

3. Узлуксиз педагогик амалиётни тизимлаштириш концепциясини яратиш.

4. Талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиётини ташкил этишнинг мазмун ва ташкилий-педагогик жиҳатдан такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш.

5. Узлуксиз педагогик амалиёт тизимини моделлаштиришнинг назарий асосларини аниқлаш.

6. Талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиётини такомиллаштирилган тизимини тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда унинг натижаларини илмий асослаш.

7. Талабаларнинг узлуксиз педагогик амалиётининг такомиллаштирилган тизимини амалиётга жорий этиш юзасидан илмий асосланган методик мажмуа яратиш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш асносида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий фаолиятида ижобий натижаларга эришишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 5б.
2.Latipov R.I. Jismoniy madniyat (1-qism). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018
3.Maxmudov B.A. Sport va harakatli o‘yinlarni o‘qitish metodikasi (harakatli o‘yinlar). O‘quv qo‘llanma. TDPU nashriyoti. Toshkent-2018 y.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСИДА МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Хужамов Б. *– Низомий номидаги ТДПУ*

Президентимиз Ш.Мирзиёев ёш авлод тарбиясига катта аҳамият бериб, шундай деган эди: "... ёш авлодни тарбиялаш биз учун энг асосий вазифадир" деб таъкидлаган. Шундан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон педагогика жамияти тарбиянинг ноодатий бўлган шакл ва усулларини излаб топиш, ўсиб бораётган авлодда мустаҳкам умуминсоний ишонч, қарашни шакллантириш; шахсда миллий маданият ва қадриятларни ҳурмат қилиш, авайлаб асраш туйғуларини ўстиришга диққатни қаратмоғимиз лозим. Шу фикрларга асосланиб, ўсиб бораётган авлоднинг тарбия тизимида халқ педагогикаси тажрибалари, жумладан, миллий ҳаракатли ўйинлар ёшларнинг характери ва онгини бошқарувчи восита, асосий куч деб ҳисоблаш мумкин.

Болани ўйинга ундаган омил унинг катта ёшдаги одамларнинг борлиқ тўғрисидаги ва шахслараро муносабати ҳақидаги тасаввури ва уларни шахсий фаолиятида синаб кўриш истаги, шунингдек, жамоа бўлиб ўйнаётган тенгқурлари билан бевосита мулоқотга киришиш иштиёқидир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: а) ўйин фаолиятида бола турли ҳаракатларни тўлалигича намойиш этишга, уларни бажариш усулларини кўрсатишга иштиёқманд бўлади; б) кейинчалик эса барча хатти-ҳаракатларни умумлаштириб акс эттиришга уринади.

Ҳақиқатан ҳам болани ўйинлар билан машғул қилиб, буюк ишларга тайёрлаш мумкин. Ўйин болалар учун эрмак эмас, балки уларнинг куч ва қобилиятини ўстиришга ёрдам берадиган муҳим воситадир.

Гўдаклик давридан мактабгача ёшга ўтган боланинг фаолияти катталар раҳбарлигидаги фаолиятдан мустақил ўз-ўзини назорат қилиш даражасига ўсиб ўтади. Бироқ, юқорида таъкидланган барча шарт-шароитлар ўзаро узвий бўлмаслиги сабабли ҳар қандай ўйиннинг негизи вазифасини ўтай олмайди ва шунга кўра маълум даргача ўйин фаолияти предметларга боғлиқ тарзда амалга ошади. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ўйин ўз ўзидан вужудга келмайди, бунинг учун камида учта шароит мавжуд бўлиши керак:

а) боланинг онгида уни қуршаб турган воқелик тўғрисидаги хилма- хил таассуротларнинг таркиб топиши;

б) ҳар хил кўринишдаги восита ва тарбиявий таъсир усулларининг мавжудлиги;

в) боланинг катталар билан тез- тез муомала ва мулоқотга киришуви. Бунда катталарнинг болага бевосита таъсир кўрсатиш услуби қилувчи роль ўйнайди. Бу объектив шарт-шароитнинг ўзи миллий халқ ҳаракатли ўйинларини ташкил этиш, яратиш учун ҳали етарли эмас, бунинг учун бола билан катталар ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартириш лозим. Акс ҳолда мустақиллик вужудга келмайди. Қадимдан ота-боболаримиз ҳам болаларда аввало қаттиққўллик билан иродани, мустақилликни тарбиялаб, жуда кўп мақсадларни кўзда тутишгани маълум. Бунда катталар болаларга нисбатан талабчанликни ошириб, болани мустақил равишда

ҳаракат қилишга ўргатишлари лозим. Шунга ўхшаш тадбирлар болада мустақиллик ва мустақил фаолиятни ташкил қилиш уқувини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги бола аста-секин катталарнинг ҳаёти ва фаолияти дунёсига кириб боради, олдин ҳамкорликдаги фаолиятда намоён бўлган ижобий ҳис-туйғулар, шижоат ва дадиллик сари етакловчи руҳий кечинмалар намуна даражасидаги катталарнинг руҳий оламига кўтарилади. Мактаб ёшида боланинг ўзи мустақил равишда катталарнинг ҳаёти ва фаолиятига кириш йўлларини топа бошлайди. У кейинчалик катталар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳасида, шахслараро муносабатларида қатнашиш истагини кўрсатадиган бўлади. Шунинг учун халқ миллий ҳаракатли ўйинлари катталар билан бола ўртасида янгича муносабатни вужудга келтиради ва бу муносабатда миллий хусусиятлар: ўз юртини қадрлаш, ҳурмат қилиш, катталарга ҳурматда бўлиш каби фазилатлар шаклланиб, таркиб топиб боради. Ўйин фаолияти ўзининг мазмуни ва моҳияти билан ижтимоийдир. Миллий ҳаракатли ўйинлар бола мустақил фаолиятининг ёрқин намунаси бўла олади, бу жиҳатдан ўйинларнинг мазмуни орқали у катталарнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Ўйинда ана шу ўйин шароити ва предметли ҳаракатларнинг ўзаро муносабатида асосий эътибор предметлар билан кўпинча ҳаракат қилишга қаратилишини, бунда предметли ўйинлар масалан: тош билан, чопон, дўппи билан ва ҳоказолар бола ҳаракати учун етакчи фаолият вазифасини ўташини ҳам айтиб ўтиш керак бўлади. Аммо бола ўйинларда қандайдир вазифани бажара олади, буни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Масалан, бирор предметни бир объектдан иккинчисига етказишга белгиланган ўйинларда шундай ҳолат рўй бериши мумкин. Миллий ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш жараёнида бошланғич мактаб ўқувчиларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак:

1. Боланинг катталар фаолияти, уларнинг предметларга муносабати ва ўзаро муомаласига, муносабатига қизиқиши.

2. Болалар халқ ҳаракатли ўйинлари атрофдаги воқеликнинг энг ташқи ифодали, жўшқин ҳис-туйғули жиҳатларини акс эттиришини.

3. Миллий ҳаракатли ўйинларда боланинг катталар билан бир хил шароитда, ягона заминда яшаётганини ҳис этган ҳолда ўз истагини амалиётга тадбиқ қила олиши.

Бизга маълумки, ўқувчиларнинг бир гуруҳи ўрганиш материалларини тез, иккинчи гуруҳ нисбатан кечроқ, учинчи гуруҳ эса анча кеч ўзлаштириб оладилар. Ундан ташқари, ўрганиш материалларини ўзлаштиришда умумий жисмоний тайёргарлик катта аҳамиятга эга. Боланинг жисмоний тайёргарлигига иқтисодий шароитлар: турар жойи, оиланинг моддий аҳволи, болалар сони, ота-онанинг билими, дунёқараши ва уларнинг иш жойи, унвони ҳамда бошқалар таъсир кўрсатиши мумкин.

Адабиётлар:

1.Пулатов А.А, Исроилов Ш.Х. Волейбол назарияси ва услубияти. Ўқув қўлланма. ЎзДЖТИ нашриёти. Тошкент-2007 й.

2.Raximqulov K.D. “Milliy harakatli o‘yinlari” O`quv qo`llanma T: 2012

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОНА ТИЛИ ДАСРНИ ЎҚУВЧИЛАРГА ЧУҚУР ЎРГАТИШ

Каримова К.Ю

Наманган вилояти 35-сонли УЎТМ ўқитувчиси

Бугун миллатимиз зиёлиларини чуқурроқ фикрлашга мажбур қилаётган нарса “оммавий маданият” хуружларининг кенгайиб бораётганлигидадаир. Бу барча соҳа вакилллари каби педагогларни ҳам ташвишга солмоқда. Чунки она тил дасрлаида замонавий ўқитиш турларидан фойдаланиш орқалий, талаба ёшлар сўз бойлигини оширишга тафакурини, илғор ютуқлари ёш авлод онгининг шаклланиши, фан-

техника ютуқларининг вужудга келиши ва кўпайишига хизмат қилади. . Чунки таълим-тарбия тизимида она тилини ёш авлодга чуқур ўргатиш, уларда тил маданиятини шакллантириш юзасидан изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатларнинг мазмунини ошириш она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Шунга кўра, ўқитувчилар она тили машғулотларида замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиши, ўқитишнинг янги усул ва методларини фаол қўллай олиши зарур. Дарҳақиқат, она тили дарсларининг самарадорлиги ўқитувчининг ўқитиш методларини мукаммал билиши, методни танлай олиши ва уларнинг ҳар бирини ўз ўрнида қўллай олишига боғлиқ. “Метод” сўзи қандай маънони ифодалайди? “Метод” юнонча сўз бўлиб, тадқиқот ёки билиш йўли каби маълумотларни ифодалайди. Бу тушунча фалсафий ва дидактик маъноларга эга. Фалсафий маънода “Метод” тушунчаси табиат ва жамият ходисаларини кузатиш ҳамда воқеликка илмий нуқтаи ёндашиши демакдир. Дидактик маънода, бу тушунча ўқувчиларни билим, малака, ва кўникмалар билан қуроллантириш йўлларини ифодалайди. Айрим фанларни ўқитиш билан алоқадор масалаларни хусусий методика ўрганади.

Она тили дарсларида хилма хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу борада тадқиқотларда бир қатор методлар тавсия этилган. Уларни қуйидаги тавсифларда янада яққол кўрамиз.

Тушунтириш-намойиш этиш методи. Маълумки, ўқитувчилар томонидан билимлар тайёр ҳолда берилади. Она тилининг қонун-қоидалари ўқитувчи томонидан тушунтирилади ва уни мустаҳкамлаш мақсадида мисоллар келтирилади. Ўқитувчилар баён қилинаётган билимларни тинглайдилар ва хотирада сақлашга ҳаракат қиладилар.

Муаммоли баён қилиш методи. Ўқитувчи ўқувчилар олдига маълум бир муаммо қўяди ва уларнинг мустақил ақлий фаолият кўрсатишларини таъминлаш орқали бу муаммони ҳал қилишга киришади. Таълимнинг бу методи ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг ўқитувчи раҳбарлигида мустақил тахлил этилиши, кузатилиши, гуруҳланиши, умумлаштирилиши билан ажралиб туради. **Тадқиқот (ижодийлик) методи.** Бу метод ўқувчидан тўла ижодийликни талаб этади. Янги билимлар олиш мақсадида ўқувчи ўзи масала тузиши ва уни тўла мустақил равишда ҳал қилиш йўлларини излайди. Ўқитувчи томонидан бериладиган ижодий-амалий топшириқлар ҳам ҳеч қандай ёрдамсиз ёки намунага асосланмаган ҳолда бажарилади.

Она тили машғулотларида бажариладиган қатор мустақил иш турлари:

а) нуқталар ўрнига зарур ҳарфлар, келишик қўшимчалари, сўзларни топиб қўйиш;

б) маълум бир сўзни унинг маънодоши, уядоши, қарама-қарши маъноли сўзлар билан алмаштириш:

д) берилган гаплар ёки матннинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини ўзгартириш;

э) берилган таянч сўзлар ёки сўз бирикмаларидан фойдаланиб, гаплар ёки матнлар тузиш ўқувчилардан қисман изланишни талаб этади. Чунки бу топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчи маълум даражада ёрдам олади. Берилган сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар ўқувчига топшириқни бажариши учун кўмаклашади.

Она тили машғулотларида ўқувчи фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, албатта. У, биринчи навбатда, ўқитувчи томонидан тўғри танланган методга боғлиқ. Тўғри танланган метод ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи таълим методини танлашда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- танлаётган методнинг ўрганиладиган тил материали мазмунига мувофиқ келиши, мавзунинг мураккаблик даражаси, ўрганилаётган ўқув материали юзасидан

ўқувчиларда айрим тушунчаларнинг мавжудлиги, ўқув материалининг ҳажми, таълим методини танлашга таъсир кўрсатади;

- танлаётган метод она тили таълимининг асосий ўрганилиши кўзда тутилган мавзунинг хусусий мақсадига мувофиқ келиши шарт;

- метод ўқувчиларнинг ўзлаштиришини, мустақил ишлаш даражасини, ёш ва шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир неча методдан фойдаланса бўлади. Масалан, ўқувчилар томонидан билимларни мустақил эгаллаш жараёнида ўзлаштириши бўш ўқувчилар учун қайта хотирлаш ва қисман изланувчанлик методларидан фойдалансак, ўзлаштириш даражаси юқори бўлган ўқувчилар учун кўпроқ изланувчанлик методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

- она тили дарсида қўлланилаётган метод мавзулараро, билимлараро ва фанлараро боғланишларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Ўқувчиларнинг орфографик, орфоэпик ва пунктуацион малакалари устида излаш маълум бир бўлим доирасида чекланмайди. Бу малакалар деярли ҳар бир она тили машғулотида такомиллаштирилади;

- таълим методи она тилидан бериладиган билимларнинг манбаига ҳам боғлиқ. Агар ўқувчи билимларни ўқитувчининг жонли сўзидан оладиган бўлса, тушунтириш-намойиш этиш методи ўқувчиларнинг мустақил изланиши билан қўшилади, агар билим берилган топшириқларни бажариш асосида ўрганиладиган бўлса, асосан, ўқувчи фаолияти билан боғлиқ методларга мурожаат қилинади.

Хулоса қилиш керакки, она тили машғулотларида қўлланиладиган ҳар бир метод ўқувчиларда:

- она тилига оид билимларни ўзлаштиришга хизмат қилиши;

- тил маданиятини эгаллашга иштиёқни ошириши;

- она тилининг гўзалликларини ҳис қилиш ва ўз тили билан фахрланиш ҳиссини қарор топтириши лозим.

Адабиётлар:

1. Сафарова Р.Г. ва бошқалар. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. Тошкент. «Фан», 2008.

2.Бошланғич таълим концепцияси. / Р.Г.Сафарова ва бошқ. – Т.: РТМ. 2014.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ПОВЫШЕНИИ БЛАГОСОСТОЯНИЯ СТЮДЕНТОВ

Турғунов Б. *– ЖГПИ*

В последнее десятилетие наблюдается тенденция улучшения нормативных представлений относительно здоровья, особенно у мужчин. Это можно объяснить влиянием западных норм условий жизни, где здоровье рассматривается как качественная характеристика любого профессионала. Забота о здоровье становится элементом имиджа преуспевающих, серьезных деловых людей. Это позитивное явление реформ. Вместе с тем отмечается, что ценность здоровья в нормативных представлениях повысилась, но еще не стала фактом сознания, остается на уровне моды. Реальное поведение под влиянием изменившихся условий ухудшилось у женщин и осталось прежним у мужчин. Встречаются мнения, предполагающие достаточно жесткие меры по вовлечению молодежи в режим само оздоровления средствами двигательной деятельности. Авторы предлагают следующие кардинальные меры. Во-первых, ввести в вузах вступительные экзамены по физической подготовке и по их итогам при несоответствии оценки в аттестате фактическому состоянию обязать приемные комиссии вузов передавать материалы в Министерство образования для признания аттестатов о среднем образовании недействительными. Во-вторых, в приложении к вузовскому диплому выставлять

оценку по физическому воспитанию, а не зачет. В-третьих, аннулировать диплом и наказывать лиц, выдавших диплом при несоответствии действительной физической подготовки оценке в дипломе. В-четвертых, всё учебное время, отведенное программой на физическую культуру, посвятить одному виду спорта или нескольким, в зависимости от спортивной базы вуза.

Спортивно ориентированное физическое воспитание согласуется с теорией личностно ориентированного воспитания и с теорией деятельностного подхода к воспитанию. Поэтому попытки сохранить в физкультурном воспитании студентов позиции стандартно-нормативного физического воспитания с дополнением лишь валеологических знаний обречены на неудачу. В вузы приходят уже состоявшиеся личности, выбравшие специальность и, безусловно, имеющие право выбора вида спорта или системы физических упражнений на занятиях по физической культуре. Эти интересы к видам занятий не только воспитываются, но и формируются в процессе 18-летней социализации личности студента. И обязанность вузовских педагогов — учитывать эти интересы, создавать условия для их реализации. Только в этом случае реализованные интересы превращаются в потребность и привычку к занятиям спортом, которые являются основой физической культуры личности. Под методом спортивного воспитания понимают способы работы педагога и обучающегося, при помощи которых происходит овладение знаниями, умениями и навыками, развиваются необходимые качества и способности, формируется мировоззрение. Сама природа спорта обладает мощным воздействием на личность. Воспитательное значение спорта очень велико: он закаляет характер, учит преодолевать трудности, формирует личность, заставляет бороться со своими слабостями, преодолевая себя. Благодаря спорту человек учится контролировать свои эмоции, понимать красоту. В спорте человек впервые начинает постигать азы правовой культуры, усваивать правила «честной игры». Спорт выступает мощным фактором социализации, проявления социальной активности. Именно в спорте может родиться настоящий руководитель и организатор, поскольку спорт во многом моделирует жизненные ситуации. Одна из основателей спортивно ориентированного физического воспитания учащейся молодежи отмечает, что в процессе адаптации технологических достижений в области спорта в интересах целенаправленного преобразования физического потенциала человека принципиальное место должно занять признание приоритета тренировки как ведущего и самого эффективного способа такого преобразования. Подчеркивается, что это особенно важно для повышения эффективности физического воспитания учащейся молодежи, где до сих пор приоритетную роль играет обучение двигательным действиям и формирование двигательных умений и навыков, в результате чего упускаются наиболее благоприятные возможности для развития качеств человека в сенситивные периоды его возрастной эволюции.

С биологической точки зрения тренировку следует рассматривать как процесс направленной адаптации организма к физическим нагрузкам. Анализируя цели тренировки, автор подчеркивает, что они определяются общими социальными и личностными установками человека на достижение им физического совершенства. Цель физической тренировки определяется необходимостью создания фундамента его физического здоровья, основы его кинезиологического потенциала. Таким образом, применительно к решению задач физического воспитания под оздоровительной тренировкой следует понимать педагогический процесс адаптации организма к физическим нагрузкам с целью укрепления здоровья и совершенствования физического потенциала человека. Необходимость использования оздоровительной тренировки с целью совершенствования физического воспитания сегодня признается многими специалистами. Это связано с тем, что методика проведения занятий по физической культуре, сложившаяся в системе образования, не способствует реализации оздоровительных задач в полной мере, поскольку направлена главным

образом на освоение двигательных навыков и по своей физической нагрузке недостаточна для достижения тренированности организма. Для повышения оздоровительной эффективности физического воспитания при его планировании преимущество должны иметь физические упражнения, оказывающие разностороннее воздействие на организм и выраженный тренирующий эффект, поскольку физические нагрузки, не вызывающие напряжения физиологических функций и не обеспечивающие тренирующего эффекта, не оказывают достаточного оздоровительного воздействия.

Литаратури:

1.Маслякова В. Массовая физическая культура в вузе. М., «Высшая школа», 1999.

2.Миняев Б. Основы методики физического воспитания. М., «Высшая школа», 1999.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ГИМНАСТИКАНИНГ ЎРНИ

Хожимирзаев Ш.- *НамДУ*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси ва доимий рахнамолигида жисмоний тарбия ва спорт борган сари Давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида ривожланиб бормоқда. Шунингдек, “Жисмоний тарбия ва спорт туғрисида”ги Қонун, ҳамда ушбу соҳа бўйича қабўл қилинган ва айни кунда изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилиб келинаётган қатор ҳукумат қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса, бу борада гимнастика турларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши таҳсинга сазовордир.

Гимнастика ҳақида сўз юритилса, аввало спорт гимнастикасини тушуниш лозим. Яъни, улар мазмун ва шакл жиҳатдан бир-бирга ўхшаш, боғлиқдир, яъни:

- махсус асбобларда бажариладиган мураккаб машқлар мажмуаси (спорт класфикацияси асосида);
- асосий гимнастика умумривожлантирувчи машқлар (дарслар, спорт машғулотлари бошида қўлланувчи мажмуий машқлар), эрталабки чигал ёзиш (зарядка) машқлар тўплами;
- ёрдамчи гимнастика: даволовчи (шифокорлар қўллайдиган) машқлар; Ритмик, гимнастика-аэробика, валеология(соғломлаштириш) тадбирлари.

Тана аъзоларини баъзи қисмларини (елка, тирсак, кўкрак, сон ва қорин мушаклари) турли хил машқлар (тортилиш, итариш, юк кўтариш ва х.к.) воситаси билан махсус ҳаракатлар орқали ривожлантириш (оддий ҳолдан бўрттириб кўрсатиш) гимнастика ҳисобланади. Тирсакларни букиб тортиниш, бўйин,елка, кўкрак, қорин ва оёқларни тириштириб тортиш натижасида мушакларнинг бўртиб, шишиб чиқишларини намоий қилиш мусобақаларни телекўрсатувларда кўпроқ намоиш қилиб борилади. Уларни кўрмаган ва қизиқмаган ёшлар кам бўлса керак.

Айтиш мумкинки, мушакларнинг бу даражада ривожланишига кўп меҳнат ва йиллаб вақтларни сарфлашга тўғри келади. Уларнинг саломатлик учун ҳусусиятлари турли хил бўлиши мумкин, яъни:

1. Ҳар доимо тетик, кучни ҳис этиш;
2. Совуқларга чидаш, тезда касалликка берилмаслиқ
3. Тана тузилишини чиройли, катта бўлиб кўринишингиздан мамнун бўлиш, фахрланиш;
4. Ҳаракат қилишга қобилиятли бўлиш.

Ушбу ҳусусиятлар ва амалий фаолиятлаарни оила муҳитида ота-оналар болаларга сингдириш ва уларнинг соғлигин мустаҳкамлаш ҳамда спортга қизиқиш

ҳис-туйғуларини тарбиялашда гимнастика машқларидан фойдаланишлар мумкин. Бу йўлда эса:

- 1-3 ёшдаги ўғил-қиз болаларга пластмасса гантель, ички қипиқ, қум, эски латта-пахта билан тўлдирилган чарм тўплар (05-1кг), гантель сифатли йўнилган ёғочларни олиб бориш ва улар билан ўйин пайтларида турли машқларни (кўтариш, ёнга ёзиш, ўтириб-туриш, жойда сакраш ва ҳ.к) бажаришга одатлантириш;
- 4-5, 6-7 ёшдаги болаларга юқорида кўрсатилган асбоб-ускуналарнинг шакли, вазни иошрилган ҳолда ҳар хил машқларни бажаришга ўргатиш. Уларни ўйин пайитларида ўзлари мустақил равишда бажаришга одатлантириш.

Болаларни 5-7 ва ундан кейинги ёш даврларида эса:

- Орқа ва олдинга суянган ҳолда (ер, каравот, ўтирғич) тирсакларни букиб-ёзиш (куч ишлатиш);
- Махсус мослама(турник шаклида) ёки дарахт шаклида осилиб, қўлларга тортилиш, осилиб айланиб устига чиқиш;
- Қия ва тик нарвонларда осилиб чқциш, тортиниш ошиб тушиш;
- 1,5-2м тик арқон ёки ёғочларда оёқларни тираб тортиниб чиқиш, аста-секин фақат қўлларда тортиниб чиқиш;
- 0.5,1,2,3,4 кг.лик гантеллар билан турли машқларни бажариш (баланет кўтариш, ёнларга кўтариш, белда тутиб ўтириб туриш, ётган ҳолда ҳам бу амалларни такрорлаш).
- Ўғил болалар тенгдошлари ва укаларни орқалаб, елкага ўтқазиб юриш, 15-20м. Масофаларга секин югуриш, турган ҳолда ўтириб-туриш, сакраш машқлари мақулроқ бўлади.

Ёдда сақлаш зарурки, ҳар бир ҳаркат ва амалларни бажариш пайитларида эркин чуқур нафас олиш ва нафас чиқариш ҳараклар билан боғлиқ бўлиши шарт. Айниқса тана аъзоларининг (кўкрак қафаси кенглиги, қўл ва оёқлар мушакларининг ўсиш ривожланиш(бўртиб туриш) даржаларини доимо кузатиб бориш (махсус кундалик дафтари тутиб, барча кўрсаткичларни: ўн сония давомида венадан томир уриши, бир дақиқада нафас олиш сони қўл, оёқ кучлари кўрсаткичлари-динамаметрик ўлчовлар, иссиқлик даражаси, қон босими-танометр ва ҳ.к.). Белгиланган вақтда (камида бир ойда бир марта) шифокор назоратидан ўтиш “кундалик дафтар”ни кўрсатиб, тегишли ҳулосаларга эга бўлиш зарурдир.

Такидлаш лозимки, мазкур машқ-амалий ҳаракатлар (атлетик гимнастика) болаларнинг спорт тури билан шуғулланиш жараёнларига (БЎСМ) салбий таъсир этмайди, балки аксинча ҳар-хил техник-тактик амалларни тез ўзлаштириши ва мураккаб машқларни янгидан ўрганишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1.Morgunova I.I. Gimnastika va uni o‘qitish metodikasi. Kasb-hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma. «ILM ZIYO» Toshkent – 2011 y.

2.Насриддинов Ф.Н., Қосимов А.Ш. Ўзбек халқ миллий ўйинлари. 1-тўплам. – Т.: 1998. – Б. 27.

ЎҚУВЧИ БОЛАЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЖИҲАТЛАРИ

Хужамов Б. *– Низомий номидаги ТДПУ*

"Спорт" тушунчаси билан бирга кўпинча "жисмоний тарбия" ёки уларнинг уйғунлашган ҳолдаги "жисмоний тарбия ва спорт" деган тушунчадан ҳам фойдаланилади. Спорт жисмоний тарбиянинг йирик таркибий ҳамда ажралмас қисмидир. Жисмоний тарбиянинг бир қатор ижтимоий функциялари спортга ҳам тааллуқлидир. Бироқ спортнинг ҳамма турларини ҳам жисмоний тарбиянинг таркибий қисмига киритиб бўлмайди. Бу "жисмоний тарбия" атамаси остида жамият

ва шахс маданиятининг жонли қисми тушунилиши билан боғлиқ, одамнинг ўз ҳолати ва ривожланишининг энг қулай омили сифатида ҳаракатли фаолликдан оқилона фойдаланиши ва ҳаётий амалиётга жисмоний тайёргарлигини ривожлантириб бориши англашилади.

Шахмат, шашка, бридж, моделли-конструкторлаш фанлари сингари спорт турлари спортчилар юқори натижаларни қўлга киритишларига доир тайёргарлигида бош восита ҳисобланса-да, бироқ уларда бевосита жисмоний маш¬қлардан фойдаланиш билан боғлиқ фарқланишлар йўқ. Албатта спорт жисмоний тарбиянинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади, аммо бир вақтнинг ўзида у маълум бир мустақилликни қўлга киритганча, унинг доирасидан четга чиқади.

Ўзбекистон ва бутун жаҳондаги спорт ҳаракатлари қоидага кўра оммавий спорт амалиётини қамраб олган. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар, қизлар ва катта ёшдаги одамларнинг кўп миллионли армияси спорт билан шуғулланар экан, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди, одамлар билан мулоқотдан завққа тўлади, ўзлари танлаган спорт ихтисослиги бўйича такомиллашиб, жисмоний ҳолатларини, умумий ишчанлик қобилиятларини оширишади ва ўз имкониятларига мувофиқ ҳолда спорт натижаларига эришишади.

Спорт нафақат жисмоний ва спортдаги такомиллашишга катта имкониятлар тақдим этади, балки ахлоқий, эстетик, ақлий ва меҳнат тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Спортнинг ўзига тортадиган кучи, жисмоний ва руҳий кучларни намоён қилишга бўлган юқори талаблари, инсоннинг шахсий йўналишли тарбияси, маънавий қирралари ва сифатлари учун кенг имкониятлар очиб беради. Спорт ижтимоий педагогик тизимга киритилгани боис, у жисмоний тарбиянинг амалий воситаси ҳам ҳисобланади, спортнинг профессионал-амалий турлари билан шуғулланиш туфайли, у меҳнат ва ҳарбий фаолиятда ҳам муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиб қолмоқда.

Соғломлаштириш-рекреативли функциялар инсон организмининг функционал имкониятлари ва спортни унинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатишида ҳам намоён бўлмоқда. Бу, айниқса болалар ва ўсмирлар спортида яққол кўзга ташланмоқда, бунда спорт билан шуғулланиш натижасида унинг ривожланаётган ва шаклланаётган организмга таъсири беқиёсдир. Айнан мана шу ёшда саломатликнинг асосларига пойдевор қўйилади, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш малакалари сингдирилади, шахсий ва умумий гигиена одатлари шаклланади. Спорт бир вақтнинг ўзида ижобий ҳис-ҳаяжонлар манбаи ҳамдир, бу болаларнинг руҳий ҳолатини тенглаштиради, ақлий чарчоқлик ҳолатини енгишга ёрдам беради, "мушакли қувонч" нималигини англашга замин яратади. Айниқса, унинг болалардаги салбий гиподинамия ҳолатларини бартараф этишдаги роли улкандир.

